

**Такийюддин Набаҳоний**

**ИСЛОМДА  
ИҚТИСОД  
НИЗОМИ**

**Биринчи қисм**

**ХИЗБУТ ТАҲРИР  
НАШРЛАРИДАН**

**1426ҳ - 2005м**

## **Оят таржимасининг маъноси**

Шу нарса эътироф қилиниши лозимки,  
Куръон ояти деб араб тилидаги матнгагина  
айтилади. Ушбу китоб ичида *курсив* қилиб  
ўзбек тилида келтирилган матн оятлар  
таржимасининг маъносидир.

- соллоллоҳу алайҳи ва саллам

- разияллоҳу анху/анҳо

- алайҳис-салом

Тақийюдин Набаҳоний. Исломда иқтисод низоми

Ўзбек тилидаги иккинчи нашри

Тузатилган олтинчى нашрдан таржима қилинди

1426 ҳижрий - 2005 милодий йил

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

وَابْتَغِ فِيمَا آتَكَ اللَّهُ الدَّارَ الْآخِرَةَ وَلَا  
تَنْسَ نَصِيبَكَ مِنَ الدُّنْيَا وَأَحْسِنْ كَمَا  
أَحْسَنَ اللَّهُ إِلَيْكَ وَلَا تَبْغِ الْفَسَادَ فِي  
الْأَرْضِ إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْمُفْسِدِينَ

— «Аллоҳ сенга ато этган молу давлат билан охиратни истагин ва дунёдан бўлган насибангни унумта. Аллоҳ сенга эҳсон қилгани каби сен ҳам эҳсон қил. Ерда бузгунчилик қилишга уринма, чунки Аллоҳ бузгунчи-ларни суймас». [28:77]



## Мундарижа

<b>Кириш ояти .....</b>	3
<b>Муқаддима .....</b>	7
<b>Иқтисодий низом ҳақида сўз боши.....</b>	10
<b>Иқтисод.....</b>	52
Иқтисодий тузум асоси .....	52
Исломнинг иқтисод ҳақидаги нуқтаи назари .....	53
Исломда иқтисодий сиёsat .....	55
Умумий иқтисодий қоидалар.....	63
<b>Мулкчиликнинг турлари .....</b>	67
Хусусий мулкчилик.....	67
Хусусий мулкчилик таърифи.....	68
Мулкчиликнинг маъноси .....	69
<b>Молга эга бўлиш сабаблари .....</b>	71
<b>Мулкка эга бўлиш сабабларининг биринчиси .....</b>	74
Меҳнат .....	74
Ўлик ерни тирилтириш .....	74
Ер остидаги нарсаларни чиқариб олиш .....	75
Ов .....	76
Воситачилик ва даллоллик .....	77
Музораба .....	78
Мусокот .....	80
Ишчи ёллаш.....	80
<b>Ёлланувчининг қиладиган иши .....</b>	83
Ишни аниқ белгилаб қўйиш.....	83
Иш тури .....	84
Иш муддати .....	86
Иш ҳақи .....	87
Ишда сарфланадиган куч .....	89
Ҳаром манфаатларга ёллаш ҳукми .....	90
Ғайримусулмонни ишга ёллаш ҳукми.....	92
Ибодат ва умумий манфаатларга ёллаш.....	93
Ёлланма ишчи ўзи ким? .....	97
Иш ҳақини белгилаш асоси .....	98
Ишчи ҳақини белгилаш.....	101
<b>Эга бўлишнинг иккинчи сабаби .....</b>	112
Мерос .....	112
<b>Эга бўлишнинг учинчи сабаби .....</b>	114
Яшаш учун молга бўлган эҳтиёж .....	114
<b>Эга бўлишнинг тўртинчи сабаби.....</b>	116

Давлат ўз молидан фуқароларга бермоги.....	116
<b>Эга бўлишнинг бешинчи сабаби.....</b>	<b>117</b>
Кишилар меҳнат ёки молсиз оладиган моллар .....	117
<b>Молни тасарруф қилиш.....</b>	<b>123</b>
Тасарруф қилиш хукуки .....	123
Мулкни ўстириш.....	123
<b>Ерларга оид ҳукмлар .....</b>	<b>125</b>
Қўриқ ерларни ўзлаштириш .....	129
Ерни тасарруф қилиш .....	132
Ерни изкарага беришнинг ман қилиниши.....	137
<b>Бай ва буюртма бериш .....</b>	<b>140</b>
Бай .....	140
Буюртма бериш .....	142

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

## Муқаддима

«Исломда иқтисод низоми» номли ушбу китоб Исломий фикрий бойлик бўлиб, жуда ноёб китобдир. Зоро, у шу асрда Исломдаги иқтисод низоми воқелигини жуда аниқ, тиник ёритиб берган биринчи китобдир.

Бу китоб Исломнинг иқтисод ва унинг ғоясига бўлган қарашини, молга эгалик қилиш, уни ўстириш, сарфлаш, тасарруф қилиш (иш юритиши) кайфиятини ҳамда бойликни жамият аъзоларига тақсимлаш ва жамиятда мувозанатни вужудга келтириш кайфиятини баён қилиб берди.

Бу китоб шахсий мулк, умумий мулк ва давлат мулкидан иборат мулкчилик турларини ва байтулмолга келиб тушиши лозим бўлган молларни ва улар сарфланадиган жиҳатларни ҳам баён қилиб берди.

Шунингдек, ушрий ва хирожий ерларга оид ҳукмларни, бу ерлардаги бериш вожиб бўлган ушр ёки хирожни ҳамда бу ерлардан фойдаланиш, уларни тирилтириш (яъни ишлов бериб жонлантириш), ажратиб бериш, бир шахс эгалигидан бошқа шахсга ўтказиб бериш кайфиятини баён қилиб берди.

Яна пуллар ва уларнинг турлари, уларда содир бўлиб қоладиган рибо (судхўрлик), пул алмаштиришга ва пулларда берилиши вожиб бўлган закотга тўхталиб, улар ҳақида батафсил сўз юритди.

Ва ниҳоят, ташки тижорат ва унинг ҳукмларини тушунтириди. Бу ҳукмларни олишдаги бирдан-бир манба Оллоҳнинг Китоби ва Росулининг Суннати ҳамда Китоб ва Суннат асосидаги қиёс ва саҳобаларнинг ижмоси бўлди. Бу иқтисодий ҳукмларни олиш учун бошқа биронта манбага мурожаат қилинмади. Бу китоб капиталистик иқтисодий тузум ва социалистик (шу жумладан коммунистик) иқтисодий тузум воқелиги ва бу икки тузумнинг нотўғрилиги ҳақидаги сўз боши билан бошланиб, уларнинг фасод-бузуқ эканлигини ва Исломдаги иқтисод низоми ҳукмларига зид эканлигини баён қилди.

Бу китоб қайта нашр қилинишидан олдин яна бир бор кўриб чиқилиб, унга баъзи бир тузатишлар киритилди. Унда келган барча ҳадисларни қайта кўриб чиқишига ҳам қаттиқ эътибор берилиб, уларни ҳадис китобларидаги ривоятларига солиштириб, текшириб чиқилди.

Мусулмонлар мана шу асрда Исломдаги иқтисод низомини тушуниб етишларида бу китобнинг улкан фойдаси бор. Биз бу

китобни ҳаммага фойдали қилишини ва мусулмонларга бу китобдаги ҳукмларни Оллоҳ нозил қилган шариат билан ҳукм юритадиган давлатда татбиқ ва ижро қилиш имконини беришини Оллоҳдан сўраб қоламиз.

**14 рабиул-охир 1425ҳ  
2 июн 2004м**

## ИҚТИСОДИЙ НИЗОМ ҲАҚИДА СҮЗ БОШИ

Фикрлар қайси умматда бўлмасин, агар ёш, навқирон уммат бўлса ўз ҳаётида эришган энг катта бойлик ва агар илгаридан ёрқин фикр юритиб келган кўхна уммат бўлса, кейинги авлод ўз аждодларидан олган энг катта тухфа хисобланади.

Моддий бойликлар, илмий кашфиётлар, саноат соҳасидаги ихтиrolар ва шу кабиларнинг фикрларга нисбатан тутган мавқеи анча паст бўлиб, уларга эришиш ҳам, уларни сақлаб қолиш ҳам фикрларга боғлиқдир.

Чунки агар умматнинг моддий бойлиги йўқ қилинсаю, лекин уммат ўз фикрий бойлигини сақлаб қолган бўлса, моддий бойликни тезда тиклаб олиш мумкин. Аммо агар уммат моддий бойлигини сақлаб қолган бўлсаю, лекин фикрий бойлигидан айрилган бўлса, у ҳолда бу бойлик ҳам тез орада қўлдан кетади ва уммат қашшоқлик ҳолатига тушиб қолади. Шунингдек уммат агар фикрлаш тариқатини йўқотмаган бўлса, ўзи кашф қилган, бироқ кейинчалик йўқотган кўпгина илмий ҳақиқатларни қайтадан қўлга киритиши мумкин. Аммо агар самарали фикрлаш тариқатини йўқотган бўлса у ҳолда уммат тезда қолоқлашади ва ўзи эришган кашфиёт ва ихтиrolардан ҳам маҳрум бўлади. Шунга биноан энг аввало фикрларга қаттиқ зътибор бериш лозим, кейин шу фикрлар асосида ва фикрлашнинг самарали тариқатига таяниб моддий бойлик қўлга киритилади ва илмий кашфиётлар, саноат соҳасидаги ихтиrolар ва шу кабиларга эришишга ҳаракат қилинади.

Фикрлар деганда умматда ўз ҳаёти воқеалари хусусида фикрлаш процесси (жараёни) мавжудлиги кўзда тутилади. Бу процесс шу уммат аъзоларининг барчаси воқеаларни кузатиш пайтида шу воқеалар устидан хукм чиқариш учун ўзларидағи маълумотларни ишлата билишлари билан изоҳланади (яъни уммат аъзолари ўзларидағи маълумотларни воқеалар устидан хукм чиқариш учун ишлата билсалар, шунда уларда фикрлаш процесси вужудга келади). Бошқача айтадиган бўлсак, бу процесс одамларда фикрлар мавжудлиги бўлиб, улар бу фикрларни ҳаётда ишлатиш билан янгилик яратса оладилар ва бу фикрларни муваффақиятли тарзда қайта-қайта ишлатиш натижасида уларда фикрлашнинг самарали тариқати ҳосил бўлади.

Исломий Уммат бугунги кунда фикрларни йўқотган уммат

хисобланади, демак у табиийки, фикрлашнинг самарали тариқатини ҳам йўқотган. Чунки ҳозирги авлод ўз аждодларидан на исломий ва на ғайриисломий фикрларни қабул қилиб олди, табиийки у фикрлашнинг самарали тариқатини ҳам қабул қилиб олмади. Бу авлоднинг ўзи фикрларни касб ҳам этмади ва фикрлашнинг самарали тариқатига ҳам эришмади. Шунинг учун юртларида моддий бойликлар беҳисоб бўлишига қарамай қашшоқликда яшаши, қашфиётлар ва ихтиrolарни назарий жиҳатдан ўрганса-да, уларни эшитиб ва кўриб турса-да, уларга эриша олмаслиги ва улардан баҳра олмаслиги табиий эди. Чунки қачон уммат фикрлашнинг самарали тариқатига эга бўлсагина, яъни ҳаётда ишлатиб янгилик яратса оладиган фикрлар унда мавжуд бўлсагина, шунда бу қашфиёт ва ихтиrolарга бўлган интилиш ўз самарасини бера олади. Шундан келиб чиқиб, демак, мусулмонлар ўзларида фикрларни ва фикрлашнинг самарали тариқатини вужудга келтиришлари шарт. Шундан сўнгтина улар шу фикрлар ва тариқат асосида моддий бойликни кўлга киртиш сари қадам ташлашлари, илмий ҳақиқатларни қашф этишлари ва саноат соҳасида ихтиrolар қилишлари мумкин бўлади. Агар бундай қилмас эканлар, бир қадам ҳам олдинга силжий олмайдилар ва бўм-бўш доира ичида бефойда айланиб юраверадилар, бу айланишларида ўзларидаги бор ақлий ва жисмоний кучларни сарфлаб тутгатадилар-у, бироқ оқибатда ҳаракатларининг бошланғич нуқтасига яна қайтиб келаверадилар.

Исломий Умматнинг бу авлодида унга берилмоқчи бўлаётган фикрга қарши турувчи фикрларнинг ўзи йўқ. Агар унда қарши турувчи фикрлар бўлганида эди ўзига берилаётган бу фикрни тушуниб етган ва бу икки фикр ўзаро тўқнашиб, бу тўқнашув натижасида тўғри фикрни топиб олган бўлур эди. Лекин бу авлодда ҳозир айтганимиздек қарши турувчи фикрларнинг ўзи йўқ. Аксинча у барча фикрлардан ва ҳар қандай самарали фикрлаш тариқатидан холи бўлган бир авлод бўлиб қолди. Чунки у Исломий фикрларни худди бугунги кунда юонлар Арасту (Аристотел) ва Афлотун (Платон) фалсафасини мерос қилиб олганлариdek, хаёлий фалсафа деган эътиборда мерос қилиб олди. Исломни эса худди насоролар насронийлик динини мерос қилиб олганлариdek фақат диний маросимлар ва ибодатлар деган эътиборда мерос қилиб олди. Айни вактда у капитализм фикрларига ошиқ бўлди. У бу фикрлар воқелигини тушуниб етганлиги учун эмас, балки уларнинг муваффакиятини кўриб ошиқ бўлди. У бу муолажа-ечимлар капитализмнинг ҳаётга бўлган қарашидан келиб чиқаётганлигини

англааб етганлиги учун эмас, балки ўзига капитализм ҳукмларининг татбиқ этилишига бўйин сунганилиги учун бу фикрларга ошиқ бўлди. Шунинг учун у гарчи ўз ҳаётини капитализм кўрсатган йўл асосида юргизса-да, фикрлаш жихатидан капиталистик фикрлардан холи бўлиб қолди. Ислом динига эътиқод қилиб, унинг фикрларини ўрганса-да, амалда Исломий фикрлардан ҳам холи бўлиб қолди.

Энди бу авлоднинг фикрларга мойиллигига келсак, у Ислом билан капитализм ҳукм ва муолажаларини бир-бирига мувофиқлаштиришга уринди. Бунинг иложи йўқлигини кўргач, бундан ҳафсаласи пир бўлди. У ҳатто Исломни ҳаётдаги янги-янги муаммоларга ечим беришдан ожиз деб ҳисоблаш, шунинг учун Ислом билан капитализмни бир-бирига мувофиқлаштириб ўтирамай, капиталистик ҳукм ва ечимларни қандай бўлса шундай олиш зарур, деб билиш даражасигача етди. У цивилизацияга эришган олам билан ҳаёт майдонида бирга қадам ташлай олиш ва капитализм тузумида яшаётган миллатлар ёки социализм татбиқ қилинib, коммунизм сари кетаётган халқлар карвонига қўшилиш учун (чунки бу миллат ва халқлар унинг назарида тараққиётга эришган халқлар эди) Ислом аҳкомларини тарк қилишнинг ва гайриисломий аҳкомларни олишнинг ҳеч бири зарари йўқ, деб ҳисобладиган бўлиб қолди. Аммо Исломга маҳкам ёпишишга уринган қолган озгина одамларга келсак, уларда ҳам капитализм фикрларига бўлган худди шу мойилликнинг ўзи бор эди. Лекин улар капитализм билан Исломни бир-бирига мувофиқлаштириш мумкинлигидан ҳали умидни узмаган эдилар. Бироқ Ислом билан бошқа тузумларни бир-бирига мувофиқлаштиришга уринган бу кимсаларнинг ҳаёт майдонида ҳеч қандай таъсиrlари ва жамиятда, яъни одамлар ўртасида бўладиган амалий алокаларда ҳеч бир ўринлари йўқ эди.

Шундай қилиб, ҳаёт муаммоларини муолажа қилиш (ечиш) учун Исломий фикрларни ва шаръий аҳкомларни бериш фикрдан ва фикрлаш тариқатидан холи бўлган ақллар билан, барчадаги капитализм ёки социализм фикрларига бўлган мойилликлар билан тўқнаш келган эди. Шунингдек, у капитализм тузуми ҳукм суроётган амалий ҳаёт воқелиги билан ҳам тўқнаш келган эди. Шунинг учун агар фикр нафслар ва ақлларда ларзани пайдо қиласиган даражада кучли бўлмас экан, бундай фикр одамларни ҳаракатга келтира олмайди, у ҳатто эътибор беришга ҳам арзимайди. Шунинг учун ларзага келтирадиган кучли фикр бўлиши лозим. Чунки у танбал, саёз ақлларни чукур фикрлашга ундумоғи ва бузук майллар, касал завқларни ларзага келтириб, уларни тузатмоғи

лозим. Шундагина у Исломий фикрлар ва шаръий аҳкомларга содик майлларни пайдо қила олади.

Шундан келиб чиқиб Исломга даъват құлувчи киши капитализм хукмлари ва ечимлари таянадиган асосларга тұхталиб, уларға қарши чиқмоғи, уларнинг соҳталигини фош этиб янчидан ташламоғи ва ҳаётдаги турли-туман воқеа-ходисаларга эътибор қаратып, Исломнинг бу воқеаларга берган ечимини баён құлмоғи зарур бўлади. У Ислом берган ечимни, бу ечим замонга мос келгандығы ёки мос келмаганлығы учун эмас, балки Китоб ва Суннатдан ёки Китоб ва Суннат кўрсатиб берган далиллардан олинган шаръий аҳкомлар бўлғанлиғи учун амал қилиш вожиб бўлган шаръий аҳкомлар деган эътиборда баён құлмоғи лозим бўлади, яъни бу аҳкомларга манфаат юзасидан эмас, балки эътиқоддан келиб чиқиб амал қилиш вожиб эканлигини баён құлмоғи лозим. Демак, даъватчи хукм беришда шу хукм олинган шаръий далилни ёки шу хукмнинг шаръий нусус (оят ёки ҳадис)да келган шаръий иллатини ёки бу иллатга ўхшаш бошқа иллатни баён қилишга киришмоғи лозим.

Шунинг учун Фарбда сиёсий иқтисод таянадиган асосий фикрларни тартибга солувчи капитализм низомидаги иқтисод ҳакида аниқ-тиник тасаввурни бериш лозим. Шундагина Фарбнинг

иктисодий тузумига ошиқ бўлган кимсалар бу тузумнинг фасодлигини ва Исломга зид эканлигини сезадилар. Шундан сўнг улар Исломнинг иктиносидий фикрлари иктиносидий хаёт муаммоларини тўғри ечиб бераётганлигини ва бу хаётни асосларда ҳам ва тафсилотларда ҳам капиталистик хаётга бутунлай зид бўлган ўзига хос турмуш тарзига айлантираётганлигини кўрадилар.

Биз агар капитализм мабдасидаги иктиносидий низомни кўриб чиқсан, улардаги иктиносод инсон эҳтиёжлари ва уларни қондириш воситалари бўйича изланиш олиб боришининг гувохи бўламиз. Демак, улардаги иктиносод инсон ҳаётининг фақат моддий томонинигина ўрганади ва бу иктиносод уч асосга қурилади:

1. Эҳтиёжларга нисбатан товар ва хизматларнинг нисбий камлиги, яъни инсоннинг янгиланиб турувчи турли-туман эҳтиёжларини қондирадиган товар ва хизматларнинг етишмаслиги муаммои бўлиб, бу муаммо улардаги жамият дуч келаётган иктиносидий муаммо ҳисобланади.

2. Ишлаб чиқарилган нарсанинг қиймати бўлиб, бу қиймат иктиносидий изланишларнинг асоси ҳисобланади ва жуда кўп ўрганилади.

3. Нарх ва унинг маҳсулот ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш ва тақсимлашда ўйнайдиган роли бўлиб, у капитализм иктиносидий низомининг негизи, пойдевори ҳисобланади.

Энди товар ва хизматларнинг нисбий камлигига келсан, товар ва хизматлар инсон эҳтиёжларини қондирадиган воситалар бўлганлиги учун бундай муаммо мавжуддир. Чунки уларнинг айтишича, инсоннинг қондиришни талаб қиласидиган эҳтиёжлари бор, уларни қондириш учун эса воситалар керак. Аммо бу эҳтиёжлар фақат соғ моддий эҳтиёжлардир, холос. Чунки улар ё инсоннинг озиқ-овқат, қийимга бўлган эҳтиёжи каби хис қилинадиган, сезиладиган эҳтиёж бўлади ёки инсоннинг врач ва муаллим хизматига бўлган эҳтиёжи каби одамлар хис қиласидиган, лекин уларга аниқ кўринмайдиган эҳтиёж бўлади. Аммо фаҳр каби маънавий эҳтиёжларга ва муқаддаслаштириш, сифиниш каби руҳий эҳтиёжларга келсан, уларнинг иктиносидий жиҳатдан мавжудлиги улар томонидан тан олинмайди, бу нарсаларга ўрин ажратилмайди ва иктиносидий изланиш чорида эътиборга олинмайди.

Эҳтиёжларни қондирувчи воситаларни эса улар товар ва хизматлар деб номлайдилар. Чунки товарлар хис қилинадиган, сезиладиган эҳтиёжларни қондириш воситаларидир. Хизматлар эса хис қилинадиган, лекин кўринмайдиган эҳтиёжларни қондириш

воситаларидир. Аммо энди товар ва хизматлардаги қондирадиган нарса нима ўзи? - деган саволга келсак, бу нарса уларнинг назарида шу товар ва хизматлардаги манфаатdir. Бу манфаат эса бир хусусият бўлиб, қайси нарсада бор бўлса ўша нарсани эҳтиёжни қондиришга яроқли қилиб қўяди. Энди эҳтиёжнинг иқтисодий жиҳатдан маъноси рағбат эканлигидан келиб чиқиладиган бўлса, демак рағбат қилинадиган барча нарса - зарурий бўлиши ёки бўлмаслигидан ва баъзи одамлар фойдали деб, бошқа баъзилари эса зарарли, деб ҳисоблашидан қатъий назар - иқтисодий жиҳатдан фойдали ҳисобланади. Чунки бу нарсага рағбат қилувчи одамлар модомики бор экан, демак бу нарса иқтисодий жиҳатдан фойда келтирувчи нарса ҳисобланади. Бу эса Farbdagi иқтисодчиларни иқтисодий нуқтаи-назардан келиб чиқиб нарсаларни фойдали деб ҳисоблайдиган қилиб қўяди. Гарчи омма фикри бу нарсаларни фойдасиз ёки зарарли деб ҳисобласа ҳам, улар бу нарсаларни фойдали деб ҳисоблайдиган бўлдилар. Масалан ароқ ва нашага баъзи одамлар рағбат қилганлиги учун иқтисодчилар наздида фойдали нарсалар ҳисобланади. Шунга асосланиб иқтисодчи қондириш воситаларига, яъни товарлар ва хизматларга бошқача назарда эмас, балки эҳтиёжни қондирувчи нарса, деб қарайди. Бошқа ҳар қандай қарашни эътиборга олмайди, яъни эҳтиёжлар ва манфаатларга бўлиши лозим бўлган тарзда эмас, балки қандай бўлса шундай қарайди. Шунинг учун манфаатга эҳтиёжни қондирувчи эканлигидан келиб чиқиб қарайди ва бу қарашдан нарига ўтмайди. Масалан ароқка баъзи кимсаларнинг эҳтиёжини қондирганлиги учун иқтисодий қийматга эга бўлган нарса деб, ароқ ишлаб чиқарувчига эса хизмат кўрсатувчи, деган эътиборда қарайди. Ароқ ишлаб чиқарувчининг хизмати баъзи кимсаларнинг эҳтиёжини қондиряпти, шунинг учун унинг бу хизмати иқтисодий қийматга эга, деб ҳисоблаб унга шундай эътиборда қарайди.

Уларнинг наздида эҳтиёжлар табиати ва уларни қондириш воситалари табиати шундан иборатdir. Демак, капиталистик иқтисодчи жамият асосланиши лозим бўлган нарсага аҳамият бермайди, балки эҳтиёжни қондирадиган нарса бўлганлиги учун иқтисодий модда (восита)га аҳамият беради. Шунинг учун иқтисодчининг вазифаси товарлар ва хизматларни кўпайтиришdir, яъни бошқа ҳеч нарсани эътиборга олмай инсон эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган қондириш воситаларини кўпайтиришdir. Шунга биноан иқтисодчи инсон эҳтиёжларини қондириш воситаларини кўпайтириш борасида изланади. Энди

қондириш воситалари бўлган товарлар ва хизматлар уларнинг назарида чекланган бўлгани учун, демак улар инсон эҳтиёжларини қондириш учун етарли эмас. Чунки уларнинг фикрича бу эҳтиёжлар чекланмаган. Масалан бу ерда инсоннинг инсон сифатида қондириши албатта зарурий бўлган асосий эҳтиёжлари бор ва маданият даражаси ўсиб, инсон юксалиб борган сайн зиёда бўлиб борадиган бошқа бир қанча эҳтиёжлари ҳам бор. Бу эҳтиёжлар ўсиб, тобора зиёда бўлиб боради. Натижада уларнинг барчасини тўла қондириш зарур бўлиб қолади. Бунинг эса - товар ва хизматлар қанчалик кўпаймасин - ҳеч имкони йўқдир. Мана шундан энди иқтисодий муаммони асоси келиб чиқади. Бу муаммо асоси эҳтиёжларнинг кўплиги, уларни қондириш воситаларининг эса озлигидир, яъни инсоннинг барча эҳтиёжларини тўла қондириш учун зарур бўлган товар ва хизматларнинг етишмаслигидир. Мана шу пайтда жамият иқтисодий муаммога дуч келади. Бу муаммо товар ва хизматларнинг нисбий етишмаслиги муаммосидир. Бу етишмасликнинг муқаррар натижаси шундан иборат бўладики, баъзи эҳтиёжлар факат қисман қондириладиган ёки мутлақо қондирилмайдиган бўлиб қолади. Шундай экан, демак қондирилишдан баҳраманд бўладиган эҳтиёжларни ва унда маҳрум бўладиган эҳтиёжларни кўрсатиб бериши учун жамият аъзолари ўзаро келишиб оладиган қонун-қоидалар зарур бўлади. Бошқача ибора билан айтганда чекланган ресурс (манба)ларни чекланмаган эҳтиёжларга қандай тақсимланиш кераклигини кўрсатиб берадиган қонун-қоидалар лозим бўлади. Демак уларнинг наздида муаммо инсон эмас, балки эҳтиёжлар ва ресурслардир, яъни ҳар бир шахснинг эҳтиёжларини қондириш эмас, балки эҳтиёжларни қондиришнинг ресурс-манбаларини кўпайтиришдир. Шундай экан ишлаб чиқиладиган қонун-қоидалар ресурсларнинг етарли бўлишига эришиш учун, яъни ҳар бир кишини эмас, балки одамлар мажмуасини товарлар ва хизматлар билан етарли таъминлаш учун маҳсулот ишлаб чиқаришни мумкин қадар юкори даражага кўтаришни таъминлайдиган бўлиши шарт. Шундан келиб чиқиб, товар ва хизматларни тақсимлаш муаммоси уларни ишлаб чиқариш муаммоси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб қолди. Шу сабабли иқтисодий изланишлардан кўзланган энг олий мақсад одамлар мажмуаси истеъмол қиласидиган товар ва хизматларни кўпайтириш бўлиб қолди. Шунинг учун маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир ўтказадиган омилларни ўрганиб чиқиш барча иқтисодий мавзулар орасида биринчи ўринда туради. Чунки

маҳаллий махсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасида изланиш иқтисодий муаммони, яъни эҳтиёжларга нисбатан товар ва хизматларнинг камлиги муаммосини ҳал қилиш учун олиб бориладиган изланишларнинг энг муҳими ҳисобланади. Чунки улар камбағаллик ва қашшоқлик муаммосини фақат махсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш орқали ҳал қилиш мумкин, деб ишонадилар. Демак, уларнинг наздида жамият олдида турган иқтисодий муаммо фақат ишлаб чиқаришнинг кўпайтириш билан ҳал бўлади.

Ишлаб чиқарилган нарсанинг қийматига келсак, бу қиймат шу нарсанинг муайян шахсга нисбатан ёки бошқа нарсага нисбатан қай даражада аҳамиятли эканлигини билдириб, биринчи ҳолатда манфаат қиймати, иккинчи ҳолатда эса айирбошлиш қиймати деб аталади. Нарса манфаатининг қиймати қисқача шундай ифодаланади: «бирон нарсадан иборат ҳар қандай бирликнинг манфаат қиймати унинг ниҳойи манфаати билан, яъни бирликнинг энг заиф эҳтиёжни қондирадиган манфаати билан белгиланади». Улар буни «ниҳойи ёки охирги чегарадаги манфаат» назарияси деб номлайдилар. Яъни манфаат - махсулот ишлаб чиқарувчининг нуқтаи назарига кўра белгиланмайди, яъни махсулот ишлаб чиқаришга кетган сарф-харажатлар билан белгиланмайди. Чунки агар сарф-харажатлар билан белгиланадиган бўлса, у ҳолда фақат «таклиф» нуқтаи-назаригина ҳисобга олинган бўлиб қолади. Манфаат истеъмолчининг нуқтаи назарига кўра ҳам белгиланмайди, яъни махсулотдаги манфаат микдорига қараб ва камёблик, етишмаслик омилини ҳисобга олган ҳолда шу манфаатга бўлган эҳтиёжни сезишга қараб ҳам белгиланмайди. Чунки бу пайтда «таклиф»ни ҳисобга олмай фақат «талаоб» нуқтаи назаринигина ҳисобга олинган бўлиб қолади. Балки аслида манфаатни белгилашда таклиф ва талаоб нуқтаи назарининг иккаласи бирга ҳисобга олиниши лозим. Шунинг учун нарсанинг қай даражада фойдали эканлиги эҳтиёжни қондиришининг охирги чегарасида белгиланади, яъни масалан ноннинг қиймати очарчиликнинг аввалида эмас, балки охирида, бозорда ноннинг кам пайтида эмас, балки одатдаги сероблиги, кўплиги пайтида белгиланади. Мана шуни «манфаат қиймати» деб аталади. Аммо айирбошлиш қийматига келсак, у бир хусусият бўлиб, агар бир нарсада шу хусусият мавжуд бўлса, ўша нарсани айирбошлиш учун яроқли қилиб қўяди. Улар бунга: «нарсанинг бошқа нарсага нисбатан айирбошлиш қуввати», деб таъриф берадилар. Масалан, буғдойнинг

жүхорига нисбатан айирбошлаш қиймати бүгдой бирлигини қўлга киритиш учун воз кечиши лозим бўлган жўхори миқдори билан белгиланади. Манфаат қийматини фақат манфаат, деб, айирбошлаш қийматини эса фақат қиймат, деб аталади.

Айирбошлаш фақат айирбош қилинмоқчи бўлган товар ёки хизматга эквивалент бўлган (яъни шу товар ёки хизматга ҳар жихатдан тенг бўлиб, у билан алмашина оладиган) ёки қиймати шу товар ёки хизматга яқин бўлган нарса мавжуд бўлсагина амалга ошади. Шундан келиб чикиб капиталистик иқтисодчиларнинг қийматни ўрганишлари шарт бўлиб қолди. Чунки қиймат айирбошлаш асосидир. Чунки у қиёслаш мумкин бўлган сифат (ўзига хос хусусият), товар ва хизматлар ўлчанадиган миқёсдир. Шунингдек у маҳсулот ишлаб чиқариладиган ишлар билан ишлаб чиқармайдиган ишлар ажратиладиган миқёс ҳамдир. Чунки маҳсулот ишлаб чиқариш дегани манфаат (фойда)ни яратиш ёки уни кўпайтириш бўлиб, қилинадиган меҳнатлар билан амалга ошади. Бу меҳнатларнинг маҳсулот ишлаб чиқарувчи ёки ишлаб чиқармайдиган меҳнат эканлигини ажратиш ва улардан қайсиини бошқасидан кўра кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришини билиш учун турли маҳсулот ва хизматлар ўлчанадиган аниқ ўлчов керак. Бу аниқ ўлчов эса турли маҳсулот ва хизматларнинг ижтимоий қийматлариdir. Ёки бошқача ибора билан айтадиган бўлсак, у сарфланадиган меҳнатга ёки адo қилинадиган хизматга жамоатчилик томонидан бериладиган баҳодир. Бундай баҳо бериш эса зарурий ишга айланди. Чунки айирбошлаш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳозирги жамиятларда истеъмол қилиш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариш ўрнини эгаллади. Чунки бугунги кунда ҳар бир шахс ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотнинг ҳаммасини ёки кўп қисмини бошқа одамлар ишлаб чиқарган бошқа нарсаларга айирбошлайдиган бўлиб қолди. Бу айирбошлаш эса - юқорида айтиб ўтганимиздек - шу маҳсулот ўрнига бериладиган товар ёки хизмат мавжуд бўлсагина амалга ошади. Демак айирбошлаш амалга ошиши учун товар қийматини белгилаш зарур бўлади. Бунинг учун эса қийматнинг ўзи нима эканлигини билиш зарур. Уни билиш маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам ва истеъмол қилиш учун ҳам зарурий иш бўлиб қолди, яъни инсон эҳтиёжларини қондириш воситалари ёрдамида қондириш учун уни билиш албатта шарт бўлган иш бўлиб қолди.

Бирок бу айирбошлаш қиймати янги асрда ўз қийматларидан бири билан белгиланиб қолди ва мана шу қиймат устун бўлиб

қолди. Чунки цивилизациялашган жамиятларда товарлар қиймати бир-бирига эмас, балки пул деб аталувчи бир муайян товарга нисбат берилади. Нарсани пул билан айирбошлаш нисбатига «нарх» дейилади. Демак, нарх нарсанинг пулга нисбатан айирбошлаш қийматидир. Шунга биноан айирбошлаш қиймати билан нарх ўртасидаги фарқ шундан иборатки, айирбошлаш қиймати нарсани мутлақо бошқа нарсага - бу нарса пул бўладими ёки товар ёки хизмат бўладими ҳеч фарқсиз - мутлақо бошқа нарсага айирбошлаш нисбатидир. Нарх эса нарсани фақат пулни ўзи билан айирбошлаш қийматидир. Бунинг натижасида барча товарларнинг нархлари бир вақтда кўтарилиб, бир вақтнинг ўзида тушиб кетиши мумкин, айни пайтда барча товарларнинг бир-бири билан айирбошлаш қийматининг бир вақтда кўтарилиб ёки тушиб кетиши эса мумкин бўлмаган ишдир. Шунингдек, товарлар нархлари ўзгариши мумкин, лекин айни пайтда уларнинг айирбошлаш қиймати ўзгармай қолаверади. Шунга биноан, демак, товарнинг нархи шу товар қийматларидан биридир, бошқача ибора билан айтганда у товарнинг фақат пулга нисбатан қийматидир, холос. Энди нарх қийматларининг бири экан, демак у табиий равишда нарсанинг фойдали ёки фойдасиз эканлигининг ва нарсадаги манфаат даражасининг миқёси-ўлчови бўла олади. Чунки агар жамият муайян товар ёки муайян хизматни муайян нарх билан баҳоласа бу товар ёки хизмат фойдали ва самарали хисобланади. Аммо бу товар ёки хизматнинг манфаат даражасига (яъни унинг қай даражада фойда келтиришига) келсак, бу даража истеъмолчиларнинг кўпчилиги шу товар ёки хизматта эга бўлиши учун тўлашга рози бўлган нарх билан ўлчанади. Бунда бу товарнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ёки саноат маҳсулоти бўлишининг ва хизматнинг ҳам савдогар ёки транспорт ширкати ёки врач ёки муҳандис (инженер) хизмати бўлишининг фарқи йўқ.

Энди маҳсулот ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш ва тақсимлашда нарх ўйнайдиган ролга келсак, бу рол шундан иборатки, нарх механизми маҳсулот ишлаб чиқарувчилардан кимлар ишлаб чиқариш соҳасига киришини ва кимлар ишлаб чиқарувчилар қаторига кирмаслигини белгилаб беради. Буни қайси истеъмолчилар ўз эҳтиёжларини қондиришдан баҳраманд бўлишини ва улардан кимларнинг эҳтиёжлари қондирилмай қолиб кетаверишини белгиловчи кайфиятнинг ўзи билан белгилаб беради. Товарни ишлаб чиқаришга кетган сарф-харажатлар эса шу товарнинг бозорда таклиф қилинишига ҳукм ўtkазадиган асосий

омил, товардаги манфаат эса бозорда шу товарга бўлган талабга ҳукм ўтказадиган асосий омил бўлиб, иккаласи ҳам нарх билан ўлчанади. Шунинг учун таклиф ва талабни ўрганиш капиталистлар наздида иқтисоддаги асосий изланиш ҳисобланади. Таклиф дейилганда бозор таклифи ва талаб дейилганда бозор талаби кўзда тутилади. Нархни айтмай туриб талабни аниқлаш мумкин бўлмаганидек, нархни аниқламай таклифни белгилаш ҳам мумкин эмас. Бироқ талаб нарх ўзгаришига тескари равишда ўзгаради. Чунки нарх кўтарилса талаб камаяди, нарх пастласа талаб кўпаяди. Таклиф бунинг тескарисидир. Чунки таклиф нарх ўзгарган томонга қараб ўзгаради, яъни нарх кўтарилса таклиф ҳам кўпаяди, нарх пастласа таклиф ҳам камаяди. Иккала ҳолатда ҳам нарх таклиф ва талабга жуда катта таъсир ўтказади, яъни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишда нарх жуда катта таъсирга эга.

Уларнинг наздида нарх механизми жамият аъзоларига товар ва хизматларни тақсимлашнинг идеал (энг муносаб) услубидир. Чунки - дейди улар - манфаатлар инсон сарфлайдиган меҳнатнинг маҳсулидир. Шунинг учун агар меҳнатга яраша мукофот тўланмаса, ҳеч шубҳасиз ишлаб чиқариш даражаси пасайиб кетади. Шунга биноан демак, жамият аъзоларига товар ва хизматларни тақсимлашнинг энг муносаб йўли маҳсулот ишлаб чиқаришни мумкин қадар юқори даражага кўтаришни таъминлайдиган усулдир. Бу усул - нарх усули бўлиб, улар буни нарх механизми, деб атайдилар. Чунки уларнинг фикрича, бу усул иқтисодий мувозанатни механик шаклда (ўз-ўзидан) вужудга келтиради. Чунки бу усул истеъмолчиларни ўз эркига ташлаб қўйиш асосига курилган бўлиб, истеъмолчилар шу асосда жамият эга бўлган ресурсларни иқтисодий фаолиятнинг турли соҳаларига қандай тақсимлаш лозимлигини ўzlари белгилаб, кўрсатиб берадилар. Улар буни баъзи нарсаларни бажонидил сотиб олиш билан, баъзи нарсаларни сотиб олишни эса истамасликлари билан белгилаб берадилар. Чунки улар топган даромадларини ўzlари мухтож бўлган ёки ўzlари рағбат қилган нарсаларни сотиб олишга сарфлайдилар. Масалан, ароқ сотиб олишни истамайдиган истеъмолчи уни сотиб олмайди ва даромадини бошқа нарсага сарфлайди. Шунинг учун агар ароқ сотиб олишни истамайдиган истеъмолчилар сони кўпайса ёки барча одамлар уни сотиб олишни истамайдиган бўлиб қолса, ароқ ишлаб чиқариш - унга талаб бўлмагани учун - фойда келтирмайдиган иш бўлиб қолади. Натижада уни ишлаб чиқариш ўз-ўзидан тўхтайди. Бошқа барча нарсаларни ҳам шунга қёслаш

мумкин. Демак истеъмолчилар, агар уларни ўз эркига ташлаб қўйилса, қанча маҳсулот ва қайси турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш кераклигини уларнинг ўzlари кўрсатиб беради. Нарх эса истеъмолчиларда шу нархни тўлашга етарли маблағ бор ёки йўқ бўлган пайтда хамда маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга шу нарх тўланган ёки тўланмаган пайтда товар ва хизматларни тақсимлашга восита бўладиган нарсадир.

Шунинг учун нарх механизми маҳсулот ишлаб чиқаришга ундовчи, тақсимотни тартибга солувчи омил ва маҳсулот ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи ўртасидаги алоқа воситасидир, яъни у маҳсулот ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги мувозанатни вужудга келтирадиган нарсадир.

Энди унинг маҳсулот ишлаб чиқаришга ундовчи омил эканига келсак, бу шундан иборатки, инсонни ҳар қандай самарали меҳнатни қилишга ёки фидокорлик кўрсатишга ундовчи асосий нарса, сарфланган шу меҳнат ёки ана шу фидокорлик учун унга тўланадиган моддий мукофотдир. Капиталистик иқтисодчилар шундай хисоблайдилар. Шунинг учун улар инсоннинг маънавий ёки руҳий ундов билан бирон нарсага меҳнат сарфлашини ҳақиқатдан йироқ санайдилар. Улар ўzlари тан оладиган ахлоқий ундовни ҳам моддий мукофотга олиб бориб тақайдилар. Уларнинг фикрича, инсон факат ўз эҳтиёжларини ва моддий истакларини қондириш учунгина меҳнат сарфлайди. Бу қондириш эса ё ўзи ишлаб чиқарадиган товарларни тўғридан-тўғри истеъмол қилиш орқали ёки бошқалар ишлаб чиқарган товар ва хизматларни кўлга киритиш имконини берадиган пул мукофотига эришиш орқали амалга ошади. Инсон ўз эҳтиёжларини ҳаммасини бўлмаса ҳам, кўп қисмини қондиришда ўз меҳнатини бошқалар меҳнати билан айирбошлишга таянади. Шу сабабли эҳтиёжларни қондириш ўзи ишлаб чиқарадиган товарни кўлга киритишга эмас, балки меҳнатига тўланадиган пул мукофотини қўлга киритишга қараб қолди. Чунки пул унга товар ва хизматларни кўлга киритиш имконини беради. Шунинг учун тўланадиган пул мукофоти, яъни нарх инсонни маҳсулот ишлаб чиқаришга ундовчи омил бўлиб қолди. Шундан келиб чиқиб нарх маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни меҳнат сарфлашга ундейдиган нарса бўлиб қолади. Демак, нарх маҳсулот ишлаб чиқаришга ундовчи омилдир.

Нархнинг тақсимотни тартибга солувчи нарса эканлигига келсак, бу шундан иборатки, инсон ўзининг барча эҳтиёжларини тўла қондиришни истайди. Шунинг учун бу эҳтиёжларни қондирадиган

товар ва хизматларни қўлга киритишга ҳаракат қилади. Шу сабабли агар инсон фарзандларидан ҳар бирини эҳтиёжларини қондиришда ўз эркига ташлаб қўйилганда эди у ўзи хохлаган товарларни қўлга киритишдан ва истеъмол қилишдан ўзини тўхтатолмас эди. Лекин энди ҳар бир инсон фарзанди худди шу мақсадга интилар экан, демак эҳтиёжларни қондиришда инсон ўз меҳнатини бошқалар меҳнати билан айирбошлай оладиган чегарада, яъни сарфлаган меҳнати учун қўлга киритадиган пул мукофоти чегарасида, яъни нарх чегарасида тўхташга мажбур бўлиб қолади. Шундай қилиб нарх табиий равишда йўлга қўйиладиган ва товарга эга бўлиш ва истеъмол қилишда инсонни ўз даромадларига мос келадиган чегарада тўхташга мажбур қиласидаги чеклов мейёрdir. Чунки нарх инсонни бири қўйиб, бири қондиришни талаб қилаётган эҳтиёжларини бир-бирига солиштириб, улардан қайси бирини олдинроқ қондириш лозимлиги тўғрисида фикр юритишга мажбур қилиб қўяди. Шунда инсон қондириш зарур деб билган эҳтиёжларини қондиришга киришади ва унчалик зарур эмас деб билган эҳтиёжларини қондирмай туради. Нарх шунингдек инсонни баъзи эҳтиёжларини қисман қондириш билан кифоялананишга ҳам мажбур қилади, шунда инсон қисман қондириш билан кифояланган шу эҳтиёжларидан аҳамияти кам эмас деб билган бошқа эҳтиёжини қондириш имконига эга бўлади. Демак, нарх шахс қондиришни талаб қиласидаги эҳтиёжларни тақсимлашни ҳам тартибга солади. У шунингдек чекланган миқдордаги манфаатларни шу манфаатларни талаб қилаётган кўп сонли истеъмолчиларга тақсимлашни ҳам тартибга солади. Чунки истеъмолчиларнинг даромадлари ўртасидаги тафовут ҳар бир шахс истеъмолини ўз даромадлари имкониятига чеклаб қўяди. Бу билан баъзи товарларни истеъмол қилиш кишининг даромади имкониятига чекланиб қолади, баъзи товарларни истеъмол қилиш эса озгина маблағга эга бўлган барча одамларга умумий бўлиб қолади (яъни озгина пули бор одамлар ҳам бу товарларни истеъмол қила оладилар). Баъзи товарларнинг нархи кўтарилиб, баъзиларнинг нархи пасайиб туради. Баъзи одамларда етарли пул бўлса, баъзиларида етарли пул бўлмайди. Шу сабабли нарх манфаатларни истеъмолчиларга тақсимлашни тартибга солувчи бир восита бўлиб қолади.

Энди нархнинг маҳсулот ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасида мувозанатни рўёбга чиқарувчи нарса эканлигига, яъни маҳсулот ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи ўртасидаги алоқа воситаси эканлигига келсақ, бу шундан иборатки, истеъмолчилар

истак-хоҳишларини рӯёбга чиқараётган маҳсулот ишлаб чиқарувчи бу меҳнати эвазига фойдани қўлга киритиш билан мукофотланади. Маҳсулотлари истеъмолчилар томонидан севиб қабул килинмаётган ишлаб чиқарувчининг эса зиён кўриши аниқдир. Маҳсулот ишлаб чиқарувчининг истеъмолчилар истак-хоҳишларини билиб олишига имкон берадиган йўл эса нарҳдир. Чунки фақат нарҳ орқалигина истеъмолчилар истак-хоҳишларини билиб олади. Масалан, agar истеъмолчилар бир муайян товарни кўплаб сотиб ола бошласалар бозорда шу товарнинг нархи кўтарилиб кетади. Бу билан эса истеъмолчиларнинг истак-хоҳишларини бажариш учун ана шу товарни ишлаб чиқариш кўпаяди. Энди agar истеъмолчилар муайян товарни сотиб олишга истак билдиришмаса бозорда бу товарнинг нархи тушиб кетади. Бу билан эса шу товарни ишлаб чиқариш камаяди. Демак, нарҳ кўтарилиши билан маҳсулот ишлаб чиқаришга ажратилган маблағлар кўпаяди, нарҳ пасайиши билан эса бундай маблағлар камаяди. Бу билан эса нарҳ маҳсулот ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасида мувозанатни пайдо қиласди ҳамда ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи ўртасидаги алоқа воситаси бўлиб қолади. Бу эса механик равишда (ўз-ўзидан) содир бўлади. Шунга биноан нарҳ капиталистлар назарида иқтисод таянадиган пойдевор ва иқтисоднинг негизи бўлиб қолди.

Капитализм мабдасидаги иқтисодий низомнинг хulosаси (кисқача мазмуни) шундан иборат бўлиб, улар буни «сиёсий иқтисод» (полит экономия), деб атайдилар. Уни чукур ўрганиб чиқилса капитализм иқтисодий низомининг бир неча жихатдан фасод тузум эканлиги аён бўлади:

Масалан, уларнинг назарида иқтисод инсон эҳтиёжларини ва уларни қондириш воситаларини ўрганади. Шунинг учун улар эҳтиёжларни қондириш воситалари бўлмиш товар ва хизматларни ишлаб чиқаришни шу товар ва хизматларни эҳтиёжларга тақсимлаш билан бирга қўшиб битта мавзу деб ўрганадилар, яъни улар эҳтиёжлар ва уларни қондириш воситаларини бир-бирига аралаштириб, бир-биридан ажралмайдиган, балки ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган битта нарса ва битта мавзу, деб хисоблайдилар. Чунки уларнинг назарида товар ва хизматларни тақсимлаш шу товар ва хизматларни ишлаб чиқариш мавзуси таркибига киради. Шунга биноан улар иқтисодга иқтисодий предмет (модда) ва унга эга бўлиш қайфиятини ўз ичига оладиган битта назар билан қарайдилар. Улар бу икки нарсанинг ўртасидаги фарқни ажратмай, уларга битта нарса деб қарайдилар, яъни улар иқтисод илми ва

иктисод низомига битта назар билан қараб, бу иккиси ўртасидаги фарқни ажратмайдилар. Ҳолбуки, иктисод низоми билан иктисод илми ўртасида фарқ бор. Чунки иктисод низоми бойликни тақсимлаш, унга эгалик қилиш, уни тасарруф қилиш ва шунга ўхшаш нарсаларни баён қиласи ва буларни баён қилишда ҳаёт ҳакидаги бир муайян нуқтаи назарга асосланади. Шунинг учун Исломдаги иктисодий тузум социализм, коммунизм ва капитализдаги тузумлардан бутунлай ўзгачадир. Чунки булардаги ҳар бир тузум мабданинг ҳаёт ҳакидаги нуқтаи назарига таянади. Иктинос илми эса бунинг тескарисидир. Чунки у маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни яхшилаш, ишлаб чиқариш қуроллари (воситалари)ни вужудга келтириш ва уларни такомиллаштириш борасида изланиш олиб боради. Бу эса бошқа илмлар каби оламдаги барча миллат (халқ)лар учун умумий илм бўлиб, факат бир мабданинг ўзигагина хос бўлмайди. Масалан мулкчиликка бўлган қараш капитализм низомида ўзгача, социализм ва коммунизм низомида ўзгача ва Исломда ўзгачадир. Маҳсулот ишлаб чиқаришни яхшилаш эса бунинг тескарисидир. Чунки бир воқелик бўйича изланиш шу воқеликка илмий назар билан қарашдир. Бундай қараш эса тушунча қанчалик турли бўлмасин қараш эканлиги жиҳатидан барча одамларда бир хилдир.

Эҳтиёжлар билан воситаларни битта мавзу қилиб бир-бирига қўшиб юбориш, яъни иктиносий моддани вужудга келтириш билан бу моддани тақсимлаш кайфиятини бир-бирига қўшиб юбориб битта нарсага ва битта мавзуга айлантириш хато бўлиб, бунинг натижасида капиталистлардаги иктиносий изланишларда мана шу чалкашлик ва ноаниқлик келиб чиқди. Шунинг учун капитализм мабдасидаги иктинос структурасининг асоси хато асосдир.

Энди қондиришни талаб қиласиган эҳтиёжларни факат соғ моддий эҳтиёжлардир, деб ҳисоблашга келсак, бу ҳам хато ва эҳтиёжлар воқесига зиддир. Чунки инсонда маънавий ва руҳий эҳтиёжлар ҳам мавжуд бўлиб, бу икки эҳтиёжнинг ҳар бири моддий эҳтиёжлар каби қондиришни талаб қиласи ва уларнинг ҳар бири қондирувчи товар ва хизматларга муҳтождир.

Аммо капиталист иктиносичиларнинг эҳтиёжлар ва манфаатларга - жамият асосланиши лозим бўлганидек эмас, балки бу эҳтиёж ва манфаатлар қандай бўлса, шундай - қарашларига келсак, бундай қараш капиталист иктиносичининг инсонга руҳий майл-истаклари, ахлоқий фикрлари ва маънавий foялари бўлмаган куруқ моддий мавжудот деб қарашига далолат қиласи. Шунинг учун жамият

фазилат - яхши ишларни ўз алоқаларининг асоси қилиб олиш билан маънавий юксаклик устида бўлиши лозимлиги ва Оллоҳ розилигига эришиш учун Оллоҳ билан бўлган алоқани идрок этиб, алоқаларни Оллоҳ буйруғи асосида юргизиш билан жамиятда руҳий юксаклик хукм сурини лозимлиги бу капиталист иқтисодчини қизиктирмайди. Ҳа, буларнинг ҳеч бири уни қизиктирмайди, балки уни факат қуруқ моддий эҳтиёжларни қондирадиган қуруқ модданинг ўзигина қизиктиради, холос. Шунинг учун у факат тижорати фойда келтириши учунгина савдода ёлғон ишлатмайди. Энди агар тижорати ёлғон ишлатиш билан фойда келтирадиган бўлса, у ҳолда ёлғон унинг учун қонуний ишга айланади. У камбағалларга Оллоҳ садақа беришни буорганлиги учун эмас, балки қамбағаллар унинг мулкидан ўғирламасликлари учун уларга таом беради. Шунинг учун агар камбағалларни оч қолдириш унинг бойлигини кўпайтирадиган бўлса, ҳеч иккиланмай уларни оч қолдираверади ҳам. Шундай қилиб бу иқтисодчининг бутун ғамташвиши манфаатга фақат моддий эҳтиёжни қондирувчи нарса деган эътиборда қарашдан иборатдир, холос. Инсонга бундай назар билан қарайдиган ва иқтисодий ҳаётни шундай караш асосига қурадиган бу инсон жамиятлар учун ҳам, одамлар учун ҳам энг хатарли кимса хисобланади. Бу бир томондан шундай. Иккинчи томондан эса шахс улар товар ва хизматлар деб номлайдиган молмулк ва меҳнатлардан фойдаланишга ҳаракат қиласи. Одамларнинг бу нарсаларни ўзаро айирбошлишлари эса улар ўртасида алоқаларни вужудга келтириб бу алоқалардан жамият пайдо бўлади. демак мол-мулк ва эҳтиёжларга назар ташлаган пайтда жамият ўз алоқаларида асосланадиган нарсаларга тўла ва батафсил назар ташлаш ҳам зарур бўлади. Чунки эҳтиёжни қондирганлиги учун иқтисодий моддагагина эътибор бериб, жамият асосланиши лозим бўлган нарсаларга эътибор бермаслик иқтисодий моддани алоқалардан ажратиб қўйиш бўлиб, бу ғайритабии ҳолдир. Чунки одамлар ўзаро айирбошлайдиган мана шу иқтисодий модда улар ўртасидаги алоқаларни вужудга келтиради, алоқалар эса жамиятни вужудга келтиради. Демак, иқтисодий моддага назар ташлаган пайтда жамият асосланадиган нарсага ҳам назар ташламоқ зарур. Шунинг учун нарсаларни - уларга рағбат қилган кишилар борлиги учунгина - фойдали деб хисоблашимиз нотўғридир. Аслида бу нарсалар заарлимни ёки заарарсизми, одамлар ўртасидаги алоқаларга таъсир қиласими ёки қилмайдими, жамиятдаги одамлар эътиқоди бўйича ҳаром ёки ҳалол хисобланадими булардан қатъий назар

нарсаларни факат уларга истак билдирувчи кишилар борлиги учунгина фойдали деб ҳисоблашимиз нотўғридир. Балки нарсаларни агар ҳақиқатдан ҳам фойдали бўлса, фойдали деб ҳисоблаш ва шу билан бирга жамият асосланиши лозим бўлган нарсаларни ҳам ҳисобга олиш зарур бўлади. Шунинг учун наша, афюн (опиум) ва шунга ўхаш нарсаларни уларга рағбат қиладиган кимсалар борлиги учунгина фойдали товар ва иқтисодий модда деб ҳисоблаш нотўғридир. Балки нарсалар манфаатига назар ташлаган пайтда, яъни нарсага иқтисодий модда деган эътиборда ёки иқтисодий модда эмас деган эътиборда назар ташлаган пайтда бу иқтисодий моддаларнинг алоқаларга кўрсатадиган таъсирини ҳам ҳисобга олиш зарур бўлади. Яъни нарсаларга жамият асосланиши лозим бўлган нарсаларни ҳам ҳисобга олиб назар ташламоқ лозим бўлади. Шунинг учун нарсанинг ўзигагина унинг нима эканлигини ҳисобга олмасдан назар ташлашлик ва жамият асосланиши лозим бўлган нарсалардан қўз юмиш жоиз бўлмайди.

Эҳтиёжларни қондириш борасидаги изланиши эҳтиёжларни қондириш воситалари борасидаги изланишга кўшиб, аралаштириб юбориш оқибатида ва иқтисодчиларнинг қондириш воситаларига бошқа эътиборда эмас, балки факат эҳтиёжни қондирувчи нарса деган эътиборда қарашлари оқибатида иқтисодчилар бойлик ишлаб чиқаришга кўпроқ, бу бойликни эҳтиёжларни қондириш учун тақсимлашга эса камроқ эътибор берадиган бўлиб қолдилар. Ҳатто тақсимлашга эътибор бериш иккинчи даражали иш бўлиб қолди. Шунга биноан демак, капиталистик иқтисодий тузум битта мақсадни, у ҳам бўлса мамлакатнинг умумий бойлигини кўпайтиришни кўзлайди ва маҳсулот ишлаб чиқаришни мумкин қадар юкори даражага кўтаришга интилади, ҳамда жамият аъзоларини мумкин қадар фаровон ҳаёт билан таъминлашни миллий даромаднинг кўпайшига ва мамлакатда ишлаб чиқариш даражасининг ўсишига боғлиқ қилиб қўяди. Буни (яъни фаровон ҳаёт билан таъминлашни) эса жамият аъзоларини бойлик ишлаб чиқариш ва унга эга бўлишда ўз эркларига ташлаб қўйиб шу бойликдан бемалол фойдаланишларига имкон бериш орқали амалга оширмоқчи бўлади. Демак, бу иқтисод жамият аъзолари эҳтиёжларини қондириш ва жамиятдаги ҳар бир шахснинг эҳтиёжини тўла қондириш учун вужудга келмаган, балки ундаги бутун эътибор маҳсулот ишлаб чиқариш даражасини кўтариш ва мамлакат миллий даромадини кўпайтириш орқали одамлар мажмуасининг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган. Миллий

даромад күпайган пайтда мулк ва меңнат эркинлиги воситасида бу даромадни жамият аъзоларига тақсимлаш ўз беради. Шунинг учун жамият аъзолари бу бойликдан қодир бўлгандарича олиб эга бўлишлари учун уларни ўз эркларига ташлаб қўйилади. Ҳар бир киши ўзи эга бўлган бойлик ишлаб чиқариш омилларига қараб бу бойликтан эга бўлади. Бунда жамиятнинг барча аъзолари эҳтиёжлари қондирилдими ёки баъзилариники қондирилиб, баъзилариники қондирилмадими, бунинг фарқи йўқ. Мана шу сиёсий иқтисод, яъни капиталистик иқтисод бўлиб, у аниқ хато ва воқеликка зиддир. Бу иқтисод жамиятнинг барча аъзолари турмуш даражасининг кўтарилишига олиб келмайди ва ҳар бир шахсга фаровон ҳаётни таъминлаб беролмайди. Бу иқтисоддаги хатолик жиҳати шундан иборатки, қондиришни талаб қиласиган эҳтиёжлар инсон эҳтиёжлари бўлиши билан биргаликда шахсий эҳтиёжлар ҳамдир. Чунки бу эҳтиёжлар инсонлар мажмуасининг ёки уммат ёки ҳалқ мажмуасининг эҳтиёжлари эмас, балки Мухаммад, Ҳасан ва Солихнинг эҳтиёжларидир ва ўз эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қиливчи ҳам якка шахсадир. Унинг ўз эҳтиёжини қондириши емоқ-ичмоқ каби бевосита қондириш бўладими ёки умматни мудофаа қилиш каби инсонлар мажмуасининг қондирилиши орқали қондириш бўладими, бундан қатъий назар уни қондиришга ҳаракат қиливчи якка шахсадир. Шунинг учун барча иқтисодий муаммо асосан якка шахсларга қондириш воситаларини тақсимлашдадир, яъни муаммо мол-мулк ва манфаатларни ҳалқ ёки умматнинг ҳар бир аъзосини эътиборга олмай ҳалқ ёки умматдаги одамлар жамоаси қондиришни талаб қиласиган эҳтиёжларга эмас, балки уммат ёки ҳалқнинг ҳар бир аъзосига тақсимлашдадир. Бошқача айтганда муаммо кўпчилик маҳрум бўлишида эмас, балки якка шахснинг маҳрум бўлишидадир. Шунинг учун иқтисодий низомда иқтисодий моддани ишлаб чиқариш борасида эмас, балки ҳар бир шахснинг асосий эҳтиёжларини қондириш борасида изланиш олиб борилади.

Шундан келиб чиқиб миллий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир қиливчи омилларни ўрганиш шахсларнинг барча асосий эҳтиёжларини яккама-якка тўла қондириши борасидаги изланиш мавзуси бўлмади. Балки изланиш мавзуси инсоннинг инсон сифатидаги асосий эҳтиёжларини ўрганиш ва жамият аъзоларининг барча асосий эҳтиёжлари қондирилишини кафолатлаш учун уларга бойликтан тақсимлашни ўрганишдан иборатдир. Мавзу мана шундай бўлиши ва биринчи ўринда туриши лозим. Мамлакатдаги

қашшоқлик муаммосини муолажа қилиш ҳар бир шахснинг камбағаллиги муаммосини ҳал қилиб беролмайди, балки шахслар камбағаллиги муаммоларини муолажа қилиш ва юрт бойлигини тақсимлаш юрт ахолисининг ҳаммасини ва ҳар бир шахсни миллий даромадни кўпайтириш учун меҳнат қилишга ундейди. Энди маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига ва миллий даромаднинг ўсишига таъсир ўтказувчи омилларни ўрганишга келсақ, бу омиллар иқтисодий низом тартибга соладиган эҳтиёжларни қондириш баҳсида эмас, балки иқтисод илмида (фанида) ўрганилади, яъни иқтисодий модда ва уни кўпайтириш баҳсида ўрганилади.

Энди товар ва хизматларнинг нисбий камлиги жамият дуч келаётган иқтисодий муаммо эканлигига ва эҳтиёжларнинг кўплиги, уларни қондириш воситаларининг эса озлиги, яъни инсоннинг барча эҳтиёжларини тўла қондириш учун зарур бўлган товар ва хизматларнинг етишмаслиги иқтисодий муаммонинг асосидир деб даъво қилишга келсақ, бундай даъволар нотўғри ҳамда воқеликка зиддир. Чунки муолажа қилиш албатта зарур бўлган эҳтиёжлар иккинчи даражали ёки камолий эҳтиёжлар эмас, балки шахснинг инсон сифатидаги асосий эҳтиёжларидир. Гарчи камолий эҳтиёжларни қондиришга ҳаракат қилинса ҳам, лекин уларни қондириш у қадар муҳим эмас. Шунга кўра асосий эҳтиёжлар чекланган миқдорда бўлиб, улар товар ва хизматлар деб атайдиган мавжуд мол-мулк ва меҳнатлар эса асосий эҳтиёжларни қондириш учун етарлидир. Шунинг учун истеъмолчи шахсларнинг барча асосий эҳтиёжларини bemalol тўла қондириш мумкин. Демак, асосий эҳтиёжларни жамият дуч келаётган иқтисодий муаммодир деб даъво қилиш у ёқда турсин, асосий муаммоларда бирон муаммонинг ўзи топилмайди, балки иқтисодий муаммо шахсларнинг барча асосий эҳтиёжларини тўла қондириш ва камолий эҳтиёжларини қондиришга ҳам ёрдам бериш учун мана шу мол-мулк ва меҳнатларни ҳар бир шахсга тақсимлашдадир.

Энди янги-янги пайдо бўлаётган эҳтиёжларнинг ортиб бориши муаммосига келсақ, бу муаммонинг асосий эҳтиёжларни кўпайтиришга хеч қандай алоқаси йўқ. Чунки инсоннинг инсон сифатидаги асосий эҳтиёжлари кўпаймайди, балки унинг камолий эҳтиёжлари ортиб ва янгиланиб боради. Демак, инсоннинг маданий ҳаёти ривожланиб борган сайин пайдо бўлаётган эҳтиёжларнинг тобора ортиб бориши асосий эҳтиёжларга эмас, балки камомий эҳтиёжларга тааллуклидир (яъни асосий эҳтиёжлар эмас, балки камолий эҳтиёжлар ортиб боради). Камолий эҳтиёжларни

қондириш учун ҳам ҳаракат қилинади албатта, лекин уларни қондирмаслик бирон муаммони келтириб чиқармайди. Балки муаммо келтириб чиқарадиган нарса - асосий эҳтиёжларни қондирмаслиқдир. Камолий эҳтиёжларнинг ортиб бориши эса бошқа масала бўлиб, у муайян юртдаги ҳар бир шахсга эмас, балки шу юртда яшаётган инсонлар жамоасига тааллуқли масаладир. Бу масалани инсоннинг ўз эҳтиёжларини қондиришга бўлган табиий интилиши ечиб беради. Чунки камолий эҳтиёжларнинг ортиб бориши натижасида келиб чиқсан бу табиий интилиш инсонни қондириш воситаларини кўпайтириш учун ҳаракат қилишга ундиади. Инсон ўз юртидаги ресурслардан кўпроқ фойдаланиш ёки бошқа юртларга бориб ишлаш ёки бошқа юртларда ўрнашиб меҳнат фаолиятини кенгайтириш орқали қондириш воситаларини кўпайтиришга ҳаракат киласди. Шунинг учун бу масала жамиятдаги ҳар бир шахснинг асосий эҳтиёжларини тўла қондириш муаммосидан бутунлай бошқа масаладир. Чунки ҳар бир шахснинг барча асосий эҳтиёжларини бирма-бир тўла қондириш учун бойлики шахсларга тақсимлаш ва ҳар бир шахсга ўз камолий эҳтиёжларини қондиришда ёрдам бериш муаммоси ҳаёт ҳақидаги нуқтаи назарга тааллуқли бўлган ва муайян уммат ёки муайян мабдага хос бўлган муаммодир. Махсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш орқали миллий даромадни кўпайтириш масаласи эса бунинг тескарисидир. Чунки бу масала юртнинг ҳис қилиб турилган воқелигига тааллуқли масаладир. Юртнинг ҳис қилиб турган воқелиги одамларнинг шу юрт бойликларидан фойдаланишлари ёки бошқа юртларга бориб ишлашлари ёки бошқа юртларда ўрнашиб меҳнат фаолиятларини кенгайтиришлари орқали бу юрт бойлиги кўпайиб бораётганлигининг кўриниб туришидан иборатдир. Бу масала воқеликка мос келади ва у билан ҳар бир одам шуғулланади. Шунинг учун бу масала умумий бўлиб, бир муайян нуқтаи назарга тааллуқли бўлмайди ва муайян уммат ёки муайян мабдага хос бўлмайди. Шунга кўра ишлаб чиқариладиган иқтисодий қоидалар юртнинг ички ва ташқи бойликларини умматнинг барча аъзоларига бирма-бир тақсимлашни кафолатлайдиган қоидалар бўлиб, бу тарзда тақсимлаш барча шахсларнинг барча асосий эҳтиёжларини бирма-бир, тўла қондиришни ва камолий эҳтиёжларни қондиришга ҳам имкон берилишини кафолатлайди. Аммо ишлаб чиқариш даражасини кўтаришга келсак, бу нарса илмий изланишларни талаб қиласди. Шунинг учун уни иқтисодий низомда ўрганиш, иқтисодий муаммони, яъни шахсларнинг барча эҳтиёжларини бирма-бир, тўла

қондириш муаммосини ҳал қилиб беролмайди. Чунки маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш юрт бойлигини кўпайтиради-ю, лекин барча шахсларнинг барча асосий эҳтиёжларини тўла қондиришга олиб келмайди. Масалан, мамлакат Ироқ ва Саудия арабистонига ўхшаб ишлаб чиқариш орқали бойиб кетиши мумкин, лекин ундаги жуда кўпчилик одамларнинг асосий эҳтиёжлари худди шу Ироқ ва Саудияга ўхшаб тўла қондирilmай қолаверади. Шунинг учун маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш дарҳол ва биринчи навбатда ҳал қилиниши лозим бўлган асосий муаммони, яъни барча шахсларнинг ҳамма асосий эҳтиёжларини бирма-бир, тўла қондириш, сўнгра камолий эҳтиёжларни қондиришга ҳам ёрдам бериш муаммосини ҳал қилиб бера олмайди. Шунга кўра демак, ҳал қилиниши зарур бўлган қашшоқлик ва маҳрумлик муаммоси маданий юксалиш натижасида пайдо бўлаётган янги-янги эҳтиёжларни эмас, балки инсоннинг инсон сифатидаги асосий эҳтиёжларини кондирмаслик муаммосидидир. Шунинг учун ҳал қилиниши зарур бўлган муаммо юртнинг қашшоқлиги ва маҳрумлиги эмас, балки жамиятдаги ҳар бир шахснинг қашшоқлиги ва маҳрумлигидир. Ҳар бир шахснинг мана шу мазмундаги қашшоқлиги ва маҳрумлигини эса маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан ҳал қилиб бўлмайди, балки бу муаммони бойликни барча шахсларга, улардан ҳар бирининг барча асосий эҳтиёжларини тўла қондирадиган ва камолий эҳтиёжларини ҳам қондиришга ёрдам берадиган тарзда тақсимлаш билан ҳал қилинади.

Энди қиймат мавзусига келсак, капитализм иқтисодий низомида қиймат ҳақиқий эмас, нисбий хисобланади. Демак уларнинг наздида қиймат солиштирма (нисбий) қийматдир. Шунга кўра, бир газ жун газламанинг қиймати бозорда сероб бўлган ҳолатда шу газлама манфаатининг охирги даражасидир. Унинг қиймати шунингдек унинг сотиш орқали кўлга киритиладиган товар ва хизматларнинг микдори ҳамdir. Энди агар газлама кийимнинг муқобилига эришиладиган нарса пул бўлса (яъни газлама кийимни пулга сотадиган бўлсак) қиймат нархга айланади. Бу икки қиймат, уларнинг наздида алоҳида-алоҳида нарса бўлиб, бир-биридан фарқ қиласидиган атамалардир. Улардан бирини - манфаат, иккинчисини эса - айирбошлиш қиймати деб аталади. Қиймат маъносини бундай белгилаб қўйиш хатодир. Чунки ҳар қандай товарнинг қиймати камёблик омилини хисобга олган ҳолда шу товардаги манфаат микдоридир (яъни унда қанча манфаат борлигидир). Демак ҳар

қандай товарга бўлган ҳақиқий қараш камёблик омилини ҳисобга олган ҳолда ундаги манфаатга бўлган қарашдир. Бунда бу товарнинг ов ўлжаси каби инсон аввал бошданоқ эга бўладиган товар бўлишининг ёки савдо каби айирбошлиш қилинадиган товар бўлишининг фарқи йўқ ва бунинг шахсга ёки нарсага нисбатан бўлишининг ҳам фарқи йўқ. Демак қиймат нисбий нарсанинг исми эмас, яъни бир эътиборда шу нарсага мос келиб, бошка бир эътиборда эса унга мос келмайдиган исм эмас, балки аниқ ҳақиқати бор бўлган муайян предмет (нарса)га бериладиган исмдир. Демак қиймат нисбий нарса эмас, балки ҳақиқий нарсадир. Шунга кўра капиталист иқтисодчиларнинг қийматга бўлган қарashi асосидан бошлаб, нотўғри қарашдир.

Энди улар «ниҳойи қиймат» деб атайдиган нарсага келсак, бу нарса товарлар сотилиб, ўтиб туришига нисбатан эҳтимол тутилган энг ёмон холатларга қарши ишлаб чиқаришни концентрациялаш (ишлаб чиқаришнинг бир ерга (бир кўлда) тўпланиши) учун қиймат белгилашдир. Махсулот ишлаб чиқариш кафолатланган асосда давом этиши учун товар қиймати минимал (энг кам) миқдорда белгиланади. Шунинг учун ниҳойи қиймат товарнинг ҳақиқий қиймати эмас, у ҳатто товарнинг нархи ҳам эмас. Чунки товарнинг қиймати - ана шу вақтдаги камёблик омилини ҳисобга олган ҳолда - шу товардаги манфаат миқдорига қараб белгиланади. Шундан кейин товарнинг нархи пасайиши билан унинг қиймати пасаймайди, нархи кўтарилиши билан қиймати ошмайди ҳам. Чунки товар қиймати уни белгилаш чоғида ҳисобга олинган бўлади. Шунга кўра, демак, ниҳойилик назарияси қийматнинг эмас, балки нарх назариясидир. Бу ўринда ҳатто капиталист иқтисодчилар ҳам нарх ва қиймат ўртасида фарқ бор деб билишади. Чунки нархни белгилашда талабнинг кўплиги ва таклифнинг камлиги ёки таклифнинг кўплиги ва талабнинг камлиги биргаликда ҳукм ўтказади. Бу маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга тааллуқли, лекин маҳсулотни тақсимлашга алоқаси бўлмаган ишдир. Қийматни белгилашда эса товарда қанча манфаат бор эканлиги ўз ҳукмини ўтказади (яъни товардаги манфаат миқдорига қараб унинг қиймати белгиланади). Шу билан бирга камёблик омили ҳам ҳисобга олинади, лекин бу омил қийматни белгилашда алоҳида бир жуз (кисм) деб эътибор килинмайди. Шунинг учун қийматни белгилашда таклиф ва талабнинг бутунлай таъсири бўлмайди.

Шунга кўра, қиймат баҳси асосидан бошлаб аниқ хатодир. Демак, ундан келиб чиқкан барча баҳслар ҳам хатодир. Бироқ товар

қийматининг манфаати агар товардаги манфаат ёки меҳнат билан ўлчанса тўғри ўлчаш ва қисқа муддат событ (ўзгармай) туришга яқин ўлчаш бўлади. Энди агар товар қиймати нарх билан белгиланса ҳақиқий эмас, эътиборий (нисбий) белгилаш бўлади ва бу вақтда бозорга қараб ҳамиша ўзгариб турадиган бўлиб қолади. Бу пайтда унинг қиймат эканлиги бекор бўлиб, унинг воқесига қиймат деган лафз тўғри келмай қолади. Аксинча у товардаги манфаатга қараб эмас, балки бозорга қараб пул қўлга киритиладиган бир воситага айланиб қолади.

Капиталистик иқтисодчиларнинг айтишича, манфаатлар - инсон сарфлайдиган меҳнат натижасидир. Шунинг учун агар меҳнатга яраша ҳақ тўланмаса, ҳеч шубҳасиз маҳсулот ишлаб чиқариш даражаси пасайиб кетади. Улар бундан хулоса чиқариб, жамият аъзоларига бойлик тақсимлашнинг энг идеал (муносиб) йўли - ишлаб чиқаришни мумкин қадар юкори даражага кўтаришни таъминлайдиган йўлдир, деб айтишади. Бу сўз аниқ хатодир. Чунки кўриниб турган воқелик шундан иборатки, Оллоҳ бу коинотда яратиб қўйган мол (мулк) товарлардаги манфаатнинг асосидир. Бу молнинг манфаатини кўпайтиришда ёки меҳнат қилиш билан унда манфаатни ҳосил қилишда сарфланган харажатлар эса молни муайян манфаатга олиб келадиган шаклга солди. Демак, манфаат фақатгина меҳнатнинг натижасидир, дейиш хато бўлиб, воқеликка зиддир ҳамда хом-ашё ва сарфланган харажатларни ҳисобга олмаслиkdir. Гоҳида бу харажатлар меҳнат ўрнига эмас, балки хом-ашё ўрнига бўлиши мумкин. Шунга кўра, демак, манфаат (келадиган фойда) фақат инсон меҳнатининг натижаси эмас, балки инсон меҳнатининг натижаси ҳам ва хом-ашё мавжудлигининг натижаси ҳам ёки иккаласининг бирга мавжудлиги натижаси ҳам бўлиши мумкин. Аммо ишлаб чиқариш даражасининг пасайиб кетишига келсақ, бу нарса фақат меҳнатга яраша ҳақ тўланмаганликнинг ўзидангина келиб чиқмайди, балки гоҳо шундан, гоҳида мамлакатдаги бойликлар тугашидан, гоҳида урушлардан, гоҳида эса бошқа сабаблардан келиб чиқиши мумкин. Масалан, иккинчи жаҳон урушидан кейин Англия ва Францияда маҳсулот ишлаб чиқариш даражасининг пасайиши меҳнатга яраша ҳақ тўланмаганликдан эмас, балки бу икки мамлакатнинг бой мустамлакаларидан маҳрум бўлиши ва урушга шўнгиши натижасида келиб чиқди. Иккинчи жаҳон уруши даврида АҚШда ишлаб чиқариш даражасининг пасайиб кетиши ҳам меҳнатга яраша ҳақ тўланмаганликнинг натижаси эмас, балки Германияга қарши

урушга киришининг натижаси эди. Бугунги кунда Ислом оламидаги маҳсулот ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетганлиги ҳам меҳнатга яраша ҳақ тўланмаганликдан келиб чикмади, балки у Ислом Уммати тушиб қолган фикрий қолоқликнинг оқибатидир. Шунга кўра, демак, меҳнатга яраша ҳақ тўламаслик маҳсулот ишлаб чиқариш даражаси пасайиб кетишининг бирдан-бир сабаби бўлолмайди. Агар у бирдан-бир сабаб бўлгандা эди, бундан бойликни тақсимлашнинг энг муносиб йўли ишлаб чиқариш даражасини кўтаришни таъминлайдиган йўлдир, деган хулоса чиқариш мумкин бўлур эди. Лекин ҳозир айтганимиздек, меҳнатга яраша ҳақ тўламаслик ишлаб чиқариш даражаси пасайиб кетишининг бирдан-бир сабаби бўлолмайди, демак бундай хулоса чиқариш ҳам нотўғри бўлади. Чунки маҳсулот ишлаб чиқариш даражасини юкорига кўтаришнинг жамият аъзоларига бойликни тақсимлашга ҳеч бир алоқаси йўқ.

Ғарб иқтисодчилигининг айтишича, нарх маҳсулот ишлаб чиқаришга ундовчи омил ҳисобланади. Чунки - дейди улар - инсонни ҳар қандай меҳнатни қилишга ундовчи омил шу меҳнат эвазига у кўлга киритадиган моддий мукофотдир. Бу сўз воқега зид ва нотўғридир. Чунки кўпинча инсон фаҳр каби маънавий мукофотни ёки Оллоҳнинг савобига эришиш каби руҳий мукофотни кўлга киритиш учун ёки вафо каби ахлоқий сифат билан зийнатланиш учун меҳнат сарфлайди. Зеро, инсоннинг эҳтиёжлари гоҳида моддий фойдани кўлга киритиш каби моддий, гоҳида эса муқаддаслаштириш каби руҳий ёки мақтов каби маънавий бўлиши мумкин. Демак, эҳтиёжларни фақат моддий эҳтиёжлар доирасига чеклаб кўйиш нотўғри. Чунки инсон гоҳида моддий эҳтиёжларни қондиришга сарфлаганидан кўра кўпроқ руҳий ёки маънавий эҳтиёжни қондиришга молни сахийлик билан сарфлайди. Шунга кўра, демак, нархнинг бир ўзи ишлаб чиқаришга ундовчи омил бўлолмайди. Шунинг учун гоҳида нарх ундовчи омил бўлса, гоҳида бошқа нарса омил бўлиши мумкин. Сиз масалан масжид куриш учун ойлаб тош кесишга бутун вақтини сарфлаётган тош йўнувчини ёки ўз маҳсулотларини камбагалларга тарқатиш учун ишлаётган корхонани олиб кўринг. Ёки масалан, Уммат ўз юртини мудофаа қилиш учун хандақлар қазишга ва куч тўплашга бутун куч-ғайратини сарфлайди, шундай эмасми ахир? Бундай ишларга ундовчи омил, туртки бўладиган нарса наҳотки нарх бўлса? Бундан ташқари моддий мукофотнинг ўзи ҳам нарх билангина чекланиб қолмайди. Чунки моддий мукофот бошқа товар ёки хизматлар

бўлиши ҳам мумкин. Демак, ишлаб чиқаришга ундовчи омил, турткни бўладиган нарса фақат нархдир, деб билиш нотўғри.

Капиталистик иқтисод тузуми баён килган энг ажабланарли нарсалардан бири - жамият аъзоларига бойликни тақсимлашни тартибга солувчи ягона нарса нархдир, деб билишдир. Уларнинг айтишича, нарх - инсонни эгалик ва истеъмол килишда ўз даромадларига муносиб келадиган чегарада тўхтатиб қўядиган чеклаб қўювчи меёр бўлиб, ҳар бир шахс истеъмолини унинг даромади имкон берадиган даражага чеклаб қўяди. Бу билан эса баъзи товарларнинг нархи кўтарилиши, баъзиларини эса пасайиши, баъзи одамларда пул бўлиши, баъзиларида эса пул бўлмаслиги сабабли нарх - истеъмолчиларга бойликни тақсимлашни тартибга солувчи бирдан-бир восита бўлиб қолади. Шунинг учун ҳар бир шахснинг юрт бойлигидан оладиган улушки унинг асосий эҳтиёжлари миқдори билан белгиланмайди, балки унинг улушки товар ва хизматлар ишлаб чиқаришда қўшган хизматлари қийматига тенг бўлади, яъни ўзи эгалик қиладиган ер ёки сармоя миқдори билан ёки қилган меҳнати ёки ишлаб чиқсан лойихалари миқдори билан белгиланади.

Бу қоида билан, яъни бойликни тақсимлашни тартибга солувчи нарса нархдир, деб белгилаб қўйиш билан эса капиталистик иқтисод тузуми фақат товар ишлаб чиқариш ва хизматларга ҳисса қўшишга кодир бўлган одамларгина яшаш хукуқига эгадир, туфма заифлиги ёки бирон ҳодиса оқибатида майиб-мажруҳ бўлиб қолганлиги сабабли бундан (яъни товар ишлаб чиқариш ва хизмат қўрсатишга ҳисса қўшишдан) ожизлик қилган кишилар эса яшаш хукуқидан маҳрумдир, чунки уларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш учун юрт бойлигидан улуш олишга ҳаққи йўқ, деган қарорга келган бўлади. Шунингдек капиталистик иқтисод тузуми бунга (яъни товар ишлаб чиқариш ва хизмат қўрсатишга) кодир бўлган ҳар бир одам тўқ яшашга ва ўз мол-мулки билан бошқалар устидан хўжайинлик ва хукмронлик қилишга ҳақлидир, чунки у аклан ёки жисмонан кучли яратилган, шунинг учун қандай йўллар билан бўлмасин бойликка эга бўлишга бошқалардан кўра қодирроқдир, шунингдек моддийликка мойиллиги кучли бўлган ҳар бир одам бошқалардан кўра бойликка қўпроқ эга бўлади, руҳий мойиллиги ва маънавий сифатларга боғланиши кучлироқ бўлган киши эса - моддий нарсаларни кўлга киритишда руҳий ёки маънавий чеклов (меёр)лар буюрадиган нарсаларга амал қилганлиги учун - бойликка бошқалардан кўра камрок эга бўлади, деб хисоблайди. Худди шу

нарса рухий ва ахлоқий жиҳатни ҳаётдан узоклаштириб юборади ва ҳаётни моддий эҳтиёжларни қондириш воситаларини қўлга киритиш учун олиб бориладиган моддий кураш асосидаги қуруқ моддий ҳаётга айлантириб юборади. Капитализм тузумини қабул қилган ва уни татбиқ қилаётган мамлакатлардаги хақиқий ахвол мана шундан иборатdir. Капитализм иқтисод тузумини қабул қилган мамлакатларда капиталистик монополияларнинг хўжайинлиги кўзга ташланиб қолди, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар истеъмолчиларни эза бошлади, нефт, автомобилр, оғир саноат ширкатлари ва бошқа ширкатлар каби йирик ширкатларнинг эгаларидан иборат бир ҳовуч кимсалар истеъмолчилар оммаси устидан хўжайинлик қилиб, уларга ўз ҳукмини ўтказадиган ва товарларнинг муайян нархларини уларга зўрлик билан тикиширадиган бўлиб колишиди. Бу эса иқтисод тузумидаги нуқсон-камчиликларни яшириш учун уни «ямаб» тузатишга бўлган уринишларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Шу максадда улар давлатта миллий иқтисодни ва истеъмолчиларни ҳимоя қилиш, баъзи товарлар истеъмолини камайтириш ва монополиялар ҳукмронлигини чеклаб қўйиш учун айрим ҳолатларда нархни белгилашга аралашиб ҳуқуқини беришида ва ишлаб чиқаришни тартибга солишда давлат бошқарадиган умумий лойиҳаларни ишлаб чиқишиди. Бу ва бунга ўхшаган «ямаб» тузатишлар иқтисод тузумининг асоси бўлмиш иқтисод эркинлигига зид бўлса-да, бироқ бундай уринишлар муайян ҳолат ва шароитларда юз бериб туради. Бундай уринишлар иқтисод эркинлигига зид бўлишидан ташкари кўпчилик иқтисодчилар бу уринишларни маъқулламайди. Масалан, индивидуализм тарафдорлари буни маъқулламай инкор қилишади. Улар «нарх механизмининг ўзи маҳсулот ишлаб чиқарувчилар манфаати билан истеъмолчилар манфаати ўртасидаги уйғунликни ҳосил қилишга кафилдир, бунда ҳукуматнинг аралашувига хеч ҳожат йўқ», деган фикрни билдиришади. Давлатнинг аралашишига тарафдор бўлганлар қилишга чақирадиган бу «ямаб» тузатишлар муайян шароит ва ҳолатларда юз беради. Бироқ шунга қарамай бу «ямаб» тузатишлар ҳатто мана шундай шароит ва ҳолатларда ҳам бойликни жамият аъзоларига уларнинг барча эҳтиёжларини тўла қондиришни рўёбга чиқарадиган тарзда тақсимлашга ёрдам беролмайди. Шунинг учун мулк эркинлиги асосига ва нархни бойлик тақсимлашнинг ягона механизми деб билиш асосига таянган ёмон тақсимот капитализм иқтисод тузумини татбиқ қилаётган барча жамиятларда ҳукмрон бўлиб қолаверади. Аммо Америкадаги

ҳар бир шахс мамлакат бойлигидан ўзининг барча асосий эҳтиёжларини тўла қондирадиган ва бошқа баъзи эҳтиёжларини ҳам қондирадиган миқдорга эга бўлишига келсак, бу нарса шахснинг улуши маҳсулот ишлаб чиқаришга қўшган хизматлари қийматига teng қилиб қўйилганига бориб тақалмайди, балки бу нарса шу мамлакатнинг ҳар бир шахсга ўзининг барча асосий эҳтиёжларини ва баъзи камолий эҳтиёжларини қондиришга имкон берадиган даражада бой эканлигидан келиб чиққандир. Нарх мезанизмини бойлик тақсимлашни чеклаб турувчи меёр, деб белгилаш Farbdagi монополияларни ўз мамлакатларидан ташқарига чиқиб - хом-ашёни қўлга киритиш ва ўз маҳсулотларини сотиш учун - бозорлар қидиришга ундади. Бутун дунёнинг азоб чекишига сабаб бўлаётган мустамлакачилик, миңтакаларга ўз нуфузини ўтказиш ва иқтисодий босқинчлилік, буларнинг барчаси ана шу монополист ширкатлар зўравонлигининг ва бойликни тақсимловчи нарса нархдир, деб белгилаб қўйишнинг натижасидир, холос. Олам бойликларининг барчаси ана шу асосда капиталист монополиялар қўлига келиб тушяпти. Буларнинг барчаси капитализм иқтисод тузумидаги қоидаларнинг ёмонлиги оқибатидир.

Бу капитализм иқтисодий тузумидан келиб чиқадиган аҳволдир. Энди социализм, шу жумладан коммунизм иқтисодий тузумига келсак, бу тузум капитализм иқтисодий тузумига бутунлай зид, қарама-қарши бўлган тузумдир. Бу тузум гарчи уни қабул қилган ва халқаро майдонга кўтариб чиққан Совет иттифоқи қулаши билан халқаро майдондан йўқолган бўлса ҳам бироқ унинг фикрлари билан танишиш, бу фикрларнинг Исломга зид эканлигидан хабардор бўлиш ва уларнинг фасод-бузук фикрлар эканлигини баён қилиш Исломий даъватни олиб чиқувчи киши учун муҳим ишдир. Чунки - гарчи тор доирада бўлса ҳам - ана шу фикрларнинг ҳаммасини ёки баъзисини ёқлаб гапирадиган кимсалар ҳанузгacha топилади.

Социалистик қараш (фикр)ларнинг кўпчилиги XIX асрда пайдо бўлди. Социалистлар «эркин йўналиш» фикрларига қарши, яъни капитализм иқтисодий тузумига қарши қаттиқ курашишди. Жамиятнинг капитализм иқтисодий тузумидан кўрган зулмлари натижасида ва бу тузумдаги кўплаб хатолар туфайли социализм кучлироқ бўлиб кўринди. Социалистик йўналиш (оким)ларни ўрганиб, кўздан кечириб чиқиш билан уларнинг учта ишда муштараклиги аён бўлади. Бу уч иш уларни бошқа иқтисодий йўналишдан ажратиб туради. Бу уч иш қўйидагилардир:

1. Амалий тенгликнинг бирон турини рўёбга чиқариш.
2. Хусусий мулкчиликни бутунлай ёки қисман тугатиш.
3. Махсулот ишлаб чиқариш ва тақсимлашни коллективлаштириш воситасида тартибга солиши.

Лекин социалистик йўналишлар бу уч ишда ҳамфир бўлишига қарамай, бир неча ўринларда бир-биридан очик фарқ қиласди. Бу ўринларнинг энг муҳимлари кўйидагилардир:

**Биринчидан:** Социалистик йўналишлар ўзлари рўёбга чиқармоқчи бўлишган амалий тенглик шакли хусусидаги фикрларда бир-биридан фарқ қиласди. Масалан, бир гурӯҳ арифметик тенглик бўлиши зарурлиги ҳақида сўз юритиб, бу билан фойдаланиладиган ҳар бир нарсада тенглик бўлишни мақсад қиласди ва ҳар бир шахсга бошқасига берилган нарсани бериш керак, деган фикрни билдиради. Бошқа бир гурӯҳ эса коммунистик тенглик ҳақида сўз юритиб, бу билан ишни тақсимлашда ҳар бир шахснинг кудрат-имкониятини, махсулотни тақсимлашда эса ҳар бир шахснинг эҳтиёжларини ҳисобга олишни мақсад қиласди. Уларнинг фикрича ушбу: «ҳар кимдан қуввати, яъни кудрати (имкони)га яраша, ҳар кимга эҳтиёжига яраша», деган қоида татбиқ қилинсагина тенглик амалга ошади. Бу қоидадаги «ҳар кимдан кудрат-имконига яраша» деган сўздан шахс бажарадиган меҳнат кўзда тутилади, «ҳар кимга эҳтиёжига яраша», деган сўздан эса тақсимланадиган махсулот кўзда тутилади. Яна бир гурӯҳ эса ишлаб чиқариш воситалари (курол)да тенглик бўлиши лозимлиги ҳақида сўз юритади. Яъни нарсалар воқеъ хаётда ҳар бир шахснинг эҳтиёжларини қондириш учун етарли эмас, деган фикрдан келиб чиқиб, тақсимлашнинг: «ҳар кимдан кудрат-имконига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша», деган қоидаси бўлиши лозим, ишлаб чиқариш воситалари ҳар бир шахсга бошқа шахсга берилгандек берилсагина тенглик амалга ошади, деган фикрни билдиради.

**Иккинчидан:** Социалистик оқимлар хусусий мулкчиликнинг қанча миқдорини тугатиш кераклиги хусусида турли фикрлар билдириб, бир-биридан фарқ қиласди. Масалан, бир гурӯҳ хусусий мулкчиликни мутлақо тугатиш керак, дейди. Бу гурӯҳ коммунистлардир. Бошқа бир гурӯҳ эса хусусий мулкчиликни ишлаб чиқариш бойликларига нисбатан тугатиш кераклигини айтади ва бу нарса капитал, деб номланиб, ер, завод, фабрикалар, темир йўллар, конлар ва шунга ўхаш нарсаларни ўз ичига олади, яъни бирон нарса ишлаб чиқарадиган барча товарларга эгалик қилиш (уларни мулк қилиб олиш) ман қилинади. Демак, ҳеч ким

ижарага бериш учун уйга, завод-фабрикага, ерга ва шунга ўхшаш нарсаларга эгалик қиломайди. Лекин бу гурухдагилар шахсларнинг истеъмол бойликларига нисбатан эгалик хукуқларини сақлаб қоладилар. Шунинг учун шахсларнинг истеъмол қилинадиган барча нарсага эга бўлишларини тўғри, деб билишади. Масалан, одамлар факат яшаш учунгина уйга эга бўлишлари, ер ҳосилига ва завод, фабрикалар ишлаб чиқарган маҳсулотларга эга бўлишлари мумкин. Бу «капитал социализм»дир. Яна бир гурух эса хусусий мулкчиликни факат қишлоқ хўжалик ерларига нисбатан тутатиш кераклигини айтади. Улар «феодал социализм» тарафдорларидир. Бошқа бир гурух эса омма манфаатлари умумий мулкни хусусий мулкка айлантиришни талаб қиладиган ҳар бир ҳолат ўрганиб чиқилиши кераклигини айтиб, қонун чиқарувчиларнинг фойда ва ижарага максимал (энг юкори), иш ҳақларига эса минимал (энг паст) солиқ белгилашлари ва ишчиларга капитал ва шунга ўхшаш нарсалардан улуш берилиши орқали хусусий мулк эгаларини кўп ўринларда чеклаб (жиловлаб) қўйишни таклиф қиласди. Буни «давлат социализми» деб аталади.

**Учинчидан:** Социалистик оқимлар ўз мақсадларини рўёбга чиқарувчи воситалар хусусида ҳам бир-биридан фарқ қиласди. Масалан, анархосиндиализм оқими (сиёсий курашни инкор этиб, ишчилар синфининг энг юксак шакли профсоюзлар деб ҳисобловчи оқим) ишчиларни озод қилишда «бевосита ҳаракат» деб аталувчи тактикага таянади, яъни ўқтин-ўқтин иш ташлашларни кўпайтириш, станок (дастгоҳ)ларни бузиб ташлаш, ишчилар ўртасида оммавий иш ташлаш фикрини кенг ёйиш, ишчилар ўз талабларининг бажарилишига эришиб, натижада иқтисод издан чиқадиган ва мавжуд иқтисодий тузум емириладиган кун келиши учун ўша фикрни амалга оширишга тайёрланиш каби ишчиларнинг ўзлари томонидан бўладиган ҳаракатларга таянади.

Аммо марксист социалистларга келсак, улар жамиятдаги ривожланиш қонунига ишонадилар ва факат мана шу қонуннинг ўзигина мавжуд тузумни йўқ қилиб, уни социализм асосига қуриладиган бошқа тузумга алмаштиришга кафилдир, деб эътиқод қиласдилар.

«Давлат социализми» намояндалари эса, қонун чиқаришни ўзларининг фикрларини амалга оширишнинг воситаси, деб билишади. Чунки улар қонунлар чиқариш орқали омма манфаатларини ҳимоя қилиш ва ишчилар ахволини яхшилаш кафолатланади, шунингдек соликлар солиш, хусусан даромадга,

капиталга ва меросга даражама-даражака солиқ солиши бойликка эга бўлишдаги тафовутни камайтиришга олиб келади, деб ҳисоблашади.

**Тўртингидан:** Социалистик оқимлар социализм тузумида лойиҳаларни бошқариш вазифаси топшириладиган хайъат (идора, орган) хусусида билдирилган фикрларда ҳам бир-биридан фарқ қиласди. Масалан, «капитал социализми» намояндалари маҳсулот ишлаб чиқариш ва тақсимлашни тартибга солишни давлатга топширишни истаса, «синдикализм» тарафдорлари бошқарувни устида ишчи лидерлар турган ишчилар ташкилотларига топширишни исташади.

Социализм назарияларининг энг машхури ва энг кучли таъсирга эга бўлгани германиялик Карл Маркс назарияларидир. Чунки унинг назариялари социалистик оламни бошқарди, бу назариялар асосида коммунистик партия тузулди ва Россияда Совет иттифоқи давлати курилди. Бу давлат етмиш йилга яқин умр кўриб, сўнг қулади.

Карл Маркснинг энг машхур назарияларидан бири «қиймат назарияси» бўлиб, у бу назарияни капиталистик иқтисод олимларидан олди ва шу назария билан уларга ҳужум қиласди. Чунки «либерал (эркин) ўёналиш» йўлбошчиси ҳамда сиёсий иқтисод, яъни капитализм иқтисодий тузуми асосчиси ҳисобланадиган англиялик Адам Смит қийматга таъриф бериб шундай деган эди: «Ҳар кандай товарнинг қиймати уни ишлаб чиқаришда сарфланган меҳнат миқдорига бориб тақалади. Икки соатда ишлаб чиқариладиган товар қийматининг икки баробарига тенг». Адам Смитдан кейин Рикардо бу «меҳнат назарияси»ни изоҳлашга интилди ва қийматни таърифлаб шундай деди: «Товарнинг қийматини белгиловчи нарса - уни ишлаб чиқаришда бевосита сарфланадиган меҳнат миқдорининг ўзигина эмас, балки унга ишлаб чиқариш процессида фойдаланиладиган асбоб-ускуна ва иш куролларини ишлаб чиқариш учун илгари сарфланган меҳнат ҳам қўшилиши лозим». Яъни Рикардо товарнинг қиймати уни ишлаб чиқаришда кетган сарф-харажатларга бориб тақалади, деб ҳисоблар эди. У бу сарф-харажатларни битта элемент (унсур)га, яъни меҳнатга олиб бориб тақади.

Шундан кейин Карл Маркс капитализм иқтисодий тузумидаги қиймат ҳақида Рикардо ишлаб чиққан бу назарияни хусусий мулкчиликка ва умуман олганда капитализм иқтисодий тузумига ҳужум қилиш учун курол қилиб олди. Маркснинг айтишича,

қийматнинг ягона манбаи - товар ишлаб чиқаришда сарфланган меҳнатдир. Мулкдор капиталист ишчи кучини унинг кун кечириши ва меҳнат қилишга лаёқатли бўлиши учун зарур бўлган миқдордан ошмайдиган иш ҳақи эвазига сотиб олади, сўнг бу кучни ишлатиб қиймати ишчига тўлайдиган иш ҳақидан кўп баробар устун (ортик) турадиган товарларни ишлаб чиқаришда уни эксплуатация қиласди. Карл Маркс ишчи ишлаб чиқарадиган маҳсулот билан шу ишчига амалда тўланадиган иш ҳақи ўртасидаги фарққа «қўшимча қиймат», деб ном берди ва мана шу қиймат мулкдорлар ва капиталистларнинг рента, процент, капитал келтирадиган фойда деган номлар остида ишчилар ҳақидан юлиб қоладиган нарсани кўрсатади, деб таъкидлади. Маркс табиийки, рента фойда деган бу номларнинг қонунийлигини тан олмади.

Карл Маркс ўзидан олдинги социалистик оқимлар ўз фикрларининг ғалаба қозонишида инсон фитрати (табиати)да мавжуд бўлган адолатни яхши кўриш ва мазлумга ёрдам бериш туйғуларига суянганлигини кўрди. Бу оқимлар янги йўлларни ишлаб чиқиб, уларни жамиятга татбиқ қилиш мумкин, деб ишонар ва уларни ҳокимлар, мулкдорлар ва зиёли табақага тақдим қилиб, бу йўлларни ижро қилишга уларни ундар эди. Лекин Карл Маркс ўз йўналишини бундай асосга курмади ва бу оқимлар юрган йўлга юрмади. Балки у ўз йўналиши, мафкурасини «тариҳий материализм», деган, яъни «диалектика назарияси» деб номланган фалсафий мабда асосига қурди. Карл Маркс иқтисодий қонунлар харакатининг ўзи ва жамият ривожланиши қонунияти тақозоси билангина жамиятда янги тузум барпо бўлади, бунда қонун чиқарувчи ёки ислоҳотчи бошқарувнинг аралашувига ҳеч бир ҳожат йўқ, деб ҳисоблар эди. Илгари ўтган ва «утопик (ҳаёлий) социализм» деб ном берилган социалистик йўналишлардан ажralиб туриши учун Карл Маркс илгари сурган социализм назариясига «илмий социализм», деб ном берилди. Маркснинг социализм назариясини умумий тарзда куйидагича баён қилиш мумкин:

Ҳар қандай асрдаги жамият тузуми - иқтисодий ҳолатнинг натижаси бўлиб, бу тузумдаги ўзгаришларнинг барчаси факат битта сабабга, яъни ўз моддий аҳволини яхшилаш учун синф-табақалар ўртасида борадиган курашга бориб тақалади. Тарихдан маълумки, бу кураш доимо бир хил сувратда, яъни сони кўп, лекин ёмон аҳволда кун кечирадиган табақанинг сони оз, лекин бой яшайдиган табақа устидан ғалаба қозониши билан тугайди. Маркс буни «ижтимоий ривожланиш қонунияти», деб атайди. Унинг фикрича,

бу қонуният ўтмишга мувофиқ келганидек, келажакка ҳам мувофиқ келади. Чунки - дейди у - ўтган асрларда бу кураш озод одамлар ва куллар ўртасида мавжуд бўлган бўлса, сўнгра зодагонлар ва омма халқ ўртасидаги курашга, кейинчалик эса зодагонлар ва дехқонлар ўртасидаги курашга айланди. Шунингдек, тоифачилик асосидаги тузумда ҳам бошлиқлар билан таниқли кишилар ўртасида кураш бўлиб ўтди. Бу кураш доимо сони кўп мазлум табақанинг сони оз золим табақа устидан ғалабаси билан тугар эди. Лекин бу ғалабадан кейин мазлум табақанинг ўзи золим консерватив табақага айланниб қолар эди. Француз революциясидан бўён бу кураш ўрта табақа (яъни буржуазия) билан ишчилар табақаси ўртасида бўлиб келди. Чунки буржуазия иқтисодий лойиҳалар хўжайини ва капитал эгаси бўлиб қолган эди. Шунингдек, консерватив табақага ҳам айланган эди. Унинг қархисида эса ишчилар табақаси туради. Бу табақа ҳеч қандай капиталга эмас, лекин сон жиҳатидан кўп эди. Бу икки табақа манфаатлари бир-бирига қарама-қарши бўлиб, бу қарама-қаршилик иқтисодий сабабларга бориб тақалар эди.

Бугунги кунга келиб ишлаб чиқариш низоми мулкчилик тузумига мос келмайдиган бўлиб қолди. Чунки ишлаб чиқариш ўтмиш замонларда бўлганидек, шахсий бўлмай қолди, яъни шахснинг бир ўзи амалга оширадиган иш бўлмай қолди. Балки у умумий, яъни кўпчилик иштирок этадиган жараёнга айланди. Айни пайтда мулкчилик низоми бунга қараб ўзгармади. Шунинг учун шахсий мулкчилик ҳануз мавжуд бўлиб турибди ва у ҳозирги жамиятдаги тузумнинг асоси бўлиб қоляпти. Бунинг натижаси шу бўлдики, ишлаб чиқаришда иштирок этувчи ишчилар табақаси капиталга эгалик қилишда иштирок этмайдиган бўлиб қолди ва ишлаб чиқаришда шахсан иштирок этмайдиган капиталистлар «раҳм-шафқати» остида кун кечирадиган бўлиб қолди. Айни чоғда капиталистлар ишчиларни аёвсиз эксплуатация килмоқда. Чунки улар ишчиларга факат кундалик тирикчиликкагина етадиган арзимас ҳақ тўлашмоқда. Ишчи эса ўз ишидан бошқа нарсага эга бўлмаганлиги учун уни қабул қилишга мажбурдир. Ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати билан ишчига тўланадиган иш ҳақи ўртасидаги фарқдан - Карл Маркс бу фарқни «қўшимча қиймат», деб атайди - фойда ҳосил бўлиб, бу фойдага капиталистнинг бир ўзи эга бўлиб олади. Ваҳоланки аслида адолат бўйича бу фойда ишчининг улуши бўлиши керак эди. Шунинг учун бу икки табақа ўртасидаги кураш мулкчилик тузуми ишлаб чиқариш тузумига мос келгунга қадар, яъни мулкчилик социалистик мулкчиликка

айлангунга қадар давом этаверади. Бу кураш жамиятдаги ривожланиш қонуниятiga кўра ишчилар табақасининг ғалабаси билан тугайди. Чунки бу табақа ахволи ёмон ва сони кўп табақадир. Ишчилар табақасининг қандай ғалаба қозониши ва бу ғалаба сабаблари ҳақида эса жамиятнинг ривожланиш қонунияти башорат беради. Ҳозирги иқтисодий ҳаёт тузуми ўзида келажак жамиятнинг уруғларини кўтариб юрибди. Бу тузум ўзи бўйсунадиган иқтисодий қонунлар харакатига кўра йўқ бўлишга маҳкумдир. Масалан, ўз вактида ўрта табақа (буржуазия) зодагонлар табақаси устидан ғалаба қозониб, иқтисодий ҳаётда муҳим рол ўйнади. Чунки буржуазия капитал эгаси бўлиб қолган эди. Лекин бугунга келиб, унинг вазифаси тугади ва ўз ўрнини ишчилар табақасига бўшатиб берадиган вақт келди. Уни бунга «концентрация» (ишлаб чиқаришнинг бир ерга (бир кўлда) тўпланиши) ва марказлашув қонунияти ва эркин рақобат харакати мажбур қиласди. Чунки «концентрация» қонунияти харакати сабабли капитал эгаларининг сони камайиб, ёлланма ишчилар сони эса орта бошлади. Шунингдек, эркин рақобат харакати сабабли ишлаб чиқариш барча чегарадан ўтиб кетиб, маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори ишчилар табақасидан иборат истеъмолчилар сотиб олишга қодир бўлган миқдордан ошиб кетадиган бўлиб қолди. Чунки ишчилар етарли иш ҳақи олмайдилар. Бу эса кризислар юз беришига олиб келди. бу кризислар натижасида баъзи одамлар ўз капиталларини йўқотиб, ишчилар табақаси сафига қўшилди. Шунинг учун мавжуд тузум қанчалик ривожланса, кризислар қанчалик шиддатли тус олса, уларнинг юз бериш вақти қанчалик яқинлашса ва капитал эгаларининг сони қанчалик камайса ишчилар сони шунчалик ортиб бораверади. Шундан сўнг олдингилардан каттароқ кризис юз берадиган куннинг келиши муқаррар бўлиб қолади. Бу кризис жуда катта фалокат бўлади. Чунки у капитализм иқтисодий тузуми асосларини емириб, парчалаб ташлайди. Шундан сўнг бу тузум вайроналари устida социалистик тузум ўрнатилиади. Маркс социализм ўрнатилишини тарихий ривожланишнинг охирги босқичи деб хисоблайди. Чунки унинг фикрича хусусий мулк тутатилгач жамиятда табақалар курашига сабаб бўладиган нарса қолмайди. Табақалар ўртасида фарқ қолмаганлиги учун бундай кураш бўлмайди.

Аммо Карл Маркс кўрсатиб ўтган марказлашув ва «концентрация» қонунига келсак, у капитализм иқтисодий тузумидан олинган бўлиб, унинг хуносаси шундан иборатки, меҳнат

ва капиталда бир корхонадан бошқасига кўчиб ўтадиган харакат мавжуд. Чунки баъзи корхоналар йирик корхонага айланса, баъзилари майда корхонага айланиб қолади. Буларнинг барчаси ишлаб чиқаришнинг концентрацияланиши ва марказлашиши юз беришига далолат қиласидаги холатлардир. Масалан, шокалад ишлаб чиқарувчи корхоналар каби бир соҳадаги бир неча корхоналарни ўрганиб чиқсангиз, ҳар бир корхонадаги ишлаб чиқариш кувватининг ўртача даражаси ўсган бир пайтда корхоналар сони камая бошлаганлигининг гувохи бўласиз. Бу эса ишлаб чиқаришнинг мана шу соҳасида марказлашиш юз берганлигига далолат қиласиди. Чунки катта ишлаб чиқариш кичик ишлаб чиқаришнинг ўрнини эгаллаган бўлади. Масалан, корхоналар сони ўнта бўлса, улар тўрт ёки бешта йирик корхонага айланиб, колгандари йўқ бўлиб кетади.

Энди Маркс айтиб ўтган «эркин рақобат»га келсак, у маҳсулот ишлаб чиқариш эркинлиги қоидасини англатиб, ҳар бир шахсга ўзи истаган нарсани қандай хоҳласа шундай ишлаб чиқариш ҳуқукини беришдан иборатдир.

Маркс айтган иқтисодий кризис (инқироз)ларга келсак, иқтисодий мувозанатда тўсатдан рўй берадиган барча турдаги бекарорликка иқтисодий кризис дейилади. Хос кризис ишлаб чиқаришнинг бир алоҳида, хос соҳасида юз берадиган барча турдаги кризисларни ўз ичига олади. Бу кризисларга ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши сабаб бўлади. Мувозанатнинг бузилиши эса ҳаддан ортиқ кўп ёки кам маҳсулот ишлаб чиқариш ёки ҳаддан ортиқ кўп ёки кам истеъмол қилиш натижасида юз беради.

Умумий даврий кризис эса иқтисодий тузумнинг барча асосларини ларзага солувчи қаттиқ силкиниш шаклида намоён бўлади ва жонланиш даври билан турғунлик даври ўртасини ажратиб турувчи нуқта ҳисобланади. Жонланиш даври 3 ва 5 йил муддат оралиғида давом этади, турғунлик даври ҳам шунча муддат давом этади. Умумий даврий инқирозлар ажралиб турадиган ўзига хос сифатларга эга бўлиб, энг муҳимлари учта сифатдир. Биринчи сифат - умумийлик сифатидир. Чунки кризис (инқироз) битта давлатдаги иқтисодий фаолиятнинг барча ёки кўпгина соҳаларида юз беради. Демак, кризис аввал бир давлатда юз бериб, барча соҳаларни қамраб олади, сўнгра иқтисодий ривожланишга эришган ва доимий алоқалар боғлаб турган бошқа давлатларга тарқалади. Иккинчи сифат эса - даврийлик сифати бўлиб, у ҳар сафар даврий

шаклда юз беради. Кризислар ўртасидаги муддат 7-11 йил давом этиб, бу кризислар аниқ муддатларда юз бермаса-да, бирок даврий шаклда такрорланиб туради. Энди учинчи сифатта келсак, у хаддан ортиқ, күп маҳсулот ишлаб чиқаришдан иборатдир. Бунинг бунинг оқибатида корхоналар эгалари ўз маҳсулотларини сотишда катта қийинчиликка дуч келишади, натижада күп маҳсулотларда таклиф талабдан ортиб кетиб, кризис юз беради.

Карл Маркснинг фикрича бу кризислар баъзи одамларнинг ўз капитал (сармоя)ларини йўқотишларига олиб келади, натижада сармоядорлар сони камайиб, ишчилар сони ортади. Бу эса жамиятда эски тузумни емириб ташлайдиган энг катта кризис (инқизоз)нинг юз беришига олиб келади.

Социализм, шу жумладан коммунизмнинг хulosаси шундан иборатдир. Бу хulosадан кўриниб турибдики, социалистик, шу жумладан коммунистик йўналишларнинг барчаси жамият аъзолари ўртасида амалий тенгликни рўёбга чиқаришга уринади. Улар буни манфаатлардаги тенглик ёки ишлаб чиқариш воситаларидағи тенглик ёки мутлақ тенглик орқали амалга оширмоқчи бўладилар. Ваҳоланки бу тенгликларнинг биронтаси ҳам ўрнатиш мумкин бўлмаган ҳом ҳаёлдир. Чунки бу тенгликни воқе ҳаётда амалга ошириб бўлмайди. Чунки одамлар ўз яралиш табиятларига кўра жисмоний, ақлий қувватларида ҳам, эҳтиёжларни қондиришда ҳам бир-бирларидан фарқ қиласидилар. Демак, уларнинг ўртасида тенглик бўлиши мумкин бўлмайди. Чунки товар ва хизматларга эга бўлиш (улардан баҳраманд бўлиш) тўғрисида қурол кучи ёрдамида зўрлаб ва мажбуран улар ўртасида тенглик ўрнатилган тақдирда ҳам, бирок ишлаб чиқарилган бу молларни истеъмол қилиш ва улардан фойдаланишда тенглик ўрнатишнинг иложи йўқ. Шунингдек улар ўртасида эҳтиёжларини қондирувчи нарсалар миқдори бўйича ҳам тенглик ўрнатишнинг иложи йўқ. Демак, одамлар ўртасида тенглик ўрнатиш ҳаёлий ишдир.

Бундан ташқари, одамларнинг қувватларида тафовут бўла туриб, улар ўртасида тенглик ўрнатишнинг ўзи ҳам социалистлар амалга оширишни даъво қилаётган адолатга тўғри келмайди. Чунки одамларнинг куч-қувватда бири-биридан устун бўлиши, манфаатлар ва ишлаб чиқариш воситаларида эга бўлишда бир-биридан фарқ қилиши муқарар ва табиий ишдир. Шунинг учун тенглик ўрнатишга бўлган ҳар қандай уриниш мувваффақиятсизликка маҳкумдир. Чунки бундай уриниш одамлар ўртасида мавжуд бўлган тафовут фитратига зиддир.

Хусусий мулкни бутунлай тугатиш ҳам инсон фитратига зиддир. Чунки мулкчилик ёки мулкка эгалик қилиш инсонда сўзсиз мавжуд бўлган бақо (ўз хаётини саклаб қолиш) ғаризаси (табиий истак, инстинкт)нинг бир кўринишидир. У инсонда фитрий бўлиб, вужудининг бир қисми ва табиий куч-тоқатларининг бир кўриниши хисобланади. Демак, уни ғаризий бўлганлиги учун йўқ қилиб бўлмайди. Инсон тирик экан, ундаги ғаризий бирон нарсани олиб ташлаш мумкин эмас. Уни йўқотишига бўлган ҳар қандай уриниши зўравонлик бўлиб, безовталика олиб келади. Шунинг учун бу ғаризани йўқ қилиш эмас, балки тартибга солиш зарур. Мулкчиликни қисман тугатишига келсақ, бу ҳолатда қаралади. Агар эгалик қилинадиган товарларни муайян миқдор билан чегаралаб қўйилса, унда мулкчиликни сон билан чегаралаб қўйилган бўлади. Бундай қилиш эса жоиз эмас. Чунки у инсон фаолиятини чеклаб қўяди, унинг меҳнатини йўққа чиқаради ва маҳсулот ишлаб чиқаришини камайтиради. Чунки бундай қилиш инсонни эгалик қилаётган мулк миқдоридан ортиғига эгалик қилишдан тўсиб, уни маълум чегарарада тўхташга мажбур қиласди. Натижада инсон ўз фаолиятини давом эттиришдан маҳрум бўлади. жамият ҳам бу шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишдан маҳрум бўлади.

Энди агар инсон эга бўладиган товар ва хизматлар миқдорини сон билан эмас, балки муайян кайфият билан чегаралаб қўйилса, бу жоиздир. Чунки у инсон фаоллигини чеклаб қўймайди ва шахслар ўртасида молга эгалик қилишни тартибга солиб, меҳнат сарфлашга ва фаолликни оширишга ундовчи ва ёрдам берувчи омил бўлиб хизмат қиласди.

Аммо агар мулкчиликни қисман бекор қилиб, шахсни муайян молларга эгалик қилишдан ман этилса ва ундан бошқа молларга эгалик қилишига рухсат берилиб, уларни муайян миқдор билан чеклаб қўйилмаса, бунда қаралади. Агар бу мол-мулкларнинг табиати шундан иборат бўлсаки, барча одамлар улардан фойдаланишга муҳтоҷ бўлса, шунинг учун шахснинг ёлғиз ўзи уларга эгалик қилиши фақат бошқа барча одамларни улардан маҳрум қилиш хисобигагина мумкин бўлса, демак бу ҳолатда бу мол-мулкларга шахснинг бир ўзи эгалик қилишига йўл қўйилмаслик табиий иш бўлиб, мол табиатининг ўзи шуни талаб қиласди. Бу мол-мулкка мисол қилиб йўллар, шаҳар майдонлари, анхорлар, денгизлар ва шунга ўхшаш нарсаларни келтириш мумкин. Шунинг учун бу мол-мулкларга шахснинг бир ўзи эгалик қилишини ман қилишнинг ҳеч бир зарари йўқдир. Аммо агар мол-

мулкнинг табиати буни (яъни ман қилишни) тақозо қилмаса қаралади. Агар мол-мулк табиати буни тақозо қилмаса ҳам, лекин ўзи юқорида айтилган табиатдаги мол-мулк туркумига қўшилса, яъни шахснинг бир ўзи бошқаларни бебаҳра қолдириш хисобигагина эгалик қилиши мумкин бўлган мол-мулк қаторига қўшилса, бу ҳолатда якка шахснинг унга эгалик қилишини ман қилишда ҳеч зарар йўқ. Бунга мисол қилиб сув ва битмас-туганмас конларни келтириш мумкин. Чунки улар якка шахс жуда кўпчилик одамни бебаҳра қолдириш хисобигагина эгалик қилиш мумкин бўлган табиатдаги мол-мулк қаторига қўшилади. Уларни ана шу мол-мулклар қаторига қўшган нарса якка шахснинг фақат кўпчилик одамни бебаҳра қолдириш хисобигагина уларга эгалик қилиши мумкинлигидир. Аммо агар мол-мулк бундай мол-мулклар қаторига қўшилмаса, у ҳолда шахсларни унга эгалик қилишдан ман қилиш жоиз бўлмайди. Чунки бундай қилиш, баъзи молларга эгалик қилишга рухсат бериш, баъзиларига эса рухсат бермаслик билан молларга эгалик қилишни чеклаш бўлиб қолади. Демак, у молга эгалик қилишни муайян миқдор билан чеклаб қўйиш каби бўлиб, буни мулкчиликнинг сон билан чегараланиши, деб айтса бўлади. Бундай чегаралаш эса юқорида айтилган натижанинг ўзини келтириб чиқаради. Чунки, бу ҳам инсон фаоллигини чеклаб қўяди, унинг меҳнатини йўққа чиқаради, маҳсулот ишлаб чиқаришни камайтиради ва уни эгалик қилишга рухсат берилган миқдорга етган ва ундан ортиғидан ман қилинган пайтда меҳнат қилишдан тўхтатиб қўяди.

Социализмда мулкчиликни қисман тугатиш - сон билан чеклаб қўйиш бўлиб, кайфиятга дахли йўқдир. У баъзи молларга эгалик қилишни ман қилишдан иборатdir. Ҳолбуки бу моллар табиати ва келиб чиқиш табиатига кўра якка шахсларнинг уларга эгалик қилиши мумкин нарса эди. Лекин социализм буни ман қиласди. Чунки социализм мулкчиликни ё миқдор (сон) билан чеклаб қўяди, бунга масалан ерга эгалик қилишни муайян майдонларга чеклаб қўйиш кабилар киради, ёки муайян молларга эгалик қилишни чеклаб, шахсларнинг уларга эгалик қилишини ман қиласди, бунга мисол қилиб ишлаб чиқариш воситаларини чеклаб қўйишни келтириш мумкин. Ваҳоланки бу моллар табиатига кўра, шахсларнинг уларга якка эгалик қилиши жоиздир. Социализм мана шу турдаги мол-мулкка эгалик қилишни ман қиласди. Чунки у якка шахснинг эгалик қилиш табиатига тўғри келадиган молларга эгалик қилишни ман қиласди. Бундай молларга эгалик қилишни ман қилиш

эса фаолликни чеклаб қўяди. Бу моллар мерос ҳуқукини ман қилиш ёки конлар, темир йўллар, корхоналар ва шунга ўхшаш нарсаларга эгалик қилишни ман қилиш каби аниқтайн моллар бўладими ёки давлат ихтиёрига ташланиб, қачон давлат омма манфаати ман қилишни тақозо этади, деб билса ман қилиб қўядиган моллар бўладими, бунинг фарки йўқдир. Чунки ман қилинган бу молларнинг табиатига кўра шахснинг уларга якка эгалик қилиши мумкин бўлар экан, демак юқоридагиларнинг барчаси шахслар фаоллигини чеклаб қўяди.

Энди маҳсулот ишлаб чиқариш ва кўпчилик воситасида уни тақсимлашни тартибга солишга келсак, буни одамлар ўртасида безовталиқ, тўполон келтириб чиқариш, уларнинг ўртасида ўзаро адovat ва бир-бирини кўролмасликни қўзгаш орқали амалга ошириб бўлмайди. Чунки бу нарсалар тартибга солишни эмас, балки бебошликни келтириб чиқаришни англатади. Буни (яъни тартибга солишни) табийики, ишчиларнинг мулқдорлар зулмини хис қилишларини кутиб уларнинг ўзига ташлаб қўйиш билан ҳам амалга ошириб бўлмайди. Чунки гоҳида мулқдорлар ишчиларнинг барча эҳтиёжларини қондирадиган даражада жуда устамон пиҳини ёрган бўлиши мумкин. Бунга АҚШдаги корхоналар ишчиларнинг ҳолатини мисол қилса бўлади. Демак бу ишчилар ўз меҳнатлари самараларини мулқдорлар ямламай ютиб, «ҳазм» қилиб юбораётганини билмай, ўз устиларига тушаётган зулмини хис қilmайдилар. Оқибатда ишлаб чиқариш ва истеъмолни тартибга соладиган ривожланиш ҳосил бўлмайди. Шунинг учун бу тартибга солишни муаммо воқесига тўғри келадиган, қатъий асосга эга бўлган тўғри аҳком ва муолажа-ечимлар ёрдамида амалга ошириш зарур. Социализм эса ишлаб чиқариш ва тақсимлашни тартибга солища ишчилар ўртасида безовталиқ ва тўполон қўзгашга ёки жамиятдаги ривожланиш қонуниятига ёки қатъий асосга таянмаган тубан қонун ва коидалар ишлаб чиқаришга сунянади.

Бу умуман социализмнинг хатосидир. Аммо Карл Маркс айтган хос турдаги социализмга келсак, у уч жиҳатдан хатодир.

Биринчидан: Унинг қиймат назариясидаги фикри хато бўлиб, воқеликка зиддир. Чунки товар ишлаб чиқаришда сарфланган меҳнатни шу товар қийматини белгиловчи бирдан-бир манбадир, деб кўрсатиш воқеликка зиддир. Чунки сарфланган меҳнат бирдан-бир манба эмас, балки товар қийматини белгиловчи манбалардан биридир, холос. Чунки бу ерда меҳнатдан бошқа товар қийматига дахлдор бўлган бир қанча нарсалар бор. Масалан, бу ерда меҳнат

қилиш учун зарур бўлган хос-ашё ҳамда шу товар келтирадиган манфаатга бўлган эҳтиёж бор. Баъзида хом-ашё товар тайёрлашга сарфланган меҳнатдан кўра кўпроқ манфаат келтириши мумкин. Масалан, ов каби. Гоҳида эса товарга бозорда талаб бўлмаслиги ва мусулмонлар ҳаром, деб биладиган ароқ каби экспорт қилиш имконсиз бўлиши мумкин. Демак, меҳнатни қийматнинг бирдан-бир манбаи, деб хисоблаш нотўғри бўлиб, товарнинг воқелигига тўғри келмайди.

Иккинчидан: Маркснинг «ҳар қандай асрда ўрнатиладиган ижтимоий тузум иқтисодий ҳолатнинг натижасидир, бу тузум бошига етадиган турли ўзгаришлар эса, барчаси бита сабабга, яъни ижтимоий табақаларнинг ўз моддий ахволини яхшилаш учун олиб борадиган курашига бориб тақалади», деган сўзи ҳам хато бўлиб, воқеликка зиддир ва қуруқ назарий, хаёлий фаразга курилгандир. Унинг хатолиги ва воқеликка зид эканлигига келсак, бу нарса тарихдан ҳам, воқеликдан ҳам яққол кўриниб турибди. Масалан, Совет Россиясининг социализимга ўтиши моддий ривожланиш натижасида юз бергани йўқ ва бунинг сабаби бир тузумни бошқа тузумга ўзгартиришга олиб келган табақалар курашига ҳам бориб тақалмайди, балки бир гуруҳ қонли қўзғолон орқали ҳокимиятни ўз қўлига олиб ўз фикрларини ҳалққа татбиқ қила бошлади ва мавжуд тузумни ўзгартириди. Хитойда ҳам худи худди шундай ҳол юз берди. Шарқий Германия ва Шарқий Европа давлатларига социализмни татбиқ этилиши ҳам табақалар ўртасидаги кураш натижаси эмас эди, балки бу нарса социалистик давлат (яъни Совет Иттифоқи)нинг шу давлатларни босиб олиб уларга ўз тузумини татбиқ этиши натижасида юз берди. Демак, тузумнинг ўзгариши табақалар ўртасидаги кураш натижаси эмас, балки бир гуруҳ ёки давлатнинг тузумни қабул қилиб, ҳокимиятни қўлга олиши ва шу тузумни татбиқ қилиши натижасидир. Капитализм тузумида ҳам, Ислом тузумида ҳам ва бошқа ҳар қандай тузумда ҳам шундай бўлади. Энди агар табақалар ўртасидаги кураш қонуни мамлакатлардаги тузумни ўзгартириб юбориши муқаррардир, дейиладиган бўлса, у ҳолда, чор Россияси ва Хитойда эмас, балки Германия, Англия ва АҚШдаги тузум ўзгариб кетиши керак эди. Чунки бу мамлакатлардаги капиталистлар ва ишчилар сони чор Россияси ва Хитойникига қараганда кўп эди. Чор Россияси ва Хитой эса саноати унча ривожланмаган аграр (кишлок хўжалигига таянадиган) давлатлар бўлиб, улардаги ишчилар ва капиталистлар табақаси сони Ғарб мамлакатларига солиштирганда оз эди. Бироқ ғарбий Европа давлатларида ва Америкада капиталистлар ва ишчилар табақаси

мавжуд эканлигига қарамай, бу мамлакатлар социализм тузумига ўтмади. Улар ҳануз капитализм тузумини татбиқ қилиб келмоқда. Бу мамлакатларда ишчилар ва капиталистлар табақасининг мавжудлиги улардаги тузумга таъсир ўтказа олмади. Мана шунинг ўзи бу назарияни асосидан парчалаб ташлашга кифоя қиласди.

Учинчидан: Карл Маркс назарияларининг хатолиги шундоқ кўриниб турган бу жиҳатга келсак, у Маркс айтган «ижтимоий ривожланиш қонуни ва иқтисодий хайт тузуми ўзи бўйсунадиган иқтисодий қонунлар таъсири сабабли йўқ бўлиб кетишга маҳкумдир. Бир пайтлар зодагонлар табақаси устидан ғолиб келган ва капитал эгаси бўлиб қолган ўрта табақанинг ўз ўрнини ишчилар табақасига бўшатиб берадиган вакт аллақачон келди. Уни бунга марказлашиш қонуни мажбур қиласди», деган сўзларидир. Бу сўзларнинг хатолиги шундан иборатки, ишчилар сонининг кўпайиши ва капитал эгалари сонининг камайишига асос бўладиган ишлаб чиқаришнинг марказлашиши қонуни ҳақидаги Карл Маркс назарияси бузук назариядир. Чунки бу ерда ишлаб чиқаришнинг марказлашуви ўта олмайдиган бир чегара мавжуд. Шунинг учун бу марказлашув муайян чегарага етгандан кейин тўхтаб қолади. Демак, у Карл Маркс тасавур қилган ривожланишга ярамай қолади. Чунки ишлаб чиқаришнинг тарқоқ омиллари ўртасида марказлашувнинг ҳосил бўлиши маълум чегарадан нарига ўтмайди. Бундан ташқари марказлашув ишлаб чиқаришнинг энг муҳим тармоғи бўлмиш қишлоқ хўжалигига мутлақо мавжуд эмас. Шундай экан, энди қандай қилиб жамиятда ривожланиш қонуни ҳосил бўлиши мумкин? Лекин Карл Маркс «ишлаб чиқаришнинг марказлашуви бойликнинг марказлашувини келтириб чиқаради, бундан эса капиталга эга бўлган мулкдорлар сонининг камайиши ва ҳеч нарсага эга бўлмаган ишчилар сонининг камайиши келиб чиқади», деб хаёл қиласди. Бундай ўйлаш хатодир. Чунки ишлаб чиқаришнинг марказлашиши натижасида капитал эгаларининг сони кўпайиши ва ишчиларнинг ўзлари капитал эгаларига айланишлари ҳам мумкин. Масалан, йирик лойиҳаларнинг одатдаги шакли бўлмиш акционерлик жамиятларида акционерларнинг кўпчилиги ишчилардан иборат бўлади. Шундай экан, энди қандай қилиб ишлаб чиқаришнинг марказлашуви ҳосил бўлиши мумкин? Бунинг устига корхоналарда муҳандислар, химик (кимёгар)лар ва директорлар каби ката маош оладиган ишчилар ҳам бор бўлиб, улар bemalol бу маошдан катта қисмини жамғариб, мулқдор (капиталист)ларга айланна оладилар. Улар бирон мустақил корхонага эга бўлмай туриб ҳам мулқдорларга айланна оладилар. Бу пайтда эса

Карл Маркснинг ривожланиш борасида сўз юритиб ишчилар ҳакида айтган сўзлари уларга тўғри келмай қолади.

Булар капитализм иқтисодий тузуми таянадиган асосларга ва социализм, шу жумладан коммунизм иқтисодий тузуми таянадиган асосларга бироз кўз югуртириб чиқиш ҳамда бу асослардаги сохталик ва фасодни қисқа тарзда кўрсатиб ўтишдир, холос. Бу тузумларнинг фасодлиги масаланинг бир томони бўлиб, бошқа томондан эса бу тузумлар Исломнинг муолажалар-ечимлар борасида тутган тариқати (йўли)га хилоф ва Исломга зиддир. Уларнинг муаммоларга ечим беришдаги Ислом тариқатига хилоф эканлигига келсак, бу шундан иборатки, Исломнинг иқтисодий муаммога ечим беришда тутган тариқати-йўли инсоннинг бошқа ҳар қандай муаммоларига ечим беришда тутган тариқатининг ўзгинаси бўлиб, бу тариқат иқтисодий муаммо воқелигини ўрганиб чиқиш, сўнгра шаръий нусусларни ўрганиб чиқиб, бу нусусларнинг шу муаммога мос келишига ишонч ҳосил қилгандан кейин шу нусуслардан бу муаммога ечим излаб топишдан иборатдир. Бу эса капитализм ва социализмдаги иқтисодий ечим ва ҳукмларга хилофдир. Чунки капитализмда муаммонинг ечими шу муаммони ўрганиб чикқандан кейин шу муаммонинг воқелигидан олинади. Социализмда эса муаммода мавжуд, деб хаёл қилинадиган куруқ назарий фаразлардан олинади ва ана шу фаразларга асосланиб муаммога ечим берилади. Шунинг учун бу икки тузум тутган икала тариқат ҳам Ислом тариқатига хилофдир. Демак, мусулмон одамнинг бу икки тариқат берган ечимни олиши асло жоиз бўлмайди.

Энди капитализм ва социализм, шу жумладан коммунизм иқтисодий тузумининг Исломга бутунлай зид эканлигига келсак, бу шундан иборатки, Ислом ўз ечимларини шаръий далиллардан олинган шаръий аҳкомлар бўлгандиги учун олади. Капитализм ва социализмнинг иқтисодий ечимлари эса шаръий аҳкомлар эмас, балки куфр низомидан олинган аҳкомлар бўлиб, уларга асосланиб нарсалар устидан ҳукм чиқариш Оллоҳ нозил қилмаган нарсалар билан ҳукм чиқариш бўлади. Шунинг учун мусулмон одамга бу ечимларни олиш ҳеч бир жиҳатдан ҳалол бўлмайди. Уларни тўғри, деб эътиқод қилмасдан олиш фосиқлик бўлиб, уларни тўғри ҳукмлар, деб олиш ва Ислом аҳкомларини ҳозирги асрга тўғри келмайди, шунинг учун ҳозирги иқтисодий муаммоларни ҳал қилолмайди, деб ҳисоблаш эса куфридан. Бундай куфрандан Оллоҳ асрасин.

## ИҚТИСОД

Иқтисод сўзи эски юонончадан олинган бўлиб, уй ишларини режалаштириш маъносини англатади. Бошқача қилиб айтганда, кўлидан иш келадиган оила аъзолари бирор нарсани ишлаб чиқаришда қатнашадилар ҳамда кўлга киритилган нарсалардан ҳамма тенг фойдаланади. Кейинчалик одамлар уйнинг маъносини кенгроқ маънода кўллай бошладилар ва уй деганда битта давлат хукмронлик қиласидаган жамоа тушуниладиган бўлиб қолди.

Шунга кўра, иқтисоддан мурод унинг «мўл-кўл қилиш ёки мол, бойлик» деган луғавий маъноси эмас, балки муайян атаманинг истилоҳий маъноси бўлиб, гоҳида иқтисод илми ўрганадиган «бойликни кўпайтириш ва уни пайдо қилишни таъминлаш» орқали, гоҳида иқтисодий тузум ўрганадиган «бойликни тақсимлаш кайфияти» орқали молиявий ишларни режалаштиришdir.

Иқтисод илми ҳам, иқтисодий низом-тузум ҳам иқтисодни ўрганса-да, лекин булар бир-биридан фарқ қиласидаган ва бирининг маъноси иккинчисиникидан ўзгача бўлган нарсалардир. Чунки иқтисодий тузум бойликнинг кўплиги ёки камлиги билан фарқланмайди ва мутлақо ундан таъсиранламайди. Иқтисодий тузумнинг шакли ҳеч бир жиҳатдан бойликнинг кўплиги ёки камлигига дахли йўқ. Шунга кўра, иқтисодни бўлинмас бир бутун мавзу деб билиш жуда хатодир. Чунки бу гоҳида ҳал қилинмоғи лозим бўлган иқтисодий муаммоларни тушунишда хатога, гоҳида бойликни кўпайтирувчи омилларни нотўғри тушунишга олиб боради. Чунки жамоанинг ишларини режалаштириш бойликни кўпайтириш, яъни уни пайдо қилиш жиҳатидан масаланинг бир жиҳати бўлса, жамланган бойликни тақсимлаш жиҳатидан эса бутунлай бошқа жиҳатидир. Демак, бойлик моддасини режалаштириш баҳси уни тақсимлашни режалаштириш баҳсидан ажратилиши керак, чунки биринчиси воситаларга, иккинчиси фикрга тааллуклидир. Шунинг учун иқтисодий тузумни ҳаётдаги нуктаи назарга таъсир қиласидаган ва ундан таъсиранадиган фикр, деган эътиборда ўрганиш, иқтисод илмини эса ҳаётдаги нуктаи назарга алокаси йўқ бир илм деган эътиборда ўрганиш керак. Буларнинг энг муҳими иқтисодий тузумни ўрганишdir. Чунки иқтисодий муаммо инсоннинг эҳтиёjlари, уларни қондириш воситалари, бу воситалардан фойдаланишга тааллукли бўлади. Воситалар борлиқда мавжуд экан, демак, уларни ишлаб чиқариш

эҳтиёжларни қондиришдаги асосий муаммога сабаб бўлмайди, балки эҳтиёжларни қондириш истаги инсонни шу воситаларни ишлаб чиқариш ёки пайдо қилишга ундаиди. Одамларнинг ўзаро муносабатларидаги, яъни жамиятдаги мавжуд муаммо одамларнинг шу воситалардан фойдалана олиш ёки олмасликларидан, яъни одамларнинг шу воситаларга эга бўлишлари ёки бўлмасликлари мавзусидан келиб чиқади ва бу ечимга муҳтож иқтисодий муаммонинг асоси ҳисобланади. Шунга кўра, иқтисодий муаммо манфаатни юзага чиқарувчи воситаларни ишлаб чиқаришдан эмас, балки манфаатга эгалик қилиш мавзусидан келиб чиқади.

### **Иқтисодий тузум асоси**

Манфаат - нарсанинг инсон эҳтиёжини қондиришга яроқлилигидир. У икки нарсадан иборат: биринчиси, муайян нарсага эришишда инсон хис қилган рағбат даражаси; иккинчиси, нарсанинг ўзида мавжуд бўлган хосса (хусусиятлар) ва шу хоссанинг муайян шахснинг эмас, балки умуман инсоннинг эҳтиёжини қондиришга яроқлилигидир. Бу манфаат инсоннинг меҳнатидан ё мол-мулкдан ёки иккаловидан ҳосил бўлади. Инсоннинг меҳнати деган ибора мол-мулкни ёки мол-мулк манфаатини юзага келтириш учун сарфланган ақлий ва жисмоний меҳнатни ўз ичига олади. Мол-мулк деган сўз эса сотиб олиш ёки ижарага ёки қарзга олиш орқали фойдаланиш учун кўлга киритиладиган нарсаларнинг барчасини ўз ичига олади. Олинган нарсанинг ўзи, жисми истеъмол қилинади, олмага ўхшаш, ё жисми истеъмол қилинмайди, машинага ўхшаш, ё жисми қолиб ўзидан қарзга фойдаланилади элак ва ижарага олинган уй каби. Мол-мулк - тилла ва кумуш каби пул, кийим ва овқат каби товарлар, уйлар ва заводлар каби кўчмас мулклар ва булардан бошқа эгалик қилинадиган нарсалардан иборат. Демак, мулк инсоннинг эҳтиёжларини қондирувчи нарса, инсоннинг меҳнати эса мол-мулкни ёки манфаатини ҳосил қилювчи воситагина экан. Шунинг учун мулк манфаатнинг асосидир. Инсоннинг меҳнати эса мулкни ҳосил қилиш имконини берувчи воситалардандир. Демак, инсон ўз табиатига кўра, эгалик қилиш мақсадида шу мулкни кўлга киритишга интилади. Шунга биноан инсоннинг меҳнати ва мулк инсоннинг эҳтиёжларини қондириш учун кўлланиладиган восита бўлиб, бу икки восита инсон уларни ҳосил қилиш учун интиладиган бойлик ҳисобланади. Демак, бойлик меҳнат ва мол-мулк йиғиндинсидир.

Шахсларнинг бойликни кўлга киритишлари бевосита, совға, фойдаланиш учун олиш, ижарага бериш, меҳнат каби шаклларда

намоён бўлади. Бевосита хом-ашёни қўлга киритиш, бировлардан совға олиш, фойдаланиб туриш учун олма дарахтини олиш, уйни ижарага олиш, муҳандисга ўй лойиҳасини чиздиришлар буларнинг мисолидир.

Бундай эгалик қилиш гоҳида сотиш, мулкнинг ижараси, ёлланма ишчига ҳақ тўлаш каби эваз ҳисобига, гоҳида эса совға, мерос ва қарз каби эвазсиз бўлади. Шунга биноан иқтисодий муаммо бойликни пайдо қилишда эмас, балки бойликка эга бўлишдадир. Чунки иқтисодий муаммо мулкчиликка бўлган нуқтаи назардан, шу мулкчиликдан ногўғри фойдаланишдан ва бойликни одамлар ўртасида ногўғри тақсимлашдан келиб чиқади, асло бошқа нарсалардан эмас. Шунинг учун мазкур жиҳатларни муолажа қилиш иқтисодий тузумнинг асосидир.

Шунга кўра, иқтисодий тузум учта қоидага асосланади, булар: мулкчилик, мулкни тасарруф қилиш ва одамлар ўртасида бойликни тақсимлашдир.

### **Исломнинг иқтисод ҳақидаги нуқтаи назари**

Исломнинг бойлик ҳақидаги қарashi унинг шу бойлиқдан фойдаланиш ҳақидаги қарашидан фарқ қиласди. Исломнинг назарида, манфаатни рўёбга чиқарувчи воситалар масаланинг бир жиҳати, манфаатга эгалик қилиш эса бошқа жиҳатидир. Мол-мулк ва инсоннинг меҳнати - бойлик моддаси бўлиб, бу иккиси манфаатни рўёбга чиқарувчи воситалардир. Бу иккисининг дунё ҳаётидаги мавжудлиги ва уларни ишлаб чиқаришга Исломнинг қарashi улардан фойдаланиш ва бу манфаатга эгалик қилиш кайфиятига бўлган қарашидан фарқ қиласди. Чунки Ислом бойлиқдан фойдаланишни ишига очикдан-очик аралашиб, хамр (маст килувчи) ва ўлакса каби баъзи нарсаларни истеъмол қилишни, шунингдек, рақс ва бузуклик каби баъзи инсон меҳнатидан фойдаланишни ҳам ҳаром қилди ва ейиш ҳаром қилинган нарсаларни сотишни таъкиллади ва бажариш ҳаром бўлган ишларнинг ижарасини ҳам ҳаром қилди. Бу нарсалар мол-мулқдан ва инсон меҳнатидан фойдаланишга тааллуклидир. Уларга эгалик қилиш жиҳатидан эса ов ва қўрик ерларни ўзлаштиришга, ижара ва ишлаб чиқаришга, мерос, совға ва васиятга оид бир қанча хукмларни йўлга қўйди.

Бу нарсалар бойлиқдан фойдаланиш ва унга эгалик қилиш кайфиятига тааллуклидир. Энди бойликни ишлаб чиқариш масаласига келсан, Ислом бойлик моддасини ишлаб чиқаришга ундини ва умумий шаклда касбга тарғиб қилган чоғда унга ҳам тириғиб қилди, лекин ишлаб чиқаришни қўпайтириш кайфияти ва

ишлаб чиқарилган нарсанинг миқдорига аралашмади, балки хохлаганларидек амалга оширишлари учун буларни одамларнинг ўзига қўйиб берди. Аммо мол-мулкнинг мавжудлигига келсак, у ҳаёти дунёда табиий бор, Оллоҳ Таолоуни инсонга бўйсундирган холда яратди. Оллоҳ шундай дейди:

﴿هُوَ الَّذِي خَلَقَ لَكُمْ مَا فِي الْأَرْضِ جَمِيعًا﴾

– „У (Оллоҳ) шундай зотки, сиз учун Ердаги барча нарсани яратди“. [2:29]

Яна шундай дейди:

﴿اللَّهُ الَّذِي سَحَرَ لَكُمُ الْبَحْرَ لِتَجْرِيَ الْفُلْكُ فِيهِ بِإِمْرِهِ وَلَتَبْتَغُوا مِنْ فَضْلِهِ﴾

– „Оллоҳ (денгиздаги) кемалар Ўзининг амри билан жорий бўлиши ҳамда сизлар (у кемаларда) Унинг фазлу марҳаматидан (ризқу рўз) исташларингиз учун сизларга денгизни бўйсундирив қўйган зотdir“. [45:12]

Ва яна дейди:

﴿وَسَحَرَ لَكُمْ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ جَمِيعًا مِنْهُ﴾

– „У йўз томонидан сизларга осмонлардаги ва ердаги барча нарсаларни бўйсундирди“. [45:13]

Ва яна дейди:

﴿فَلَيَنْظُرِ الإِنْسَانُ إِلَى طَعَامِهِ ﴿أَنَّا صَبَبْنَا الْمَاءَ صَبَّاً﴾ ﴿ثُمَّ شَقَقْنَا الْأَرْضَ شَقًّا﴾ ﴿فَأَنْبَطْنَا فِيهَا حَبًّا﴾ ﴿وَعِنَّا وَقْصِبَّا﴾ ﴿وَزَيْتُونًا وَخَلَالًا﴾ ﴿وَحَدَائقَ غُلْبًا﴾ ﴿وَفَاكِهَةَ وَأَبَّا﴾ ﴿مَتَاعًا لَكُمْ وَلَا نَعْلَمُ كُمْ﴾

– „Инсон ўз таомига қараб кўрсин! Биз (осмондан) сув-ёмгири қўйдирдик. Сўнгра ерни (гиёҳлар билан) ёрдик. Сўнг биз унда дондунни, узум ва кўкларни, зайдун ва хурмоларни, қуюқ дараҳтзор боғларни, мева-чева-ю, ўт-ўланларни сизлар учун чорва ҳайвонларингиз учун манфаат бўлсин деб ундириб-ўстириб қўйдик“. [80:24-32]

Ва яна дейди:

﴿وَعَلَّمَنَا هُ صَنْعَةَ لَبُو سِ لَكُمْ لِتُخْصِنَكُمْ مِنْ بَأْسِكُمْ﴾

– „Яна (Довудга) сизларга зиён етишидан сақлайдиган совут ясасини таълим бердик“. [21:80]

Ва яна дейди:

﴿وَأَنْزَلْنَا الْحُدِيدَ فِيهِ بَأْسٌ شَدِيدٌ وَمَنَافِعٌ لِلنَّاسِ﴾

– „Биз темирни туширдик. Унда куч-кувват ва одамлар учун манфаат бордир“.

[57:25]

Шу ва шу каби оялларда Оллоҳ Таоломулкни ва инсоннинг меҳнатини яратгани тўғрисида хабар берди ва унга тегишли бошқа нарсаларнинг баёнига ўтмади. Бундан чиқадики, Оллоҳ Таоломулк моддаси ва инсоннинг меҳнатига аралашмади, уларни инсонлар фойдаланишлари учун яратганлигини баён қилди, холос. Шунингдек, бойликни ишлаб чиқаришга ҳам аралашмади. Зоро, Исломнинг бойликни ишлаб чиқаришга аралашганини кўрсатадиган биронта шаръий нусус мавжуд эмас, балки аксинча, шундай шаръий нусуслар борки, уларнинг кўрсатишича, Шариат мулкни ишлаб чиқариш ва инсоннинг меҳнатини яхшилаш ишини инсонларга қолдирган. Анас ﷺ дан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ с.а.в. хурмони чанглатиш мавзусида шундай деганлар:

«أَنْتُمْ أَحَمُّ مِمَّا يُمْرُرُ ذُنْيَاكُمْ»

**«Дунёвий ишларингизни сизлар яхшироқ билурсизлар».** Ва яна ривоят қилинишича, Расулуллоҳ с.а.в. иккита мусулмонни курол ишлаб чиқаришни ўрганиш учун Яманга жўнаттан эканлар. Бу далилларнинг кўрсатишича, Шариат мулкни ишлаб чиқаришни инсонларга қолдирган бўлиб, одамлар уни ўз маҳорат ва билимларига яраша амалга оширадилар.

Шулардан маълум бўладики, Ислом иқтисод илмига эмас, балки иқтисодий тузумга эътибор қаратади, бойлиқдан фойдаланиш ва шу манфаатга эгалик қилиш кайфиятини баҳс мавзуси деб билади ва бойликни ишлаб чиқаришга ҳамда манфаатнинг воситаларига мутлақо аралашмайди.

### Исломда иқтисодий сиёsat

Иқтисодий сиёsat инсонлар ишларини режалаштиришни муолажа қиласидиган ҳукмлардан кўзланган максаддир. Исломдаги иқтисодий сиёsat ҳар бир шахснинг барча асосий эҳтиёжларини тўлиқ қондирилишини кафолатлаш ҳамда шахсларга камолий эҳтиёжларини мумкин қадар қондириш имконини беришдан иборат. Ислом инсонга муайян жамиятда ҳаёт кечирувчи, ўзига хос яшаш тарзига эга бўлган шахс, деб қарайди ҳамда мамлакатда яшайдиган кишилар жамоасига эмас, балки ҳар бир шахснинг айнан ўзига эътиборни қаратади. Ислом унга, аввало, асосий эҳтиёжларини тўлиқ қондириш керак бўлган инсон деган эътиборда қарайди, сўнгра камолий эҳтиёжларини мумкин қадар қондириш имконини

бериш керак бўлган алоҳида шахс, деб билади. Айни вақтда Ислом инсонни бошқалар билан ўзига хос тарзда ўрнатилган алоқалар орқали боғланган, деб эътибор қиласди. Шунга кўра, Исломдаги иқтисодий сиёsat ҳар бир шахснинг ҳаётдан фойдаланишини кафолатлашни инобатга олмаган ҳолда фақат мамлакатдаги турмуш даражасини кўтаришнинг ўзигина ҳам эмас, ким бўлишидан қатъий назар, ҳар бир шахснинг яшаш хукуқини кафолатламаган ҳолда инсонларга фаровонлик яратиш ва имкониятларига қараб ундан фойдаланишда эркин қўйиш ҳам эмас, балки у муайян алоқаларга мувофиқ яшаётган инсон, деган нуктаи назарда ҳар бир шахснинг асосий муаммоларини ҳал қилиш ҳамда унга турмуш даражасини кўтариши ва яшаш тарзига хос фаровонликка эришиши учун имконият яратиб беришdir. Шу жиҳати билан у бошқа иқтисодий сиёsatлардан фарқ қиласди.

Ислом инсон учун иқтисод хуқмларини қонунлаштираётганда, аввало, шахс манфаатини эътиборга олди. Яшаш хукуқини ва фаровонликка эришиш имконини кафолатлашда эса бу ишни ўзига хос яшаш тарзига эга бўлган муайян жамиятда амалга ошадиган қилиб қўйди. Ислом турмуш ҳамда фаровонлик имконини кафолатлашга эътиборини қаратар экан, жамиятнинг қандай бўлиши кераклигини ҳам эътиборсиз қолдирмади. Аксинча, жамиятнинг қандай бўлиши лозимлиги тўғрисидаги қарашини турмуш ва фаровонликка бўлган қарашига асос қилиб олди. Шунинг учун шаръий ҳукмлар Исломий давлат фуқароларидан ҳар бирининг еб-ичиши, кийиниши ва турар жойдан иборат барча зарурий эҳтиёжларини тўлиқ қондиришни кафолатлаган. Ислом бу масалани ечишда ўзининг ва оила аъзоларининг зарурий эҳтиёжларини қондириши учун қодир кишига меҳнат қилишни буюради. Агарда ишлашга қодир бўлмаса, унинг нафақасини фарзандига ва меросхўрига юклади. Унга нафақа қилувчилар бўлмаса, унинг таъминотини байтулмолга юклади. Бу билан Ислом ҳар бир шахснинг еб-ичиши, кийим-кечак ва турар жойдан иборат эҳтиёжларининг қондирилишини кафолатлади. Сўнг инсонни имконига яраша покиза нарсалардан баҳраманд бўлишга, дунё зийнатларини қўлга киритишга ундини, давлатга шахснинг эҳтиёжидан ортмайдиган молидан соликлар олишни ман қилди. Фақат эҳтиёждан ортганингагина солик солди. Бу билан у ҳар бир шахснинг яшаш хукуқини кафолатлади ва ҳаётда фаровонликка эришиш имконини берди. Шу вақтнинг ўзида Ислом шахсга ўз зарурий ва камолий эҳтиёжларини қондириш учун бойлик ортиришнинг муайян йўлларини белгилаб берди ва шахснинг

алока-муносабатларини ўзига хос тарзда йўлга кўйди. Масалан, ҳар бир мусулмон учун ҳамр (маст қилувчи нарсалар)ни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишни ҳаром қилди ва уни мусулмон учун даромад манбаи деб ҳисобламади. Исломий давлатнинг ҳар-бир фуқаросига рибо ейиш ва судхўрликни ҳаром қилди ҳамда уни мусулмон ёки гайримусулмон бўлишидан қатъий назар, даромад манбаи деб билмади. Бойлиқдан фойдаланиш чоғида жамият риоя қилиши лозим бўлган ҳолатга алоҳида эътибор берди.

Булардан кўринадики, Ислом шахсни унинг инсонлигидан ва инсон сифатида шахслигидан ажратмади. Жамият қандай бўлиши лозимлигини эса ҳар бир шахснинг асосий эҳтиёжларини ва камолий эҳтиёжларини қондириш имкониятини кафолатлашдан ажратмади, балки уларни бир-бирига боғлиқ иш қилиб кўйди, лекин «жамият қандай бўлиши лозимлиги»ни эҳтиёжларни қондириш учун асос деб белгилади. Барча зарурий эҳтиёжларни тўлиқ қондириш ва камолий эҳтиёжларни қондириш имконини бериш учун одамларга даромад манбаи мўл бўлиши керак, токи эҳтиёжларни қондира олсинлар. Бу иш уларнинг касб қилишлари билангина амалга ошади. Шунинг учун Ислом касб-корга, ризқ излашга ундини ҳамда ризқ топиш учун ҳаракат қилишни фарз қилди. Оллоҳ Таолошундай дейди:

﴿فَمُشْوَأْ فِي مَنَاكِبِهَا وَكُلُوا مِنْ رِزْقِهِ﴾

– „Бас у (ер)нинг ҳар томонидан (сайр-саёҳат қилиб ё тижорат билан ёки дехқончиликни касб қилиб) юраверинглар ва (Оллоҳнинг берган) ризқ-рӯзидан енглар“.

[67:15]

Бироқ бунинг маъноси бойлик ишлаб чиқариш ёки ишлаб чиқаришни ривожлантириш кайфияти ва маҳсулотнинг микдорига Ислом аралашади, дегани эмас. Ислом меҳнат қилишга ва бойлик орттиришга ундини, холос. Бойлик орттиришга ундан келган кўпгина ҳадислар ҳам ривоят қилинган. Уларнинг бирида

«أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَافَحَ سَعْدَ بْنَ مَعَادٍ فِإِذَا يَدَاهُ قَدْ أَكْتَبَتَا فَسَأَلَهُ النَّبِيُّ عَنْ ذَلِكَ فَقَالَ: أَضْرِبْ بِالْبَرِّ وَالْمِسْحَةَ لِأُنْفِقَ عَلَى عِيَالِيٍ. فَقَبَلَ يَدَهُ وَقَالَ: كَفَانِ يَجْبُهُمَا اللَّهُ تَعَالَى»

«Пайғамбар с.а.в. Саҳд ибн Муоз билан қўл бериб кўришдилар ва унинг қўллари қавариб кетганини кўрдилар. Ундан бунинг сабабини сўрадилар, у: Оилам нафақаси учун белкурак ва кетмонда тирикчилик қиласман, деди. Шунда

**Пайғамбар с.а.в. унинг қўлини ўпиди: Бу икки қўлни Оллоҳ Таоло яхши қўради», дедилар. Бу ҳадисни Сарахсий «ал-Мабсүт» китобида зикр қилди. Бошқа бир ҳадисда Бухорий ал-Миқдом орқали Набий с.а.в.нинг шундай деганларини ривоят қилди:**

**«مَا أَكَلَ أَحَدٌ طَعَامًا قَطُّ خَيْرًا مِنْ أَنْ يَأْكُلْ مِنْ عَمَلٍ يَدِهِ»**

**«Хар бирингиз еган энг яхши таом ўз қўли билан ишлаб топган таомидир», дедилар. Ривоят қилинишича, ҳазрати Умар қорилар жамоаси олдидан ўтдилар ва уларнинг бошларини эгид ўтирганларини кўриб, анавилар кимлар? - деб сўрадилар. Таваккул қилгувчилар, дейишди. Шунда Умар: Асло унақа эмас, улар одамларнинг молларидан еовчи текинхўрлардир. Сизларга таваккул қилувчиларнинг кимлигини айтами? - деган эди, у кишига: Ҳа, - дейишгач, дедилар: У шундай кишики, ерга уруғ сепади-да, сўнг Раббисига таваккул қиласди. Буни ҳам Сарахсий «ал-Мабсүт» китобида зикр қилди. Шундай килиб, биз ризқ талаб қилиш ва бойлик ортириш учун ҳаракат қилишга, шунингдек, шу бойликлардан баҳраманд бўлишга ва покиза нарсалардан ейишга ундовчи кўплаб оят ва ҳадисларни учратамиз. Оллоҳ Таолошундай дейди:**

**﴿فَلَنْ مَنْ حَرَمَ زِبْنَةَ اللَّهِ الَّتِي أَخْرَجَ لِعِبَادِهِ وَالظَّبِيَّاتِ مِنَ الرِّزْقِ﴾**

– „Айтинг (эй Мұхаммад): Оллоҳ бандалари учун чиқарган безак (либосларни) ва ҳалол-пок ризқларни ким ҳаром қилди?!“ [7:32]

**﴿وَلَا يَحْسَبَنَّ الَّذِينَ يَبْخَلُونَ إِمَّا آتَاهُمُ اللَّهُ مِنْ فَضْلِهِ هُوَ خَيْرًا لَهُمْ بَلْ هُوَ شَرٌّ لَهُمْ سَيْطَوْفُونَ مَا بَخْلُوا بِهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ﴾**

– „Оллоҳ фазлу карами билан ато қилган нарсаларнинг (закотини) беришга баҳиллик қилган кимсалар ҳаргиз бу қилмишларини ўзлари учун яшишилк деб ҳисобламасинлар! Йўқ, бу қилмишлари ўзлари учун ёмонликдир. Баҳиллик қилиб бермаган нарсалари қиёмат кунида бўйинларига ўралажсан!“. [3:180]

**﴿كُلُوا مِنْ طَبِيَّاتِ مَا رَزَقْنَاكُمْ﴾**

– „Сизларни баҳраманд қилган пок нарсаларимиздан енглар“. [7:160]

**﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَنْفَقُوا مِنْ طَبِيَّاتِ مَا كَسْبُتُمْ وَمَمَّا أَخْرَجْنَا لَكُمْ مِنَ الْأَرْضِ﴾**

– „Эй мўминлар, касб қилиб топган нарсаларингизнинг ҳалол-покизаларидан ва Биз сизлар учун ердан чиқарган нарсалардан инфоқ-эҳсон қилинг!“. [2:267]

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تُخْرِمُوا طَبِيعَاتٍ مَا أَحَدَ اللَّهُ لَكُمْ﴾

– „Эй мўминлар, Оллоҳ Сизлар учун ҳалол қилиб қўйған покиза нарсаларни ҳаром деманглар!“. [5:87]

﴿وَكُلُوا مِمَّا رَزَقَكُمُ اللَّهُ حَلَالًا طَبِيعًا﴾

– „Оллоҳ сизларга ризқ қилиб берган ҳалол, пок нарсалардан енглар“. [5:88]

Шу ва шунга ўхшаш оятларнинг очиқ кўрсатишича, иқтисодга тааллукли шаръий ҳукмлар мулк орттиришга ва покиза нарсалардан баҳраманд бўлишга қаратилгандир. Юртнинг иқтисодий ривожланиши ва ҳар бир шахснинг асосий ва камолий эҳтиёжларини қондириш имконини бериш мақсадида Ислом ҳар бир шахсга касб қилишни фарз қилди ва ўз касби билан топган бойликларидан фойдаланишга амр этди. Ислом бойлика эга бўлиш кайфиятига тааллукли ҳукмларда бу кайфиятнинг мусулмон учун қийин бўлмаслигига эътиборини қаратди ва уни жуда осон қилиб қўйди. Чунки мулкка эгалик қилиш сабабларини, мулкчиликда айирбошлиш амалга ошадиган битимларни белгилаб берди ҳамда бойлик ишлаб чиқаришга аралашмаган ҳолда инсонга касбнинг усул ва воситаларини ривожлантириш ҳукуқини берди. Бу сабаб ва битимларни кўп масалаларни ўз ичига оладиган ва кўп ҳукмлар қиёсланадиган шаръий қоидалар ва шаръий ҳукмлардан иборат бўлган кенг камровли қилди. Мехнатга буюрди ва унинг ҳукмларини баён қилди ҳамда инсонга дурадгор, этикдўз, уста, дехқон ва бошқа касб эгаси бўлиб ишлаш ҳукуқини берди. Масалан, ҳадяни мулкка эга бўлиш сабабларидан бири қилиб белгилар экан, бошқа совға, тухфалар қиёсланадиган нарса, ижарани эса вакил иш ҳақини тўлаш зарурлиги тўғрисида ваколат қиёсланадиган холат қилиб қўйди. Шундай қилиб, биз мулкка эгалик қилиш сабаблари ва битимларни Шореъ (Оллоҳ) баён этганини ва уларни умумий маънолар билан белгилаб берганини кўрамиз. Бу эса уларга ўзгариб, янгиланиб турадиган барча ҳодисаларни қамраб олиш имконини беради, лекин уларнинг ўзи - одамларнинг шариатда келган муомалалар доирасидан чиқмасликлари шартлиги учун - муомалаларнинг ўзгариши билан янгиланиб турмайди, балки қанчалик кўп, хилма-хил бўлмасин, ўзгарувчан барча ҳодисаларга мос келаверади. Бу билан эса мусулмон тирикчилик йўлида тўсиқ

ва қийинчиликларга дуч келмасдан, ўз касбининг ҳалол ва покиза бўлишига интилган ҳолда илдам юради. Шу билан ҳар бир шахс қондириш талаб қилинадиган эҳтиёжларни қондирадиган нарсалар билан етарли таъминланади. Ислом шахсларни меҳнатга ундаш ва эҳтиёжларни қондиришни уларнинг касбларига боғлаш билангина кифояланиб қолмади, балки барча аҳолига нафақа қилиб туришни давлат хазинаси (байтулмол)га топшириди ҳамда ожизларга нафақа беришни ва умматнинг эҳтиёжларини қондириш жавобгарлигини давлат зиммасига фарз қилди. Чунки бошқарув масъулияти унинг зиммасидадир. Имом Бухорий ибн Умардан ривоят қилишича, Пайғамбар с.а.в. дедилар:

«اَلْمَامُ الَّذِي عَلَى النَّاسِ رَاعٍ وَهُوَ مَسْئُولٌ عَنْ رَعْيَتِهِ»

**«Одамлар устига бошлиқ бўлган имом фуқаросига масхулдир».** Давлат ўзига юкланган вазифаларни бажариши учун Шариат унга жизя, хирож каби доимий солиқлар сифатида муайян бойиклардан солиқ оладиган ҳокимият салоҳиятини берди ва закотдан тушган бойикларни байтулмолда қолдирди. Йўлларни тузатиш, шифохоналар куриш, очларга овқат бериш каби барча мусулмонларга фарз бўлган ишлар учун унга солиқ солиш ҳукуқини берди. Умумий мулкни бошқаришни давлат зиммасига юклиди ва унга шахсларнинг эгалик қилишини ёки бошқаришларини ман қилди, чунки омма ишларини бошқариш ҳукуқи бошлиқ (ҳоким)га берилгандир. Нефт, темир, мис каби конлар умумий мулк бўлиб, умматнинг иқтисодий ривожланишини юзага чиқариш учун уларни ишлатиб кўпайтириш шарт. Чунки бу бойиклар умматники бўлиб, давлат уларни ўстириш ва идора қилиш учун бошқаради. Агар давлат бойикларни мухайё қилса, ишларни бошқаришдаги қийинчиликларни енгib ўтса, ҳар бир шахс бойик орттириш, ризқ учун интилса, шундагина асосий ва камолий эҳтиёжларни қондиришга етадиган бойик кўлга киритилади. Бироқ, ҳар бир шахсни бойик орттиришга ундаш, бойикни давлат зиммасига юклаш, умумий мулкни ўстириш орқали эришиладиган иқтисодий ривожланишдан мақсад бойикнинг ўзи ёки у билан фаҳраниш, гуноҳ ишларга сарфлаш, мақтаниш эмас, балки бойикдан эҳтиёжларни қондирувчи восита сифатида фойдаланишдир. Шунинг учун Пайғамбар с.а.в. деганлар:

«مَنْ طَلَبَ الدُّنْيَا حَلَالًا إِسْتِغْفَارًا عَنِ الْمَسْأَلَةِ، وَسَعِيًّا عَلَىٰ أَهْلِهِ، وَتَعْطُفًا عَلَىٰ جَارِهِ، حَاءَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَجْهُهُ كَالْقَمَرِ لَيْلَةَ الْبَدْرِ، وَمَنْ طَلَبَ الدُّنْيَا حَلَالًا، مُفَاقِحًا، مُكَاثِرًا، مُرَايِيًّا، لَقِيَ اللَّهُ وَهُوَ عَلَيْهِ غَضِيبًا»

«Кимки дунёни ҳалол, таҳмасиз, оилам деб, қўшнисига марҳамат қилиб изласа, қиёмат куни унинг юзи тўлин ойдек нурли бўлади. Кимки дунёни ҳалол, (лекин) фахрланиш, кўпайтириш, риё учун изласа, Оллоҳга рўбарў келганида Оллоҳ ундан ғазабланаётган бўлади». Бу ҳадис ибн Аби Шайба мусаннафи (асари)да Абу Ҳурайрадан ривоят қилинган. Яна Пайғамбар с.а.в. дедилар:

«... وَهَلْ لَكَ يَا ابْنَ آدَمَ مِنْ مَالِكٍ إِلَّا مَا أَكْلَتَ فَأَفْتَيْتَ، أَوْ لَبِسْتَ فَأَبْلَيْتَ، أَوْ تَصَدَّقْتَ فَأَمْضَيْتَ»

«Эй Одам фарзанди, ўз молингдан еб тутагтганинг ёки кийиб эскитганинг ёхуд садақа қилиб охират учун қолдирганингтина сеникидир!». Бу ҳадисни Муслим Мутаррифдан у эса отасидан отаси эса Расууллоҳ с.а.в.дан ривоят қилди. Оллоҳ шундай дейди:

﴿وَلَا تُسْرِفُوا إِنَّهُ لَا يُحِبُّ الْمُسْرِفِينَ﴾

– „Истроф қилманглар! Албатта, У (Оллоҳ) истроф қилувчиларни севмас“.

[6:141]

Мақтаниш учун эмас, балки эҳтиёжларни қондириш учун восита сифатида бойлик орттириш Ислом талаб қилган ягона мақсад эмас. Балки Ислом иқтисоднинг ҳаммасини Оллоҳнинг буйруқ ва қайтарувларига мувофиқ юргизишни фарз қилди. Мусулмонга касб килаётган нарсаларда охиратни исташни (яъни уларни охират учун сарфлашни) ва бу дунёдаги насибасини эсидан чиқармасликни буюрди. Оллоҳ Таолошундай дейди:

﴿وَإِنَّمَا آتَاكَ اللَّهُ الدَّارَ الْآخِرَةِ وَلَا تَنْسَ نَصِيبَكَ مِنَ الدُّنْيَا وَأَحْسِنْ كَمَا أَحْسَنَ اللَّهُ إِلَيْكَ وَلَا تَبْغِ الْفَسَادَ فِي الْأَرْضِ﴾

– „Оллоҳ сенга ато этган молу давлат билан охиратни истагин ва дунёдан бўлган насибанги унумта. Оллоҳ сенга эҳсон қилгани каби сен ҳам эҳсон қил. Ерда бузугчилик қилишига уринма“. [28:77] Шунинг учун иқтисод фалсафасини Ислом иқтисодий ишларни Оллоҳнинг буйруқ ва қайтариқлари билан, Оллоҳ билан бўлган

боғлиқликни англаб етиш асосида юргизишдан иборат қилди, яъни жамиятда ва ҳаётда мусулмонларнинг ишларини юргизадиган қоида шаръий хукмларга кўра бўладиган иқтисодий амаллардан иборатдир. Фуқароларга эса иқтисод ишларида қонун сифатида шаръий хукмларга боғлиқликни асос қилиб олди. Демак, уларга Ислом рухсат берган нарсаларга рухсат бериб, унга боғланиб юришни буюрди. Оллоҳ Таоло:

﴿وَمَا آتَكُمُ الرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَاكُمْ عَنْهُ فَانْتَهُوا﴾

– „Пайғамбар келтирган нарсани олинглар ва қайтарган нарсадан қайтинглар“.  
[59:7]

﴿يَا أَيُّهَا النَّاسُ قَدْ جَاءَتُكُمْ مَوْعِظَةٌ مِّنْ رَبِّكُمْ وَشَفَاءٌ لِمَا فِي الصُّدُورِ﴾

– „Эй инсонлар, сизларга Парваридигорингиз томонидан панд-насиҳат, дилларингиздаги бузук эътиқодлардан иборат нарсаларга шифо (Куръон келди)“.  
[10:57]

﴿فَلَيَحْذِرِ الَّذِينَ يُخَالِقُونَ عَنْ أَمْرِهِ أَنْ تُصِيبَهُمْ فِتْنَةٌ أَوْ يُصِيبَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ﴾

– „(Пайғамбарнинг) амрига хилоф иши қиладиган кисалар ўзларига бирон фитна-кулфат етиб қолишидан ёки аламли азоб етишидан огоҳ бўлсинлар!“.  
[24:63]

﴿وَإِنْ احْكُمْ بَيْنَهُمْ إِمَّا أَنْزَلَ اللَّهُ﴾

– „(Эй Мұхаммад), улар ўртасида Оллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг!“.  
[5:49]

Мусулмонлар ва бошқаларнинг бу хукмларга амал қилишларини шахснинг тақвоси ва давлатнинг қонун чиқарувчилиги билан кафолатлади.

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَذَرُوا مَا بَقَى مِنَ الرِّبَا إِنْ كُنْتُمْ مُّؤْمِنِينَ﴾

– „Эй мўминлар, Оллоҳдан кўрқинглар ва агар чиндан мўмин бўлсанглар, судхўрлик сарқитларини тарк этинг. (Яъни одамларга берган қарзларингиздан чиқадиган фойдани олманг)“.  
[2:278]

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا تَدَآيْنُتُمْ بِذَيْنٍ إِلَى أَجَلٍ مُّسَمًّى فَأَكْتُبُوهُ﴾

– „Эй мўминлар, бир-бирларингиз билан белгиланган муддатга қарз муомаласини қилсангиз, ёзиб қўйинглар! Ораларингизда бир котибadolat билан ёзсин!“.  
[2:282]

﴿إِلَّا أَنْ تَكُونَ تِجَارَةً حَاضِرَةً ثُدِيرُونَهَا بَيْنَكُمْ فَلَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ إِلَّا تَكْتُبُوهَا﴾

– „Лекин агар (үртадаги муомаланғыз) ораларингизда юргизиб турған нақд савдо бўлса, уни ёзмасангиз-да, сизлар учун гуноҳ йўқдир“.  
[2:282]

Кўриниб турибдики, Ислом дини бу ҳукмларни қандай амалга оширишни ва бу ҳукмларга риоя қилиб бориш жавобгарлигини ҳам баён қилиб берди.

Демак, Исломдаги иқтисодий сиёсат муайян жамиятда яшайдиган инсон, деган эътиборда ҳар бир шахснинг эҳтиёжларини қондириш ҳамда эҳтиёжларини қондирувчи нарсаларни мухайё қилиш учун бойлик орттириш асосига курилган. У битта фикрга, яъни ишларни Оллоҳдан такво қилишга кўра ҳар бир шахс тарафидан бажариладиган, давлат тарафидан эса йўл-йўриқ ва қонунлар орқали изро қилинадиган шаръий ҳукмларга биноан бошқаришга асосланади.

### Умумий иқтисодий қоидалар

Иқтисодга тааллуқли шаръий ҳукмларни кўриб чиқишдан маълум бўладики, Ислом одамларга бойликдан фойдаланиш имконини бериш масаласини ҳал этган ва бу нарсани жамиятнинг иқтисодий муаммоси деб хисоблайди. У иқтисод борасида изланар экан, бойликка эгалик қилишни, унинг одамлар томонидан ишлатилишини ва одамларга тақсимланишини ўрганади. Шунга кўра, иқтисодга тааллуқли ҳукмлар учта қоидага асосланган бўлиб, улар: мулкчилик, мулкчиликни тасарруф қилиш, одамларга бойликни тақсимлашдан иборат.

Мулк Оллоҳникидир. Зеро, У барча мулкларнинг Эгасидир. Бу ҳақда хужжат ворид бўлган. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿وَأَتُوْهُمْ مِنْ مَالِ اللَّهِ الَّذِي آتَاكُمْ﴾

– „Уларга Оллоҳнинг сизларга ато этган молидан эҳсон қилинглар!“.  
[24:33]

Мулк ёлғиз Оллоҳникидир. Бироқ, Оллоҳ Таолоинсонни мулкка эгалиқда ўзига ўринбосар қилди ва уларни мулк билан таъминлаб, уларга мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини берди. Оллоҳ шундай дейди:

﴿وَأَنْفَقُوا مِمَّا جَعَلَكُمْ مُسْتَحْلِفِينَ فِيهِ﴾

– „У зот сизларни халифа қилиб қўйган нарсалардан эҳсон қилинглар!“.  
[57:7]

﴿وَيَعْدِدُكُمْ بِأَمْوَالٍ وَبَيْنَ﴾

– „Сизларга мол-дунё ва бола-чақада мадад берур“ [71:12]

Шу ерда кўрамизки, Оллоҳ мулкнинг асл эгасини баён қилаётган чоғида мулкни Ўзига нисбат беради ва дейдики:

﴿مَالَ اللَّهِ﴾

– „Оллоҳнинг моли“ [24:33]

ҳамда мулкни инсонларга ўтишини баён қилаётган чоғида уни одамларга нисбат беради ва дейдики:

﴿فَادْفَعُوا إِلَيْهِمْ أَمْوَالَهُمْ﴾

– „Уларнинг молларини ўзларига топширинг“, [4:6]

﴿لَهُذِّ مِنْ أَمْوَالِهِمْ﴾

– „Уларнинг молларидан ол...“, [9:103]

﴿فَلَكُمْ رُءُوسُ أَمْوَالِكُمْ﴾

– „Дастмоянгиз ўзингизгадир“, [2:279]

﴿وَأَمْوَالُ اقْتَرَفْتُمُوهَا﴾

– „Сизлар касб қилиб топган мол-дунёларингиз“, [9:24]

﴿وَمَا يُغْنِي عَنْهُ مَالُهُ﴾

– „Молу дунёси унга фойда бермас!“ [92:11]

Ноиб-халифа бўлиш ояти билан келган мулкчилик инсон фарзандларининг барчаси учун умумий бўлиб, бу орқали улар мулкка эгалик хукуқига эга бўлдилар, лекин бу ҳақиқий мулкчилик эмас. Улар мулкка эгалик қилишда ўринбосардирлар. Энди муайян шахснинг ҳақиқий мулкчилигига келсак, бу ерда Ислом шахснинг эгалик қилиши учун Оллоҳнинг рухсати бўлишини шарт қилди. Шунинг учун Оллоҳ эгалик қилиш учун рухсат берган кишигина мулкка эгалик қила олади. Бу рухсат шу шахснинг мулк эгаси бўлганининг далолати хисобланади. Демак, барча инсонларнинг мулкка эгалик қилишлари умумий истихлоф (ўринбосар қилиш) билан сабит бўлди ва мулкчиликнинг мавжудлигини ифодалади, муайян шахснинг бойликка эгалиги эса шахснинг мулкка эгалик қилиши ҳақидаги Шореънинг маҳсус рухсати билан амалга ошди.

Шариатнинг баён қилишича, шахсий мулкчилик мавжуд, ҳар бир шахс мулкка эга бўлиш сабабларининг бири орқали бойликка

эришиш хукуқига эга. Абу Довуд Самурадан, у эса Пайғамбар с.а.в.дан ривоят қиласы:

«مَنْ أَحَاطَ حَائِطًا عَلَىٰ أَرْضٍ فَهُوَ لَهُ»

**«Кимки бирор ерни девор билан ўраб олса, у ер унивидир».** Умматнинг барчаси учун умумий мулкчилик ҳам мавжуддир. Аҳмад муҳожирларнинг биридан ривоят қиласы. Пайғамбар с.а.в. дедилар:

«الْمُسْلِمُونَ شُرَكَاءُ فِي ثَلَاثٍ: فِي الْمَاءِ وَالْكَلَأِ وَالنَّارِ»

**«Мусулмонлар учта нарсада шерикдирлар: сувда, оловда, ўт-ўланда».** Давлат мулкчилиги ҳам мавжуд. Бирор мусулмон вафот этса-ю, унинг меросхўри бўлмаса, унинг мол-мулки байтулмолга ўтади. Хирож, жизя ва бошқа соликлар ҳам байтулмолникидир. Байтулмолдаги закотдан ташқари барча мол-мулк давлат мулки ҳисобланади. Давлат ўзи эгалик қиласидаги бойликни шаръий хукмларга кўра хоҳлаган жойига қўяди. Шариат шахс, уммат ва давлат эгалик қилиши мумкин бўлган сабабларни баён этиб берди, булардан бошқаларини таъқиқлади.

Мулкчилики тасарруф этишга келсак, умумий мулкни тасарруф этиш давлатга топширилди, чунки у уммат номидан иш юритади. Лекин Шореъ давлатни умумий мулкни айирбошлиш ёки мукофот қилиб беришдан қайтарди, булардан бошқа ҳолатларда шаръий хукмларга кўра ижозат берди. Энди давлат мулки ва шахсий мулкни тасарруф қилишга келсак, у байтулмолга оид хукмларда ва бай ёки гаровга қўйиш каби муомалаларга оид хукмларда аниқ баён қилинган. Шариат давлат ва шахсга ўз мулкларини Шариат хукмларига кўра совға қилиш, алмаштириш ва бундан бошқа йўллар орқали ишлатишга ижозат берди. Бойликни одамлар ўртасида тақсимлаш эса мулкка эгалик қилиш сабаблари ва битимларда амалга ошади. Бироқ одамларнинг куч-куватдаги ва эҳтиёжни қондиришдаги тафовутлари ўзаро бойликни тақсимлашнинг тафовутли бўлишига олиб келади ҳамда нотўғри тақсимлаш эҳтимоли вужудга келади. Бунинг натижасида бир гурӯҳда бойлик йигилиб, бошқа бир гурӯҳ ҳеч вақосиз қолиши кузатилади. Шунингдек, барқарор айирбошлиш воситаси, яъни тилла ва кумуш тўпланиб қолади. Шунинг учун Шариат бойликтининг фақатгина бойлар ўртасида эмас, барча одамлар ўртасида айланишини шарт қилди ҳамда закоти берилса ҳам тилла кумуш тўплашни ман қилди.

## **МУЛКЧИЛИКНИНГ ТУРЛАРИ**

### **Хусусий мулкчилик**

Ўз эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилиш инсонда фитрийдир. Табиийки, инсон эҳтиёжларини қондириш учун мол-мulkни қўлга киритишга ҳаракат қилади. Бу зарурий бўлиб, инсон ундан қочиб қутила олмайди. Шунинг учун бойликка эгалик қилиш инсоннинг фитратида мавжудлигидан ташқари қочиб қутилишнинг имкони йўқ бўлган зарурий ишдир. Шунга кўра, инсонни бойлик ортиришдан тўсиш ёки инсон қўлга киритадиган бойликни маълум миқдор билан чеклаб қўйиш инсон фитратига зид бўлиб, бундан қайтаришнинг имкони йўқ. Бироқ, инсонга мол-мulkни хоҳлаган йўли билан қўлга киритиш ва хоҳлаганича тасарруф қилиш эркинлиги берилса, бу эркинлик инсонни бош-бошдоқлик ва бузғунчиликка олиб боради, ёмонлик ва фасодни келтириб чиқаради. Бунинг сабаби шундаки, инсонларнинг куч-куввати ва талаб-эҳтиёжлари бир-бирлариникидан фарқ қилади. Инсонларни ўз ҳолига ташлаб қўйилса, бойлик зўравонлар қўлига ўтади, заифлар эса ундан маҳрум бўладилар. Натижада зўравонлар исрофга берилиб кетадилар, касал ва ночорлар эса ҳалокатга маҳкум бўладилар. Шунинг учун инсонлар бойликни қўлга киритиш йўлида бажарадиган амаллари барча инсонларнинг асосий эҳтиёжлари қондирилишини кафолатлайдиган ва бошқа эҳтиёжларни ҳам ҳисобга оладиган тарзда тартибга солинмоғи лозим. Демак, инсонларнинг куч-куввати, талаб-эҳтиёжлари хилмажил бўлишига қарамасдан, барча инсонларни қониқтирадиган, фитратга мос келадиган, яъни инсоннинг асосий эҳтиёжларини қондириш билан бир қаторда бошқа эҳтиёжларини ҳам инобатга оладиган низом бўлиши зарур. Бундан келиб чиқадики, мулкчилик муайян кайфият билан чекланмоғи лозим. Аммо мулкчиликни ман қилиш ёки муайян миқдор билан чеклаб қўйиш мумкин эмас. Зоро, бу инсон фитратига зиддир, чунки у инсон бойликни қўлга киритиш йўлида қиладиган ҳаракатларини чеклаб қўйиш ва мулкчилик эркинлигига қарши кураш ҳисобланади. Бунинг оқибатида инсонлар ўртасидаги алоқалар бузилади, бузғунчилик ва фасод кенг авж олади. Дарҳақиқат, Ислом хусусий мулкчиликка йўл очиб берди, унинг миқдорини эмас, факат кайфиятини чеклади, фитратга мос келадиган низом билан инсонлар ўртасидаги алоқаларни тартибга солди ва инсоннинг барча эҳтиёжларини тўғри қондирилишини кафолатлади.

## **Хусусий мулкчилик таърифи**

Хусусий мулкчилик «айн» (мавжуд белгили нарса) ёки манфаатга қаратилган шаръий ҳукм бўлиб, бирор нарсага эришган шахсга ўша нарсадан фойдаланиш ёки унинг ўрнига эваз олиш имкониятини беради. Масалан, нон эгаси нонни ейиш ёки пулга сотиш ҳуқуқига, ҳовли эгаси эса ҳовлида яшаш ёки уни сотиш имкониятига эга. Бу ўринда нон ҳам, ҳовли ҳам «айн» (мавжуд нарса) деб қаралади. Бу икки нарсадаги шаръий ҳукм эса инсонга Шореъ томонидан ўша нарсаларни истеъмол қилишга, улардан фойдаланишга ёки уларни бадал эвазига алмаштиришга берилган изнdir. Демак, Шореънинг изни нарса эгасига, яъни изн олган шахсга нондан еб, ҳовлидан яшаб фойдаланиш ёки уларни сотиш ҳуқуқини беради. Нонга нисбатан шаръий ҳукм мавжуд нарсанинг айнан ўзига қаратилган бўлиб, уни истеъмол қилиш изнини беради, ҳовлига нисбатан шаръий ҳукм эса манфаатга қаратилган бўлиб, ҳовлидан фойдаланиш ҳуқуқини беради. Демак, мулкчилик «айн» - мавжуд нарсадан фойдаланишга Шореъ томонидан берилган изнdir. Шунга биноан мулкка эга бўлиш ҳуқуқи ҳам, уни қўлга киритиш сабаблари ҳам факат Шореъ томонидан белгиланади. Демак, нарсага эга бўлиш ҳуқуки нарсанинг ўзидан ёки унинг табиати, яъни фойдали ёки фойдасизлигидан келиб чиқмайди, балки уни пайдо қилган нарса Шореънинг изнидир ва ба бу изнни нарсага эгалик қилишни мубоҳ қилувчи сабаб қилиб қўйганлигидир. Инсон шу изн сабабли нарсага шаръян эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Шунинг учун Шореъ айрим нарсаларга эга бўлишга изн берган бўлса, айримларидан қайтарди, айрим ақд (битим)ларни тузишга изн берган бўлса, айримларини ман этди. Масалан, Оллоҳ Таолоҳар бир мусулмонга ароқ ва тўнғиз гўшти каби нарсаларга эгалик қилишни таъкиқлади, Ислом давлатининг ҳар бир фуқаросига судхўрлик ёки қимор йўли билан топилган молга эга бўлишни ҳаром қилди. Шу билан бир қаторда Шореъ савдони ҳалол, рибони эса ҳаром қилди, шерикликка рухсат бериб, кооператив жамоалари, акциядорлик ва суғурта компанияларини ман этди.

Шариат мулкни қўлга киритиш ва унда тасарруф юритиш борасида маълум шартларни қўйди. Бу шартларга кўра, мулкчилик жамият манфаати доирасидан чиқмаслиги керак. Шариат бу шартларни белгилашда инсонга алоҳида шахс сифатида эмас, балки жамиятнинг ажралмас бўлаги ва муайян жамиятда яшайдиган инсон сифатида қараб, унинг манфаатини ҳам ҳисобга олади. Инсон эгалик қилган мулкдан фойдаланиш Шореънинг изни билан ҳосил бўлди, яъни эгалик аслида Шореъга хос бўлиб, уни ўзи томонидан

белгиланган шаръий сабабга биноан шахсга инъом этган. Демак, эгалик Шореънинг муайян жамоадаги бир шахсни маълум бир нарсага эга қилиши бўлиб, бусиз шахснинг нарсага эгалик қилишга ҳаққи бўлмайди.

Нарсага эгалик факат ундан олинадиган манфаатга эга бўлиш эмас, балки нарсанинг манфаати билан бирга унинг ўзига ҳам эгалик қилиш демақдир. Шунга кўра, мулкчиликнинг ҳақиқий маъноси «айн» - мавжуд нарсадан шариат кўрсатиб берган суратда фойдаланишдир.

Хусусий мулкчиликнинг бу таърифига асосланиб, қуйидаги нарсаларни тушуниш мумкин: Мулкка эга бўлишнинг шариат рухсат берган бир қанча сабаблари, бу мулкни тасарруф қилишнинг муайян ҳолатлари, мулкдан фойдаланишнинг муайян кайфияти бор. Шунингдек, шахсий мулкчилик ҳуқуқига тажовуз хисобланадиган ҳодисалар бор. Шундай қилиб, бу таърифдан Шореъ мубоҳ қилган эгаликнинг ҳақиқий маъносини ҳамда бу эгаликни қўлга киритишга ҳаракат қилишнинг ва эга бўлган нарсадан фойдаланишнинг маъносини тушуниб олиш мумкин, бошқача қилиб айтганда бу таъриф мулкчиликнинг ҳақиқий маъносига далолат қиласди.

### **Мулкчиликнинг маъноси**

Хусусий мулкчилик ҳуқуқи шахс учун шаръий ҳуқуқ бўлиб, у кўчма ва кўчмас мулкка эга бўлиши мумкин. Бу ҳуқуқ шариат қонунлари ва кўрсатмалари билан белгиланган ва кафолатлангандир. Мулкчилик ҳуқуқи шариат белгилаган молиявий қийматга эга манфаат бўлиши билан бирга, у шахсга ўзининг ихтиёрий ишларида ҳукмонлик ҳуқуқи берилгани каби, эга бўлган мулкида иш юритиши учун шу мулк устидан ҳукмонлик ҳуқуқи берилишини ҳам англатади. Шунинг учун мулкчилик ҳуқуқини чегаралаб қўйиш Оллоҳнинг буйруқ ва қайтариклари доирасидан четга чиқмаслик кераклигини англаймиз.

Мулкчиликнинг бундай чекланганлиги мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини берадиган шаръий сабабларда кўрингани каби ўғрилик, йўлтўсарлик ва босқинчилик каби жазо-уқубатга олиб борадиган ҳолатларда ҳамда бунинг акси бўлган вазиятларда ҳам ўз ифодасини топган. Шунингдек, мулкчиликнинг чеклаб қўйилгани мулкда тасарруф юритиш ҳуқуқида, тасарруф мубоҳ ёки ҳаром қилинган ҳолатларда, бу ҳолатларнинг таърифи ва баёнда намоён бўлади. Ислом мулкчиликнинг миқдорини эмас, факат кайфиятини чеклади. Буни қуйидаги ишларда яқол кўриш мумкин:

1. Ислом мулкни қўлга киритиш ва уни кўпайтириш сабабларини чеклаб, кўлга киритилган мулк миқдорини чекламади.

2. Мулкни тасарруф қилиш кайфиятини чеклади.
3. Хирожий ерларни шахслар учун мулк қилмасдан давлат мулкига айлантириди.
4. Айрим ҳолатларда хусусий мулкни инсоннинг ихтиёрига қарши равишда умумий мулкка айлантириди.
5. Ўз эҳтиёжларини қондиришга кодир бўлмаган шахсларга эҳтиёжларни қоплайдиган микдорда нафақа белгилади.

Бундан кўриниб турибиди, хусусий мулкчилик маъноси шахс учун ўз мулки устидан чегараланган, муайян кайфиятда ҳукмронлик қилиш ҳуқукини вужудга келтириш бўлиб, бу чегараланган, муайян кайфият мулкчиликни шахснинг шаръий ҳуқуқига айлантиради. Шариат хусусий мулкчилик ҳуқукини муҳофаза қилишни давлат зиммасига юклади ва хусусий мулкчилик ҳуқукини эъзозлаш, асраш ва тажовузлардан химоя қилишни вожиб қилди. Шунинг учун бу ҳуқуқни оёқости қилган ҳар бир шахс учун қаттиқ жазо чораларини белгилади. Ўғрилик, йўлтўсарлик ва бошқа ношаръий ишларга жазо белгилагани каби кишиларни ноконуний йўллар билан бойлик орттириш ва бирорларнинг мулкига кўз олайтиришдан тийиб қўядиган тарбиявий йўлланмаларни ҳам ишлаб чиқди. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мулкчилик деганда фақат ҳалол молга эга бўлиш тушунилиб, ҳаром мол эса мулк бўлмайди. Зоро, ҳаром молни мулк деб ҳисобланмайди ва унга мулкчилик маъноси тўғри келмайди.

## **МОЛГА ЭГА БЎЛИШ САБАБЛАРИ**

Қандай бўлмасин эгалик қилинадиган ҳар қандай нарса молмулкдир. Мол-мулкни кўлга киритиш сабабларидан мурод - шахс аввал эга бўлмаган мулкка уни эга қилган сабаблардир. Аммо молни бадал эвазига алмаштиришнинг барча турлари мулкни кўлга киритиш сабабларидан хисобланмайди, балки «айн» - мавжуд нарсага эга бўлиш сабабларидандир. Чунки у муайян мол эвазига бошқа молга эга бўлишдир. Зеро бу ўринда мол аслида инсоннинг мулки бўлиб, факат ундан айрим нарсаларни бошқа нарсага айирбошлиш (алмаштириш) содир бўлган, холос. Шунингдек тижорат фойдаси, ховли ижараси ёки дехқончилик ҳосили каби мулкнинг кўпайиш сабаблари ҳам мулкни кўлга киритиш воситаси ҳисобланмайди. Чунки бу нарсаларда, гарчи баъзи янги молга эга бўлинса ҳам, лекин бу янги мол бошқа молдан пайдо бўлган. Демак, бу нарсалар мулкка эга бўлиш сабаблари жумласига кирмайди, балки молни ўстириш, кўпайтириш сабабларидандир. Бу ўриндаги баҳс мавзуси эса мулкка эга бўлиш, бошқача айтганда аввалда мавжуд бўлмаган мулкни кўлга киритиш ҳақидадир. Мулкка эга бўлиш сабаблари билан мулкни кўпайтириш сабаблари ўртасидаги фарқ шуки, мулкка эга бўлиш аввал мавжуд бўлмаган молни, яъни молнинг аслини кўлга киритишидир, мулкни кўпайтириш, ўстириш эса аввалдан мавжуд ва инсоннинг мулки ҳисобланган молни кўпайтиришидир. Чунки бу холатда мол аввалдан мавжуд бўлиб, у факат кўпайтириб, ўстирилган бўлади, холос. Дарҳақиқат, шариатда мулкка эга бўлиш ва мулкни кўпайтиришнинг ҳар бирига тааллуқли шаръий ахкомлар баён қилинган. Шариатда савдо ва изжара ақд (битим)лари каби мулкни ўстиришга тааллуқли ахкомлар билан бирга ов ва музораба каби мулкка эга бўлишга тааллуқли ахкомлар ҳам мавжуд. Демак, мулкка эга бўлиш сабаблари аслни, яъни аввал мавжуд бўлмаган мол-мулкни кўлга киритиш воситаларидир. Мулкни ўстириш сабаблари эса мулкка эга бўлиш сабабларидан бири билан инсоннинг мулкига айланган ўша аслни (молни) кўпайтириш воситаларидир.

Мулкка эга бўлишнинг Шореъ томонидан белгиланган муайян сабаблари мавжуд, инсон улардан оғиши жоиз эмас. Бундан келиб чиқадики, мулкка эга бўлиш сабаблари шариат томонидан белгиланади. Мулкчиликнинг «айн-мавжуд нарса ёки манфаатга қаратилган шаръий ҳукм» дейилган таърифи мулкка эга бўлиш учун Шореънинг изни бўлишини тақозо этади. Демак, мулкни кўлга киритиш учун Шореъ изн берган сабаблар мавжуд бўлиши лозим.

Шунга биноан, шаръий сабаб топилсагина мулкка эга бўлинади. Аммо шаръий сабаб топилмаса, инсон молни амалда қўлга киритса-да, мулкка эга бўлган хисобланмайди. Чунки мулкка эгалик - Шореъ изн берган шаръий сабаб билан молни қўлга киритишдир. Дарҳақиқат, шариат мулкка эга бўлиш сабабларини муайян ҳолатлар билан чеклади ва бу сабаблардан келиб чиқадиган фуруот ва жузъий масалаларнинг ҳукмларини ҳам баён қилди. Шариат бу сабабларни куллый нарсалар билан иллатламагани учун уларга бошқа куллый иллатлар қиёсланмайди. Бунинг сабаби шуки, кейинги асрларда юзага келган эҳтиёжлар янги яратилаётган молларда акс этиб, муомалаларда эса асло янгилик бўлмайди, яъни янгилик алоқа тузумида эмас, балки алоқа мавзусида бўлади. Шунинг учун муомалаларни муайян ҳолатларга чеклаб қўйиш, яъни янги пайдо бўлган кўплаб эҳтиёжларга ҳамда мулкка мулклиги, меҳнатга меҳнатлиги сабабли мос келадиган муайян ҳолатларга чеклаб қўйиш лозим бўлади. Шунда хусусий мулкчилик инсон фитратига мос келадиган суратда чекланган бўлади ва бу мулкчиликни чекламай, жиловсиз қўйиб юбориш оқибатида юзага келадиган хатарлардан жамиятни асрайдиган асрайдиган суратда мулкчилк тартибиға солинган бўлади. Уйланиш «нав» гаризасининг бир кўриниши, ибодат эса «тадайон» гаризасининг кўринишларидан бири бўлгани каби, хусусий мулкчилик ҳам «бако» гаризасининг бир ифодасидир. Инсонга бу гаризаларни хоҳлаганича қондириш эрки бериб қўйилса, бу хукуқ инсонни баҳтсизлик, изтироб, гайритабиий ёки нотўғри қондиришларга олиб боради. Шунинг учун инсон эришадиган мол-мулкни муайян меъёрда чекламоқ лозим. Бу меъёр чекланмас эмас, одамлар қайси йўл билан бўлмасин мол-дунёни қўлга киритишга харакат қиласидилар. Бир ҳовуч шахслар мол-мулк орқали бутун уммат устидан ҳукмонлик қилиб, қолган жуда кўп одамлар эса ҳатто баъзи эҳтиёжларини қондиришдан ҳам маҳрум бўлиб қоладилар. Мол-мулк ортидан факат мол-мулк бўлганлиги учунгина қувилмаслиги лозим. Агар бундай бўладилар бўлса, инсон фаровон, хотиржам яшаш лаззатини тотмайдиган бўлиб қолади, мол-мулк, бойликлар одамларнинг қўлига тегмасдан, хазина ва омборларда босилиб ётаверади. Бундай бўлмаслиги учун мулкка эга бўлиш сабаблари чекланмоғи зарур.

Хусусий мулкчиликка тааллуқли шаръий аҳкомларни ўрганиб чиқсан, мулкка эга бўлиб сабаблари бештадан иборат эканлигини кўрамиз.

1. Меҳнат.

2. Мерос.
3. Яшаş учун мол-мулкка бўлган эҳтиёж.
4. Давлат ўз молларидан халқка бериши.
5. Шахслар мол ёки меҳнат сарфламай оладиган моллар.

## МУЛККА ЭГА БЎЛИШ САБАБЛАРИНИНГ БИРИНЧИСИ

### **Мехнат**

Қўзиқорин каби табиий мавжуд бўлган ёки нон ва машина каби инсоннинг меҳнат-ҳаракати билан вужудга келадиган молнинг ҳар қандай турига чуқур назар солинса, бу нарсаларни қўлга киритиш учун меҳнат килиш кераклиги кўзга ташланади.

Амал (мехнат) сўзи далолати кенг ва амал турлари, шакллари ҳар хил, натижалари турлича бўлғанлиги учун Шореъ амал калимасини умумлигича қолдирмади ҳамда амални умумий шаклда эмас, балки чекланган муайян шаклда кўрсатди ҳамда бу амалларни ва унинг турларини кўрсатишда молга эга бўлиш сабабларидан бирига ярайдиган нарсани баён қилиб ўтди. Шаръий ҳукмларни ўрганиб чиқишдан шу нарса ойдинлашадики, молга эга бўлиш учун куйидаги амал турлари сабаб бўлади:

1. Ўлик (қўрик) ерни тирилтириш.
2. Ер ости қазилмалари ёки ҳаводаги нарсаларни чикариб олиш.
3. Ов.
4. Даллоллик.
5. Музораба.
6. Мусокот.
7. Бошқалар учун ҳақ эвазига ишлаш.

### **Ўлик ерни тирилтириш**

Ўлик ер - эгаси бўлмаган, ҳеч ким фойдаланмайдиган ерdir. Тирилтириш деб, унга экин экиш ёки дараҳт ўтқазиш ёки бино куриш, бошқача ибора билан айтганда, тирилтиришни англатадиган ҳар қандай тарзда унга ишлов бериб, ундан фойдаланишдир. Шахснинг ерни тирилтириши ўша ерни унинг мулки қилиб қўяди. Расулуллоҳ с.а.в. айтганларки:

«مَنْ أَحْيَا أَرْضًا مِيتَةً فَهِيَ لَهُ»

**«Кимки ўлик ерни тирилтирса, ўша ер унивидир».** Бухорий Умардан ривоят қилган:

«مَنْ أَحَاطَ حَائِطًا عَلَى أَرْضٍ فَهِيَ لَهُ»

**«Кимки бирон ерон девор билан ўраб олса, у унивидир»** ва яна айтдиларки:

«مَنْ سَبَقَ إِلَى مَا لَمْ يَسْبِقْهُ إِلَيْهِ مُسْلِمٌ فَهُوَ لَهُ»

**«Кимки бирор муслим ундан олдин бормаган жойга олдин борса, ўша жой унивидир».** Бу ҳадисни Табароний «ал-Кабир» китобида ривоят қилди. Бу ҳадисларнинг умумийлигига биноан бу борада муслим билан зиммий ўртасида фарқ йўқ. Зиммий жой қилиб олган водийлар, чакалакзорлар ва тоғларнинг тепалари унинг мулки бўлиб, ундан уни тортиб олиш жоиз эмас экан, демак, ўлик ер унинг мулки бўлишга янада лойикдир. Бу ҳукм ҳар бир ерда - Дорул Исломда бўладими ёки Дорул ҳарбда бўладими ва ушрий ёки хирожий ерда бўладими, умумийдир. Лекин унга эга бўлиш шарти шуки, шу ерни олганидан кейин 3 йил мобайнида унга ишлов бериб ҳосил олиши ва ишлов бериб ерни шу тарзда тирилтириши давомли бўлиши керак. Шунинг учун агар олган вақтидан бошлаб 3 йил муддат давомида бу ерни ишлатмай ундан фойдаланмаса ёки кетмакет 3 йилгача ташлаб қўйса, у ерга эгадорлик хаққи бекор қилинади. Абу Юсуф «ал-Хирож» китобида Саид ибн Мусайибдан ушбуни ривоят қилди: Умар ибн Хаттоб деди: **«Ерни ташлаб қўювчининг уч йилдан кейин бу ерга эгалик хаққи қолмайди».** Байҳақийнинг «Сунан»ида эса Амр ибн Шуайбдан шундай ривоят қилинади: Умар 3 йил муддат ташлаб қўйишни ерни ташлаб қўйиш деб, ҳисоблашга буюрди. Шунинг учун агар ерни ташлаб қўйса, уч йил ўтгандан кейин бошқа бир одам бу ерни тирилтирса, унга эгалик қилишга хақлироқ бўлиб қолади. **Дарҳақиқат, Умар саҳобаларнинг кўз ўнгида бу гапни айтиб, шу гапга амал қилганлар ва саҳобалар унга эҳтиroz билдирамаганлар, демак бу ижмо бўлгандир.**

### **Ер остидаги нарсаларни чиқариб олиш**

Мехнат турларидан яна бири ер остидаги жамоат зарурратларидан ҳисобланмаган нарсаларни ковлаб олишдир. У рикоз дейилиб, фиқхий таъбир билан айтганда мусулмонлар оммасининг хақи бўлмаган нарсадир. Уни ковлаб олган одам  $\frac{4}{5}$  ига эга бўлиб,  $\frac{1}{5}$  или шу нарсанинг закоти қилиб беради. Агар жамоат заруратларидан, яъни мусулмонлар оммасига тегишли нарса бўлса, у умумий мулкка киради. Бу икковининг фарқи шундаки, агар инсон меҳнати билан ерга кўмилган ёки жамоат эҳтиёжини қопламайдиган даражада кам бўлса, у рикоздир. Аслида ер остида бор бўлиб, унга жамоат муҳтож бўлса, у рикоз эмас, умумий мулк бўлади. Агар бино ва бошқалар учун тош қазиб олинадиган тош конлари каби ўзи аслий, лекин унга жамоат эҳтиёжи тушмайдиган бўлса, у хусусий мулкка киради. Рикозга эга бўлиш ва  $\frac{1}{5}$  или закотга бериш ҳадиси шариф билан исботланган. Насоий Амр ибн Шуайбдан, у эса отаси орқали бобосидан ривоят қилиб айтиади: **«Расууллоҳ с.а.в.дан топилдиқ хақида сўралди. У киши:**

«سُلَيْلَ رَسُولُ اللَّهِ عَنِ الْقَطْطَةِ فَقَالَ: مَا كَانَ فِي طَرِيقٍ مَأْتَىً، أَوْ فِي قَرْبَةٍ عَامِرَةً فَعَرَفَهَا سَنَةً فَإِنَّ جَاءَ صَاحِبَهَا وَإِلَّا فَلَكُ، وَمَا لَمْ يَكُنْ فِي طَرِيقٍ مَأْتَىً وَلَا فِي قَرْبَةٍ عَامِرَةٍ فَفِيهِ وَفِي الرِّكَازِ الْخَمْسٌ»

Агар (одамлар) күп ўтадиган йўл ёки ахоли күп яшайдиган (шаҳар) қишлоқда бўлса, уни бир йил эхлон қил, эгаси келса келди, келмаса у сеники. Агар (одамлар) күп ўтадиган йўлда ва ахоли күп яшайдиган қишлоқда бўлмаса, унда ва рикозда  $\frac{1}{5}$ , дедилар». Ер остидаги нарсаларни қазиб олиш қаторига хаводаги кислород ва азотни ажратиб олиш ҳам, шунингдек, Оллоҳ Таоло яратиб, ундан фойдаланишга руҳсат берган ва шариат ҳалол қилган ҳамма нарсани қазиб, ковлаб олиш ҳам қўшилади.

### Ов

Меҳнат турларидан яна бири овдир. Масалан, балиқ, марварид, дур, булут (сув жонивори) ва шу каби денгиз ўлжаларини овлаган одам уларга эга бўлади. Худди парранда, ҳайвон ва шу каби куруклик ўлжаларидаги ҳолат каби, уларга ҳам овлаган одам эгалик қиласди. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿أَحِلٌ لَكُمْ صَيْدُ الْبَحْرِ وَطَعَامُهُ مَتَاعًا لَكُمْ وَلِلسيَارَةِ وَحُرُمٌ عَلَيْكُمْ صَيْدُ الْبَرِّ  
مَا دُمْتُمْ حُرُمًا﴾

– „Сизларга ўзингиз ва бошқа мусоифирлар фойдаланиши учун денгиз ови ва унинг емишлари ҳалол қилинди ва модомики, эхромда экансизлар, қуруқлик ови ҳаром қилинди“, [5:96]

﴿وَإِذَا حَلَّتُمْ فَاصْطَادُوا﴾  
– „(Эхромдан чиқиб) ҳалол бўлгач, ов қилаверинг“, [5:2]  
﴿يَسْأَلُونَكَ مَاذَا أَحِلٌ لَهُمْ قُلْ أَحِلٌ لَكُمُ الطَّيِّبَاتُ وَمَا عَلِمْتُمْ مِنَ الْجَوَارِ  
مُكَلِّبِينَ ثُعَلَمُونَهُنَّ مِمَّا عَلِمْتُكُمُ اللَّهُ فَكُلُوا مِمَّا أَمْسَكْنَ عَلَيْكُمْ وَادْكُرُوا اسْمَ اللَّهِ  
عَلَيْهِ﴾

– „(Эй Мұхаммад, мұмінлар) Сиздан ўзлари учун нималар ҳалол қилинганини сўрайдилар. Айтинг: «Сизлар учун барча покиза нарсалар ва яна сизлар қўлга ўргатган жониворларнинг (тутуби келтирган овлари) ҳалол қилинди. Бас, улар сизлар учун тутуби

келтирган нарсаларни еяверинглар ва (уларни овга күйиб юбораётганингизда) Оллоҳнинг номини зикр қилинглар!»“ [5:4] Абу Саълаба Ҳошаний ривоят қилиб айтади:

«أَتَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ فَقُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّ بِأَرْضِ صَيْدٍ، أَصِيدُ بِقُوَّسِيِّ، وَأَصِيدُ بِكَلْبِي الْمُعَلَّمِ، وَأَصِيدُ بِكَلْبِي الَّذِي لَيْسَ بِمُعَلَّمٍ، فَأَخْبَرْتُنِي مَاذَا يَصْلُحُ لِي؟ قَالَ: أَمَّا مَا ذَكَرْتَ إِنْكُمْ بِأَرْضِ صَيْدٍ فَمَا صِدْتَ بِقُوَّسَكَ وَذَكَرْتَ اسْمَ اللَّهِ عَلَيْهِ فَكُلْ، وَمَا صِدْتَ بِكَلْبِكَ الْمُعَلَّمَ وَذَكَرْتَ اسْمَ اللَّهِ عَلَيْهِ فَكُلْ، وَمَا صِدْتَ بِكَلْبِكَ الَّذِي لَيْسَ بِمُعَلَّمٍ فَأَذْكَرْتَ ذَكَاتَهُ فَكُلْ»

«Расулуллоҳ с.а.в.нинг олдилариға келиб: Эй Расулуллоҳ, бизлар ов қилинадиган ердамиз, камоним билан овлайман, ўргатилган итим билан овлайман ва ўргатилмаган итим билан овлайман. Менга қайси бири тўғрилигини айтинг, дедим. У киши: Сизлар ов ерида эканингизни айтдинг, Оллоҳни зикр қилиб камонинг билан овлаган нарсангни еявер, Оллоҳни зикр қилиб, ўргатилган итинг билан овлаган нарсангни еявер, ўргатилмаган итинг билан овлаган нарсангни шаръий сўйиб поклашга улгура олсанг еявер, дедилар». Насойи ва ибн Можа ривоят қилган.

#### Воситачилик ва даллоллик

Воситачи олди-сотдида ҳақ эвазига бирорга ишлайдиган (одам)нинг исми бўлиб, у даллолга ҳам тўғри келади, чунки у ҳам олди-сотдида ҳақ эвазига бирорга ишлайди. Воситачилик шаръий мулкка эга бўлинадиган меҳнат турларидан биридир. Абу Довуд Қайс ибн Абу Ғарза Кинонийдан ривоят қилди: «Расулуллоҳ с.а.в. давларида воситачилар деб аталар эдик. Оддимиздан Расулуллоҳ с.а.в. ўтиб қолиб ундан яхшироқ исм билан бизни номлаб дедилар:

«يَا مَعَشَرَ التُّجَارِ إِنَّ الْبَيْعَ يُحْضِرُ الْغَوْ وَالْحَلْفَ فَشُوُبُوهُ بِالصَّدَّقَةِ»

Эй савдогар (тижоратчи)лар жамоати, савдода бекорчи сўзлар ва қасам ичиш бўлиб туради. Уни садақа билан ўчиринглар». Бунинг маъноси шуки, молни жуда мақтаб ортиқча сўзларни ҳам гапириб юборади, гоҳида молини ўтказиш учун ўйламай қасам ичиб юборади, унинг изини (зарарини) кетказиш учун садақага тарғиб қилинади. Савдо-сотиқ (олди-сотди) учун ҳақ оладиган иши ё мол билан ёки муддат билан белгиланган бўлиши лозим. Бирорни фалон уйни ё фалон молни сотиб олиш ёки сотиб

бериш учун хизматга ёллаш мумкин, шунингдек, бир кун кечага унинг молини сотиб бериш ёки унга сотиб олиб бериш учун хизматга ёллаш ҳам мумкин. Лекин номаълум меҳнат учун хизматга олса бу нотўғри бўлади.

Баъзи ёлланган ишчи (хизматкор)ларнинг қиладиган ишлари воситачилик эмас. У шундан иборатки, тижоратчи иккинчи бир тижоратчидан мол сотиб олиш учун элчи қилиб ишчисини юборади, иккинчи тижоратчи эса ўзидан мол сотиб олгани учун бу ишчига пул беради, лекин бу пулни мол нархи-қийматидан, деб хисобламайди, балки бу пулни ишчи тижоратчидан даллоллик учун олинган ҳақ, деган эътиборда ўзига олиб қолади. Буни уларда «комиссион тўлов» деб аталади. Аслида эса бу воситачилик хисобланмайди. Чунки (ёлланган) шахс тижоратчининг вакли бўлиб, у шу тижоратчи учун мол сотиб оляпти. Демак, (мол) нархидан камайиб арzonлашгани элчиники эмас, балки шу молни сотиб олган тижоратчиникидир. Шунинг учун элчига бу ҳақни олиши ҳаром бўлади, чунки у уни элчи қилиб юборган тижоратчиникидир. Факат агар юборган одам бу ҳақдан кечиб юборсагина уни олиши мумкин. Шунингдек, агар хизматкори ёки дўстини нарса олиб келиш учун юборса ва сотовучи унга ҳақ берса, яъни ундан мол олгани эвазига ҳақ тўласа, уни (ўзига) олиши мумкин эмас, чунки у воситачилик бўлмай юборган одамнинг молини ўғирлашдир. Чунки бу ҳақ юборганники, сотиб олувчи элчиники эмас.

### **Музораба**

Музораба (шериклик) дегани икки киши бир тижоратда катнашиб, биридан мол, иккинчидан эса иш бўлмоғидир. Яъни, бир кишининг бадан-танаси, бошқа кишининг моли шерик бўлиб, биридан меҳнат, бошқасидан мол бўлади. Бири пул чиқариб, бошқаси уни ишлатиб, фойдаси ёки маълум миқдорига келишмоқлари (музораба бўлади). Масалан, бири минг сўм пул чиқаради, бошқаси шу пул билан иш қидади, фойда эса ўртада бўлади. Молни ишловчига бериб, уни ўз ҳолига қўйиш лозим, чунки музораба (шериклик) молни ишловчига топширилишини тақозо қиласди. Ишловчи мол эгасига фойданинг  $\frac{1}{3}$  ини ёки ярмини ва ёки ўзлари келишган миқдорни шарт қилиб қўйиши мумкин. Чунки ишловчи ўз меҳнати билан фойдага ҳақдорлиги сабабли ижара ҳақи ёки мусоқот масаласидаги меванинг бир қисми каби озми-кўпми, келишилган миқдори мумкин бўлади. Музораба ҳам шаръий йўл билан мулкка эга бўлинадиган меҳнат турларидан бири бўлиб, ишловчи ўз меҳнати билан топган тижорат фойдасидаги

молни келишувларига биноан олади. Музораба ширкат (шериклик) турларидан биридир. Чунки у бадан (яъни бир кишининг кўл кучи) ва мол шериклигидир. Шериклик эса шариат мумкинлигини айтиб ўтган муомалалар жумласига киради. Чунки Абу Хурайрадан шундай деганлиги ривоят қилинади: Расулуллоҳ с.а.в. айтдилар:

«إِنَّ اللَّهَ يَقُولُ: أَنَا ثَالِثُ الشَّرِيكَيْنِ، مَا لَمْ يَحْنُ أَحَدُهُمَا صَاحِبَةٌ، فَإِذَا خَانَهُ حَرَجْتُ مِنْ بَيْنِهِمَا»

«Оллоҳ Таоло: Мен бир-бирига хиёнат қилмаётган икки шерикнинг учинчисиман, агар бири иккинчисига хиёнат қилса, ораларидан чиқиб кетаман, деди». Бу ҳадисни Абу Довуд ривоят қилди. Доруктний ривоят қилган ҳадисда эса Расулуллоҳ с.а.в. шундай дедилар:

«يَدُ اللَّهِ عَلَى الشَّرِيكَيْنِ، مَا لَمْ يَحْنُ أَحَدُهُمَا صَاحِبَةٌ فَإِذَا خَانَهُ رَفَعَهَا عَنْهُمَا»

«Оллоҳнинг қўли икки шерик устидадир, модомики бир-бирига хиёнат қилишмаса. Агар бири шеригига хиёнат қилса, Оллоҳ улардан баракани кўтаради». Табароний эса «ал-Кабир» китобида ибн Аббосдан шундай деганлигини ривоят қилди: **Аббос ибн Абдулмуттоблиб** қачон музорабага мол берса, шеригига (ишловчига) бу мол билан денгизда юрмасликни, водий (дала)ларга тушмасликни (тўхтамасликни) ва молга тирик жонзотларни сотиб олмасликни, агар бу шартлар бузилса, тўлашни шарт қилиб қўяр эди. Унинг бундай шарт қўйиши тўғрисидаги хабар Расулуллоҳ с.а.в.га етиб борганда, у киши бунга ижозат бердилар. Саҳобалар ҳам - улардан Оллоҳ рози бўлсин - музорабанинг жоизлигига ижмоҳ қилганлар. Умар етимнинг молини музорабага берар эди. Унинг шундай қилганлиги ибн Аби Шайбанинг китобида айтилган. Усмон ҳам бир кишига музорабага мол берган. Музорабада иш қилувчи бирорвнинг моли билан иш юритиб ўзига мулк орттиради. Демак музораба иш қилувчига нисбатан меҳнат ва мулкка эга бўлиш сабабларидан биридир, лекин мол эгасига нисбатан бундай сабаб бўлмайди, балки мулкни ўстириб, кўпайтириш сабабларидан бири бўлади, холос.

### Мусоқот

Меҳнат турларидан яна бири мусоқот бўлиб, бир киши ўз дарахтини бошқа бир кишига мевасининг маълум қисми эвазига

суғориб ва бошқа керакли ишларни қилиб туриши учун бермогига айтилади. Бу сўз «сақо» сўзидан олинган бўлиб, «суғориш» маъносини билдиради. Чунки Ҳижоз (Арабистон ярим ороли) аҳли ўзлари эккан дараҳтлар суғоришга кўпроқ муҳтож бўлганлиги сабабли, уларни кудук сувлари билан суғоришар эди. Шунинг учун боғни парвариш қилиш шундай номланган. Мусоқот ҳам шариат ижозат берган меҳнатлар жумласига киради. Муслим Абдулоҳ ибн Умар ؑдан:

«عَامَلَ رَسُولُ اللَّهِ أَهْلَ حَيْبَرٍ بِشَطْرٍ مَا يَخْرُجُ مِنْهَا مِنْ ثَرِّ أَوْ زَرِّ»

«Расулulloҳ Ҳайбар аҳли билан у ердан чиқадиган мева ёки экиннинг ярмига (келишиб) муомала юритдилар» - деганини ривоят қилган. Мусоқот хурмо, мевали дараҳт ва узумда жоиз бўлади. Бунда ишчига бу мевалардан маълум микдор ажратиб берилади. Бу (хукм) факат меваси бор бўлган дараҳт ҳақидадир. Тол каби меваси бўлмаган ёки қарағай, кедр каби меваси кераксиз дараҳтларда мусоқот жоиз эмас. чунки мусоқот меванинг бир қисмига бўлади. Лекин (меваси бўлмаса ҳам) барги керак бўлган тут ва гул кабиларда мусоқот жоиз. Чунки у мева маъносида бўлиб, ҳар йили такрорланиб турадиган ўсишdir, уни олиш ва бир қисмига мусоқот қилиш мумкин. Бунда ҳам худди мевали дараҳтнинг хукми бўлади.

### Ишчи ёллаш

Ислом ишлайдиган ишчилар ёллашга рухсат берди. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿أَهُمْ يَقْسِمُونَ رَحْمَةَ رَبِّكَ نَحْنُ قَسْمَنَا بَيْنَهُمْ مَعِيشَتَهُمْ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَرَفَعْنَا﴾

﴿بَعْضَهُمْ فَوْقَ بَعْضٍ دَرَجَاتٍ لِيَتَّخِذَ بَعْضُهُمْ بَعْضاً سُخْرِيَّاً﴾

- „(Эй Мұхаммад) Парвардигорингизнинг раҳмати (пайғамбарлик)ни ўшалар тақсимлайдиларми?! Уларнинг ҳәёти дунёдаги мәшият-тирикчиликларини ҳам уларнинг ўзларида Биз Ўзимиз тақсимлаганмиз ва баъзилари баъзиларини қўл остига олиб (ишлатиши) учун айримларини айримларидан баланд дараҷа-мартабаларга кўтариб қўйганмиз“. [43:32]

Ибн Шихоб ривоят қилиб деди: Менга Урва ибн Зубайр мўминлар онаси Оиша розияллоҳу анҳонинг шундай деганлигини хабар берди:

«اسْتَأْجِرْ رَسُولُ اللَّهِ وَأَبُو بَكْرٍ رَجُلًا مِنْ بَنِي الَّذِيلِ هَادِيًّا خَرِيقًا وَهُوَ عَلَى دِينِ  
كُفَّارٍ قُرْيَشٍ فَدَفَعَا إِلَيْهِ رَاحِلَتَيْهِمَا، وَوَاعْدَاهُ غَارٌ شُورٌ بَعْدَ ثَلَاثَ لَيَالٍ  
بِرَاحِلَتَيْهِمَا صُبْحَ ثَلَاثٍ»

«Расулуллоҳ с.а.в. ва Абу Бакр бани Даил қабиласидан бир мохир йўл бошловчини ёлладилар. Ваҳоланки бу йўл бошловчи ўша пайтда Қурайш кофирлари динида эди. Икковлари унга уловларини топшириб, уч кундан кейин Савр горида тонгда учрашишни ваҳдалашдилар». Оллоҳ Таоло айтади:

﴿فَإِنْ أَرْضَعْنَ لَكُمْ فَاتُوهُنَّ أُجُورُهُنَّ﴾

– „Агар сизлар учун эмиссалар, у ҳолда уларнинг ҳақларини беринглар“.

[65:6]

Бухорий Абу Хурайрадан: Расулуллоҳ с.а.в.нинг:

«قَالَ اللَّهُ تَلَاهُتُهُ أَنَا حَصْمُهُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ رَجُلٌ أَعْطَى يِمْ غَدَرَ وَرَجُلٌ بَاعَ حُرَّاً  
فَأَكَلَ مَنْهُ وَرَجُلٌ اسْتَأْجَرَ أَجِيرًا فَاسْتَوْفَى مِنْهُ وَلَمْ يُعْطِهِ أَجْرَهُ»

«Оллоҳ Таоло: Уч киши бор, қиёмат куни мен уларнинг рақибиман: Мени номим билан эхсон бериб, кейин хиёнат ҳилган киши, озод одамни қуликка сотиб, пулинни еган киши, ишчи ёллаб, ишини битирғандан сўнг ҳақини бермаган киши, деди», - деганларини ривоят қилганлар. Ёллаш - ёлланувчи томонидан ёлловчига фойда келтириш, ёлловчи томонидан ёлланувчига мол (пул) беришдир. Демак, ёллаш бадал эвазига фойдага келишиб шартнома тузишдир. Ишчи ёллашдаги шартнома шу ишчи бажарадиган меҳнат келтирадиган фойдага ёки ишчининг ўзи келтирадиган фойдага тузилади. Агар шартнома меҳнат келтирадиган фойдага тузилган бўлса, келишув меҳнатдан келадиган фойда устида бўлган бўлади. Муайян ишларга ҳунарманд ва касб эгаларини ёллаш каби. Масалан, дурадгор, темирчи ва бўёқчиларни ёллаш каби. Энди агар шартнома шахс келтирадиган фойда устида тузилган бўлса, бу ҳолда шу шахс келтирадиган фойда инобатга олинниб, шартнома тузилган бўлади. Бунга мисол қилиб хизматкор ва ишчилар ёллашни келтириш мумкин. Бундай ёлланувчи одам ё факат бир шахс фойдасига маълум муддат меҳнат қилади, бунга дала, боғ ва ишхоналарда маълум ҳақ эвазига меҳнат қиладиган кишиларни ёки хукумат муассасаларида ишловчи давлат хизматчиларини мисол қилиш мумкин. Ёки ёлланувчи маълум ҳақ

эвазига ҳамма одамлар учун бир маълум меҳнатни қилиб беради, бунга дурадгор, тикувчи, косиб ва шунга ўхшаш кассб эгаларини мисол қилиш мумкин. Биринчи тоифадагиси маҳсус ёлланувчилар (яъни факат бир одамнинг ишини қилиб бериш учун ёлланган ишчи), иккинчиси эса муштарак ёки умумий (яъни ҳамма одамлар ишини қилиб бериш учун ёлланган) ишчи ҳисобланади.

## ЁЛЛАНУВЧИНИНГ ҚИЛАДИГАН ИШИ

### Ишни аник белгилаб қўйиш

Ёллаш - ёлланган нарсадан фойдаланишдир. Ёлланувчига нисбатан эса унинг куч-мехнатидан фойдаланишдир. Ишчини ёллашда қилинадиган ишни, муддатни, иш ҳаки ва сарфланадиган куч-мехнатни аник белгилаб қўйиш лозим. Иш номаълум бўлиб колмаслиги учун унинг турини аник баён қилиш ҳам лозим бўлади. Чунки номаълум ишга ёллаш фосид (нотўғри, ботил) ёллашдир. Иш муддатини ҳам кунлик, ойлик ёки йиллик қилиб аник белгилаб қўйиш ва ишчининг ҳақини ҳам аник белгилаб қўйиш лозим. Ибн Масъуддан Расулуллоҳ с.а.в.нинг:

«إِذَا إِسْتَأْجَرَ أَحَدُكُمْ أَجِيرًا فَلِيَعْلَمْهُ أَجْرَهُ»

«Агар бирортангиз ишчи ёлласа, унга ҳақини айтиб қўйсин», деганлари ривоят қилинган. Бу ҳадис «Канзул уммол» китобида Дорукутнийдан ривоят қилинган. Ишчи сарфлайдиган куч-мехнат ҳам аник белгиланиши лозим, ишчиларга фақат кучлари етадиган нарса юкланди. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا﴾

– „Оллоҳ ҳеч бир жонга тоқатидан ташқари нарсани юкламайди“.

[2:286]

Расулуллоҳ с.а.в. айтдилар:

«إِذَا أَمْرَتُكُمْ بِأَمْرٍ فَأَتُوا مِنْهُ مَا اسْتَطُعْتُمْ»

«Сизларга қачон бирор иш буюрсам, ундан кучингизгиз етганини бажаринглар» (Икки шайх Абу Хурайра орқали ривоят қилишган). Демак, ишчидан фақат одатда тоқати етадиган меҳнатнигина талаб қилиш мумкин. Сарфланадиган куч миқдорини бир ҳақиқий ўлчов билан аник ўлчашнинг имкони йўклиги учун иш соатларини белгилаб қўйиш бир кунда сарфланадиган кучни аниқлаш учун қулайроқ ўлчов бўлиб колди. Демак сарфланадиган кучни аниқлаш учун иш соатлари белгилаб қўйилади. Шу билан бирга қаттиқ ёки юшшок ер қазиши, темир болғалаш (темирдан нарса ясаш), тош кесиш, машина ҳайдаш, шахта-конда ишлаш каби меҳнат (иш) турини ҳам белгилаб қўйилади. Чунки иш тури ҳам қанча куч сарфланишини аниқлаб беради. Бу билан эса иш тури, муддати, ишга тўланадиган ҳақ ва сарфланадиган куч аниқланган бўлади. Шунга кўра демак, шариат ишчи ишлатишни ҳалол қилган пайтда ишнинг тури, муддати, тўланадиган ҳақ ва сарфланадиган

кучни белгилаб қўйишдек эҳтиёт чорасини ҳам кўриб қўйди. Ёлланган ишчи ўзи бажарган иши учун оладиган иш ҳаки унинг ўз кучи билан топган мулкидир.

### **Иш тури**

Ҳар бир ҳалол ишга ишчи ёллаш мумкин. Тижорат, дәхқончилик, саноат, хизматкорлик, вакиллик, рақибнинг жавобини етказиб туриш, хужжат (асос) топиб ҳокимга етказиш, хуқукини талаб қилиш, кишилар орасида ҳукм чиқариш (қозилик қилиш), қудук қазиш, қурилишда ишлаш, машина ёки самолёт ҳайдаш, китоб чоп қилиш, Куръон нусхаларини кўпайтириш (нусха олиш), йўловчилар ташиш ва бошқа ишларга ишчи ёллаш мумкин. Ишга ёллаш муайян иш учун ёки келишувда таърифланган иш учунгина бўлиши мумкин. Масалан, Холид Мухаммадни кийим тикишга ёки машина ҳайдашга ёлласа, ишчининг ўзи бу ишни бажариши вожиб, ўрнига бошқа бирорни бажартириши мутлако мумкин эмас. Агар касал бўлса ёки ишни бажаришга ожизлик қилиб қолса ҳам бирорга ҳавола этмайди. Чунки ишчи тайинланган. Агар кийим бузилса ёки машина ҳалокатга учраса, бошқа кийим ёки бошқа машинада ишни бажариш ишчига вожиб эмас, чунки иш тури белгилаб бўлинган. Аммо шартнома (келишув)да таърифланган нарса ижарага олинса ёки малакали ишчи муайян ёки ихтисослашган ишга ёлланса, у ҳолда ҳукм ўзгаради. Чунки бундай ҳолатда ишчи ишни ўзи бажариши ёки ўрнига бошқа бирорни тавсия этиши мумкин. Агар касал бўлса, ёки ишни бажаришга ожизлик қилиб қолса ўрнига уни бажарадиган кишини қўйиши вожиб. Шунингдек ёлловчи унга қайси машина ёки қайси кийимни келтириб берса - модомики бу нарсаларга шартномада кўрсатилган иш таърифи тўғри келадиган бўлса - ўша машинани ҳайдashi ёки ўша кийимни тикиши вожиб бўлади. Чунки нарсанинг зоти (ўзи) эмас, балки тури белгиланган. Зоти эмас, балки тури белгиланган ҳолатларда ихтиёр ёлловчига ўтиб, шартномада келишилган турдаги нарсанинг ўзидан хоҳлаганини олиб келиши мумкин. Иш турини белгилашда ишни қиласиган ишчини ҳам ҳисобга олинади. Унинг қанча куч сарфлашини аниқлаш учун шундай қилинади. Масалан, муҳандис, каби. Иш турини белгилашда қилинадиган иш ҳам ҳисобга олинади. Бу ишга сарфланадиган куч-мехнатни аниқлаш учун шундай қилинади. Масалан, қудук қазиш каби. Шунга кўра ишни таъриф-тавсиф қилиб, турини аниқ кўрсатиш унинг ўзини аниқ кўрсатиш кабидир. Шунинг учун ишнинг таъриф-тавсифини аниқлаб олишнинг ўзи кифоя қиласи ва ишнинг ўзи шартномада кўрсатилиши ҳам, кўрсатилмаслиги ҳам, ёлланувчи келишув

вақтида ҳозир бўлиши ёки бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, фалон муҳандисни ёллаб, ишга тайин қилишимиз жоиз бўлгани каби худди шундай сифатга эга бўлган бошқа бир муҳандисни ўзини кўрмай туриб ёллашимиз ҳам жоиз бўлади. Шунингдек фалон кўйлакни тикириш учун киши ёллашимиз жоиз бўлгани каби, шундай сифатга эга бошқа бир кўйлакни кўрмай туриб тикириш учун киши ёллашимиз ҳам жоиз бўлади.

Агар киши бирон ишга қабул қилинса, лекин у бу ишни бошқа ўзи оладиган ҳақдан арzonроққа бериб, қолган иш ҳақи унга фойдага колса жоиздир. У ўша бошқа одамга ёрдам берадими ёки йўқми бунинг фарқи йўқ. Чунки у бошқа одамни ўзи оладиган иш ҳақига teng ҳақ билан ёки озрок ё кўпроқ ҳақ билан шу ишга ёллаб ишлатиши жоиз бўлади. Шунга кўра демак дурадгорлар, тикувчилар ва уларга ўхшаш хунар эгаларининг ўзлари билан бирга ишчи ёллашлари, шунингдек пудратчи (шартнома тузувчи)ларнинг келишилган ишларни бажаришга ишчилар ёллашлари жоиздир. Бу ишчиларга ўзлари оладиган иш ҳақига teng микдорда ҳақ берадиларми ёки озрок ё кўпроқ ҳақ берадиларми, бунинг фарқи йўқ. Чунки бу ҳам ёллаш хисобланади Бунда муайян ишларга ёллаш бўладими ёки муайян муддатга бўладими, бунинг фарқи йўқ. Бу ҳам шариатда жоиз бўлган хусусий ишчи ёллаш турига киради.

Аммо ишчиларнинг иш ҳақидан олиб қолиш шарти билан ишчилар ёллаши ёки улар оладиган иш ҳақининг бир қисми хисобига улар устидан назоратчи кўйиши жоиз эмас. Чунки бу ҳолатда белгиланган ҳақнинг бир қисмини олиб қолган бўлади. Абу Довуд Абу Сайд Худрийдан Расулуллоҳ с.а.в.нинг шундай деганларини ривоят қиласди:

«إِيَّاكُمْ وَالْقِسَامَةَ. قَالَ: فَقُلْنَا: وَمَا الْقِسَامَةُ؟ قَالَ: الشَّيْءُ يَكُونُ بَيْنَ النَّاسِ

فَيَنْتَقِصُ مِنْهُ»

«Қисоматдан сакланинглар. (Абу Сайд) айтди: Биз: Қисомат нима? - дедик. Расулуллоҳ с.а.в. айтдилар: Одамлар орасидаги нарсани озайтириш». Ато Расулуллоҳ с.а.в.дан қилган бир ривоятда «Расулуллоҳ с.а.в. айтдилар:

«الرَّجُلُ يَكُونُ عَلَى الْفِئَامِ مِنَ النَّاسِ فَيَأْخُذُ مِنْ حَظٍ هَذَا وَحَظٍ هَذَا»

Киши одамлар орасида тақсимловчи бўлиб унинг ҳақидан, бунинг ҳақидан олиши бўлади, натижада унинг насибасидан ва бунинг насибасидан олади». Масалан, бир шахс билан шартнома тузган одам юзта ишчи олиб келиб, ҳар бир ишчига бир динордан

беришга келишиб олган бўлса, сўнг ишчиларга бир динордан озроқ берса, бу иш жоиз бўлмайди. Чунки келишиб, гаплашиб олинган миқдор ҳар бир ишчига белгиланган ҳақ ҳисобланиб, камайтиrsa уларнинг ҳақига хиёнат қилган бўлади. Аммо юзта ишчи олиб келишни гаплашиб бериладиган иш ҳақини айтмаса ва уларга келишиб гаплашилган пулдан камроқ ҳақ берса жоиз бўлади. Чунки бу пайтда уларнинг белгиланган иш ҳақидан камайтирган бўлмайди. Иш тури ҳеч қандай номаълумлик қолдирмайдиган даражада аниқ белгиланиши шарт. Шунда аниқ, маълум нарсага ёллаш бўлади. чунки номаълум нарса (иш)га ёллаш фосид (нотўғри, ботил) ёллаш бўлади. Масалан «бу сандиқларни Бузоа шаҳридан Мисргача олиб бориб беришинг учун ўн динорга сени ёллайман» деса бу тўғри ёллаш бўлади ёки «шу юкнинг ҳар тоннасини бир динордан юклаб берасан» деса ҳам дуруст бўлади ёки «тоннасини бир динордан юклаб берасан, ундан ортиғи ўша хисобда» деса ҳам жоиз бўлади. Шунингдек юкнинг ҳаммасини юклашни ирова қилганлигига далолат қиласиган ҳар қандай лафзни ишлатиши жоиз. Аммо «бу юқдан бир тоннани бир динордан юклаб берасан, ортиғи шу хисобда» деб «колганидан қанча юкласанг ҳам» деган маънони кўзда тутган бўлса дуруст бўлмайди. Чунки бунда юкнинг баъзи қисмига, яъни номаълум қисмига келишув тузилган бўлади. Аммо «ҳар бир тоннасини бир динордан ташиб берасан» деса тўғри бўлади. Шунингдек ҳар кубаметрига бир кирш (пиастр) тўлаш шарти билан сув чиқартириш учун ишчи ёллаш ҳам жоиз бўлади. Демак, ёллаш маълум, аниқ нарсага бўлиши шарт, агар номаълумлик аралашса дуруст эмас.

### **Иш муддати**

Кийим тикиш, бирор жойга машина ҳайдаб бориш каби баъзи ишларга ёлланган факат ёлланаётган ишини айтиш лозим, унда иш муддати (вақти) айтилмайди. Баъзи ишларга ёлланганда эса иш муддатинигина айтиш лозим, иш миқдори айтилмайди. Мисол учун, сени бир ойга кудуқ ёки ариқ қазишга ёлладим деса, иш миқдорини билдиришга эҳтиёж қолмай, ёлланган ишчи оз қазийдими ёки кўп қазийдими, ана шу муддат ичida қазиши лозим, номаълум ишга ёллаш эса жоиз бўлмайди. Баъзи ишларга ёлланганда эса иш муддати билан бирга ишни ҳам айтиш лозим, уй куриш, бензин (нефт) филтрлари ишлаб чиқариш ва шу каби ишларда. Муддати айтилмаса номаълум бўлиб қоладиган ҳар бир ишда муддати кўрсатилиши лозим. Чунки ёллаш аниқ бўлиши керак, баъзи ишларда муддатини айтмаслик уни номаълум қилиб қўяди. Номаълум ишга ёллаш эса жоиз бўлмайди. Агар бир йил ёки бир ой

каби маълум муддатга ёллаб келишилса, бу муддат тугамагунча иккала томон ҳам шартномани бузиши мумкин эмас. Агар тақорланиб турадиган муддатга, мисол учун, бир ишчини ҳар ойга 20 динордан ёлласа, ишчи ўша ишни бажариб туриши учун ҳар ойда шартнома тузилади. Ёллаш шартномасида муддат айтилиши лозим. Ёллаш муддати шартнома тузилган заҳоти бўлиши шарт эмас, балки Ражаб ойи учун Мухаррам ойида (Июл учун Январ ойида) шартнома тузиш мумкин. Агар шартномада муддат кўрсатилган бўлса ёки номаълумликни йўқотиш учун зарурат туфайли айтилса муддат вақтнинг бир бўллаги - йил, ой, хафта, соат, дақиқа ва шу кабилар билан белгиланиши шарт.

### Иш ҳақи

Ёллаш (ижара) ҳақи гувоҳлар олдида маълум қилиниши ва номаълумлик қолдирмайдиган тарзда сифатланиши ва таърифланиши шарт. Чунки Пайғамбар с.а.в. айтганлар:

«إِذَا اسْتَأْجَرَ أَحَدُكُمْ أَجِيرًا فَلْيَعْلَمْهُ أَجْرُهُ»

**«Бирортангиз ишчи ёлласа, унга ҳақини билдириб қўйсин».** Ёллаш ҳақи пул бўлиши ҳам мумкин, пулдан бошқа нарса бўлиши ҳам мумкин, мол бўлиши ҳам мумкин, манфаат (фойда) бўлиши ҳам мумкин. Нарх (бирор нарсанинг қиймати) бўлишга яроқли ҳамма нарса иш ҳақи бўла олади, у айнан молми ёки (фойда) манфаатми, барibir. Фақат маълум қилиниши шарт. Аммо иш ҳақи номаълум бўлса дуруст бўлмайди. Масалан, хосил ўрувчини хосилнинг номаълум қисмини беришга келишиб ёллаш номаълумлик бўлгани учун дуруст бўлмайди. Бунинг аксича, бир соъ ёки бир муддга (соҷиладиган нарсалар учун ўлчовлар) (келишиб) ёллаш мумкин. Ишчини едириб-кыйдириб хисобига ёки едириб-кыйдириш билан бирга унга ҳақ ҳам тайинлаб ёллаш мумкин. Чунки болани эмизувчи масаласи ҳам худди шундай. Оллоҳ Таоло айтади:

«وَعَلَى الْمُؤْلُودِ لَهُ رِزْقُهُنَّ وَكَسْوَتُهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ»

– „Оналарни яхшилик билан едириб-кыйдириши отанинг зими масидаadir“.

[2:233]

Улар эмизганлари учун нафака ва кийим белгиланади. Бундай қилиш эмизувчи масаласида мумкин экан, демак, бошқасида ҳам рухсат бор, чунки ҳаммаси ёллаш бўлиб, у ҳам ёллаш (ижара) масалаларининг биридир.

Хуллас, иш ҳақини тортишмасдан, тўлиқ бериш учун у номаълумлик қолдирмайдиган даражада аниқ бўлиши керак. Чунки аслида ҳамма келишувларда одамлар орасидаги тортишувларнинг

олди олинади. Шунинг учун ишга киришмасдан олдин пул (хак)ига келишиб олиш лозим, ишчи билан ҳақига келишмасдан туриб уни ишлатиш макрух. Бирон ишга ёллангач, келишув бўйича ишчи пул олишга ҳақли бўлади, лекин пулни фақат ишдан кейингина бериш вожиб. Расулуллоҳ с.а.в.нинг ҳадис кудсийдаги ушбу сўзларига кўра иш ҳақини иш битиши билан дарров бериш вожиб:

«لَّا إِلَهَ إِنَّا حَصْمُهُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، رَجُلٌ أَعْطَى بِي مُمْعَلًا عَدَرًا، وَرَجُلٌ بَاعَ حُرًّا فَأَكَلَهُ، وَرَجُلٌ اسْتَأْجَرَ أَجِيرًا فَاسْتَوْفَى مِنْهُ وَمَنْ يُعْطِهِ أَجْرَهُ»

«Уч киши бор, қиёмат куни мен уларнинг душманиман: Менинг номим билан эҳсон бериб кейин хиёнат қилган киши, озод одамни сотиб пулини еган киши, ишчи ёллаб ишини битиргандан кейин ҳақини бермаган киши». Бу ҳадисни Бухорий Абу Хурайрадан ривоят қилди. Аммо агар иш ҳақини кейинроқ бериш шарти қўйилса, уни ўша муддатгача олиб бориш мумкин. Агар иш ҳақини кунма-кун ёки ойма-ой ё ундан озроқ ё кўпроқ муддатда тўлаш шарт қилинса, келишувларига қараб ҳақ тўланади. Ёлловчи амалда тўла манфаат олиши шарт эмас, балки унга манфаат олиш имкони берилишининг ўзи иш ҳақини тўлашга мажбур қилиб қўяди. Масалан, уйида хизмат қилиши учун хос хизматкор ёлласа ва хизматкор ёлловчининг уйига келиб, унинг хизматига ўзини топширса, шу хизматкордан фойдаланиш имкони бўлган муддат ўтиши биланоқ унга иш ҳақини тўлаш лозим бўлади. Чунки шартномада гарчи бу хизматкор хизматидан фойдаланишга келишилиб, ёлловчи унинг хизматидан тўла фойдалана олмаган бўлса ҳам, лекин унга бу хизматдан фойдаланиш имкони берилишининг ва ишни ташкил этолмай фойдалана олмаганининг ўзи иш ҳақи тўлашга мажбур бўлиши учун етарли асос бўлади. Чунки ожизлик хизматкор тарафидан эмас, балки ёлловчи тарафидан юз берган. Аммо муштарак ёки умумий (яъни хизматидан кўпчилик фойдаланадиган ёлланма) ишчига келсак, агар у буюм, нарсани қилиб бериш бўйича бир муайян ишга ёлланса, то бу ишни қилиб, ёлловчига топширмагунча ишдан бўшамаган ҳисобланади. Масалан, ўз устахонасида бўйайдиган бўёқчи ва ўз дўконида тикадиган тикувчи каби. Бу бўёқчи ёки тикувчи килинган нарсани ёлловчига топширмагунча ишдан кутйлмайди ва топширмагунча иш ҳақига даъвогар ҳам бўлолмайди. Чунки келишилган нарса унинг қўлида турибди. Шунинг учун уни шартлашган ёлловчига топширмагунча ишдан кутйлмайди. Аммо агар ишни ёлловчининг қўл остида бажарса,

масалан ёлловчи уни кийим тикиб бериши ёки бўяб бериши учун ўз ҳовлисига олиб келса, бу ҳолатда ишни тугатиши биланоқ ишдан қутилади ва иш ҳақини олишга ҳақли бўлади. Чунки у ёлловчининг кўли остида иш қилди. Шунинг учун ишни битириши биланоқ уни топширган ҳисобланади.

### **Ишда сарфланадиган куч**

Ишчи ёллашда шартнома шу ишчи сарфлайдиган кучдан келадиган фойда эвазига тузилади ва иш ҳаки шу фойдага қараб белгиланади. Аммо сарфланадиган кучнинг ўзи иш ҳақининг ҳам, фойданинг ҳам ўлчови эмас. Агар шундай бўлганда эди тош йўнувчининг иш ҳаки муҳандиснидан кўп бўлур эди. Чунки тош йўнувчи муҳандисдан кўра кўпроқ куч сарфлайди. Шунга қарамай муҳандис ундан кўра кўпроқ ҳақ олади. Шунга кўра, демак, иш ҳаки сарфланадиган кучнинг эмас, балки фойданинг эвазига тўланади. Ишлар ҳар хил бўлгани учун уларга тўланадиган иш ҳақлари ҳам ҳар хил бўлади. Худди шунга ўхшаш битта ишнинг ўзида ҳам сарфланадиган кучнинг фарқига қараб эмас, балки келадиган фойданинг турига қараб иш ҳақлари ҳар хил бўлади. Иккала ҳолатда ҳам шартнома ишчи сарфлайдиган кучга қараб эмас, балки у келтирадиган фойдага қараб тузилади. Демак фақат фойда эътиборга олинади. Бу фойда бир қанча ишларни бажарадиган турли ишчилар келтирадиган фойдалар бўладими ёки битта ишни бажарадиган турли ишчилар келтирадиган фойдалар бўладими, бунинг фарқи йўқ. Сарфланадиган куч эса мутглақо эътиборга олинмайди. Тўғри, ишлардаги манфаат (фойда) сарфланган кучнинг самарасидир, албатта. Бунда бу куч бир қанча шахслар томонидан турли ишларга сарфланадими ёки битта ишга сарфланадими бунинг фарқи йўқ. Лекин бу ишларга куч сарфлашдан кўзланган мақсад - гарчи куч ҳисобга олинса ҳам - куч сарфлашнинг ўзи эмас, балки келадиган манфаат (фойда)дир. Шунинг учун масалан бир кишини қурувчиликка ёлласа ёллаш муддат ёки иш билан белгиланиши лозим. Энди агар иш билан белгиланса унда манфаат бинонинг ўрнини, узунлигини, кенглигини, бинога кетадиган материални ва ҳоказоларни баён қилганда кўзга ташланади. Агар муддат билан белгиланса унда манфаат одатда муддатга қараб ортади ёки камаяди. Демак, ишни таърифлаб-тавсифлаш ва муддатини айтиш манфаатнинг ўлчови бўлиб қолди. Энди агар ёллаш муддат билан белгиланса ёлланган ишчи ўзининг одатий токат-куватидан ортиқ ишламайди ва одатдан ташкари машаққатли ишга мажбурланмайди.

### **Ҳаром манфаатларга ёллаш хукми**

Ёллаш түгри (халол) бўлиши учун манфаат ҳалол бўлиши шарт. Манфаати ҳаром бўлган нарсага ишчи ёллаш мумкин эмас. Масалан, арок сотиб олган кимсанинг ароғини ташиб беришга, арок тайёрлаш ёки чўчқа ва ўлимтиклар ташиб беришга ишчи ёллаш жоиз бўлмайди. Термизий Анас ибн Моликдан ривоят қилади:

«لَعْنَ رَسُولِ اللَّهِ فِي الْحُمْرِ عَشَرَةً: عَاصِرَهَا، وَمُعْتَصِرَهَا، وَشَارِبَهَا، وَحَامِلَهَا، وَالْمَحْمُولَةُ إِلَيْهِ، وَسَاقِيَهَا، وَبَائِعَهَا، وَآكِلَّ تَنَّهَا، وَالْمُشْتَرَى هَا، وَالْمُشْتَرَأَةُ لَهُ»

«Расулуллоҳ с.а.в. ароқ ҳусусида ўн кишини лаҳнатладилар: тайёрлатувчини, тайёрловчини, ичувчини, ташувчини, буортмачини, қуиб берувчини, сотувчини, пулини еовчини, сотиб олувчини ва ким учун сотиб олинган бўлса ўшани». Шунингдек, рибо ишларига ҳам ёллаш ҳаром, чунки у ҳаром манфаатга ёллаш бўлиб, ибн Можа ибн Масъуд орқали

«أَللّٰهُ لَعْنَ آكِلَ الرِّبَا وَمُؤْكَلَهُ وَشَاهِدِيهِ وَكَاتِبِهِ»

«Пайғамбар с.а.в. рибони еовчини, едирувчини, гувоҳларини ва ёзувчини (котибни) лаҳнатладилар» деганларини ривоят қилган. Аммо банқ, пул зарб қилинадиган (чиқариладиган) жой, ҳисоб-китоб идоралари ва рибо билан иш юритадиган барча муассасаларда ишлайдиган ишчи-хизматчиларга келсак, бунда қаралади. Агар улар ёлланган иш рибо ишларидан бўлса мусулмон одамнинг бу ишда ишлаши ҳаромдир. Бунда рибо шу ишнинг бир ўзидан келиб чиқяптими ёки бошқа риболик ишларга қўшилиб келиб чиқяптими, бунинг фарқи йўқ. Бунга банк бошқарувчиси, ҳисобчилар, текширувчилар ва рибога боғлиқ манфаатга олиб борадиган барча ишлар киради. Бу ишлар рибога бевосита алоқадор бўладими ёки билvosita алоқадор бўладими, бунинг фарқи йўқ. Аммо қоровул, соқчи, фаррош ва шу каби рибога бевосита ҳам, билvosita ҳам алоқадор бўлмаган ишларга келсак, бундай ишларга ёлланиш жоиздир. Чунки бундай ишлар ҳалол фойдага ёлланиш бўлиб, рибони ёзиб турадиган котиб ва гувоҳларига тўғри келадиган хукм буларга тўғри келмайди. Рибо билан иш юритадиган хукумат хизматчилари ва банк ходимлари, масалан дехқонларга процент (фоизли) қарзлар етказиб бериш билан шуғулланадиган ходимлар, рибо ишлари билан шуғулланадиган молия ходимлари ва фоизли қарзлар берадиган етимхоналар ходимлари каби ишларнинг ҳаммаси ҳаром вазифа-ишлар бўлиб, бу

ишларда ишлаган одам гуноҳ қабира (жуда катта гуноҳ) қилган ҳисобланади. Чунки бу ишларга рибонинг котиби ёки гувоҳлари дидир, деган хукм тӯғри келади. Шундай қилиб, Оллоҳ Таолоҳаром қилган барча ишларга мусулмон одамнинг ёлланиши ҳаромдир.

Энди суғурта ширкатлари, хиссадорлик жамиятлари, кооператив ширкатлари ва шуларга ўхшаш фойдаси ҳаром бўлган ёки шерик бўлиш шариатда ботил, деб ҳисобланган ишларга келсак, мусулмон одамга бундай ботил ёки фосид (бузук) шартномаларни тузиш ёки шу шартномалардан келиб чиқадиган ишларни қилиш жоиз бўлмайди. Мусулмон одамнинг шаръий хукмга хилоф бўлган шартномани тузиши ёки шундай ишларни қилиши асло жоиз бўлмайди. Демак, бундай ишларга ёлланиши ҳаромдир. Бунга суғурта шартномаларини - гарчи ўзи қабул қилмаса ҳам - хатга туширувчи ёки суғурта шартларини келишиб олувчи ёки суғуртани қабул қилувчи ходимлар киради. Бунга яна кооператив ширкатларда сотилган нарсаларга қараб фойдани тақсимловчи ходимлар, ширкатлар акцияларини сотувчи ёки векселр (қимматбаҳо қофозлар) ҳисоб-китоби билан шуғулланувчи ходимлар, кооператив ширкатларг тарғиб-ташвиқ қилувчи ходимлар ва шуларга ўхшаш ишларни қилувчи ходимлар ҳам киради.

Аммо тузилган ширкатлардаги барча ходимларнинг қиладиган иши шариатда жоиз бўлган ишлардан бўлса, бундай ишда ишлашлари жоиздир. Энди агар ишлаш шариатда ўзи учун жоиз бўлмайдиган иш бўлса, бундай ишда ишлаши жоиз бўлмайди. Чунки бундай ишга ёлланиш жоиз эмас. Демак, қилиш ҳаром бўлган ишларга ёллаш ёки ёлланиш ҳаромдир.

### **Ғайримусулмонни ишга ёллаш хукми**

Ёлловчи ва ёлланувчи икковлари ёки бири мусулмон бўлишлари шарт эмас, чунки Расулуллоҳ с.а.в.нинг қилган ишларига биноан ва ҳар қандай ҳалол (мубоҳ) ишларда ҳамда киши ёллаб бажартириладиган давлат ишларида ғайримусулмонларни ёллашга қилинган саҳобалар ижмосига биноан мусулмон киши ғайримусулмонни ёллаши ҳар қандай ҳолда мумкин. Масалан, Расулуллоҳ с.а.в. бир яхудийни котибликка, яна бирини таржимонликка ёллаганлар. Бухорий ўзининг «Саҳиҳ»ида Расулуллоҳ с.а.в.нинг бир мушрикни йўл бошловчиликка ёллаганлари тўғрисидаги ривоятни келтирган. Абу Бақр ва Умар насронийларни мол ҳисоблашга ёллашган. Мусулмон киши ғайримусулмонни ёллаши ҳалол бўлгани каби, мусулмон киши

ғайримусулмонга ҳаром бўлмаган ишларда ёлланиши ҳам мумкин. Аммо қилинадиган иш ҳаром бўлса, ёлловчи мусулмон ёки ғайримусулмон бўлса ҳам мумкин эмас. Шунга кўра, демак, мусулмон одам насронийга ишга ёлланиши мумкин, бу мусулмонни хорлаш учун кофир қўлига қарам қилиб қўйиш эмас, балки бирорга ёлланиш, холос. Бу масалаларда ёлловчи ёки ёлланувчи мусулмон бўлиши шарт эмас. Масалан, Термизийнинг ривоят қилишича, Али ؑ яхудийга ёлланиб, бир чекак сувни битта хурмо эвазига қўйиб берардилар, буни Расулуллоҳ с.а.в.га айтганларида ундан қайтармаганлар, чунки бу бирор нарса эвазига шартлашиш бўлиб, мусулмонни хорлайдиган жойи йўқ. Аммо имомлик, азон айтиш, ҳаж қилиш, закотни бериш, Куръон ва ҳадис ўргатиш каби Оллоҳга яқинлашиладиган ишларда ишчи мусулмон бўлиши шарт. Чунки бу амалда факат мусулмон томонидангина бажарилиши мумкин, шу сабабли бу ишларни бажаришга факат мусулмон томонидан бажарилади. Агар Оллоҳга яқинлашиладиган ишлар ғайримусулмон томонидан бажарилиши мумкин бўлса, уларни бажаришга ғайримусулмонларни ҳам ёлланади. Хулоса қилиб айтганда, ёлловчи наздида Оллоҳга яқинлаштирувчи ҳисобланадиган, ёлланувчи наздида эса бундай ҳисобланмайдиган ишларда қаралади, агар бу ишлар факат мусулмон одам бажариши лозим бўлган ишлар бўлса, масалан қозилик каби, бундай ишларга ғайримусулмонни ёллаш асло жоиз бўлмайди. Энди агар ғайримусулмонни ҳам ёллаш жоиз бўладиган иш бўлса, масалан жанг қилишга ёллаш каби, у холда бу ишни қилдиришишга ғайримусулмонни ёллаш жоиз бўлади. Масалан, зиммийни (мусулмонлар ҳимоясидаги христиан ёки яхудийни) жангчиликка ёллаб унга байтулмолдан ҳақ тўлаш жоиздир.

### **Ибодат ва умумий манфаатларга ёллаш**

Ёллаш (ижара)га «бир нарса эвазига манфаат олиш тўғрисида тузилган битим», деб таъриф берилди ва бу манфаатнинг ёлловчи тўлиқ фойда олиши мумкин бўлган нарсадан бўлиши шарт қилинди. Бу таъриф ва шарт ҳодисаларга татбиқ қилинар экан, ёлловчи ёлланувчидан тўлиқ фойдаланиши мумкин бўлган барча манфаат тўғрисида ёллаш жоиз эканлигини кўрсатади. Бу манфаат хизматкорнинг хизмати каби шахс келтирадиган манфаат бўладими ёки ҳунарманднинг хунари каби меҳнат келтирадиган манфаат бўладими, бунинг фарқи йўқ. Модомики, ана шу манфаатдан қайтарадиган бирон шаръий далил келмаса, манфаат олишга ёллаш жоиздир. Чунки нарсалардаги асл-асос мубоҳликдир (яъни нарсалар

аслида мубоҳдир), манфаат эса, ана шу нарсаларнинг биридир. Шунинг учун «бу бир битим ёки муомаладир, шунинг учун манфаатдаги таяниладиган асл-асос мубоҳлик эмас, балки чекланган доирада иш юритишдир» дейиш ноўриндир. Чунки битимнинг ўзи манфаат эмас, балки ёллашдир, манфаат эса устида муомала юритилаётган нарсадир. Битим шу манфаатни олиш бўйича тузилади. Шунинг учун манфаатнинг ўзи муомала ҳам ёки битим-шартнома ҳам эмас. Шунга кўра ман қилинмаган барча манфаатлар бўйича ёллаш жоиздир. Бу манфаатларнинг жоизлиги тўғрисида бирон насс (далил) келганми ёки йўкми, бунинг фарки йўқ. Модомики, нахий қилинмаган бўлса, улар бўйича ёллаш жоиздир. Масалан, киши маълум сахифаларни маълум ҳақ эвазига ёзув машинкасида ёзид бериши учун бир кишини ёки аёлни ёллаши жоиз бўлади. Чунки бу нарса нахий-ман қилинмаган манфаатга ёллашдир. Демак, гарчи бу манфаатнинг жоизлиги тўғрисида бирон насс (далил) келмаган бўлса ҳам, унга ёллаш жоиздир. Маълум муддатда бажариладиган маълум ишга тарозибон ва ўлчаб берувчини ёллаш жоиз. Бунга далил Сувайд ибн Қайс ривоят қилган ушбу ҳадисдир: Расулуллоҳ с.а.в. юриб келиб биз билан савдолашдилар ва у кишига нарсани сотдик, шу ерда бир киши пулга тарозида тортиб берадиган эди, Расулуллоҳ с.а.в. унга:

### «زْنْ وَأَرْجُحُّ»

**«Ўлчагин ва оғир қил»,** дедилар. Абу Довуд ривоят қилган. Демак, бундай ёллаш жоиз, чунки унинг жоизлигига далил келди. Аммо ибодатларга келсак, фарз ёки нафл ибодатлар бўлишидан қатъий назар, уларда қаралади. Агар ибодат ўзи учун ҳаж қилиш ёки ўзининг закотини бериш каби факат қилувчисининг ўзигагина фойдаси тегадиган ибодат бўлса, бу ибодатга ҳақ олиши жоиз бўлмайди. Чунки ҳақ манфаат эвазига берилади. Бу ўринда эса бошқа одамга манфаат ҳосил бўлгани йўқ. Демак, шу сабабга кўра, бу ибодатлари учун ҳақ олиши жоиз эмас. Чунки бу ибодатлар унинг зиммасидаги фарздир. Аммо агар ибодатнинг фойдаси қилувчидан бошқа одамга ҳам тегча, у ҳолда бу ибодати учун ҳақ олиши жоиз бўлади. Бунга масалан бошқалар учун аzon айтиб бериш, имомлик қилиб бериш кабилар ёки вафот этган одами учун ҳаж қилиб беришга ё шу вафот этган одами номидан закотни адо қилишга бирорни ёллаш кабилар киради. Чунки буларнинг ҳаммаси ҳақ бериш эвазига манфаат олиш тўғрисидаги битим бўлганлиги учун жоиздир. Бундаги бериладиган ҳақ манфаат эвазига берилаётган ҳақдир. Бошқа одам манфаат олаётганлиги учун ёллаш

жоиз бўлди. Аммо Термизий Усмон ибн Абул Осдан ривоят қилган ушбу:

«إِنَّ مِنْ آخِرِ مَا عَهَدَ إِلَيَّ النَّبِيُّ أَنَّ أَخْدَمُؤْذَنًا لَا يَأْخُذُ عَلَى أَذَانِهِ أَجْرًا»

**«Набий с.а.в.нинг менга топширган охириги топшириқлари азонига ҳақ олмайдиган муazzин олмоғим ҳақида бўлди», деган ҳадисга келсақ, Расууллоҳ с.а.в. бу ҳадисда ҳақ оладиган муazzинни ўзига муazzин қилиб олишдан қайтардилар, лекин муazzинни ҳақ олишдан қайтармадилар. Бу ҳадис ҳақ оладиган ва ҳақ олмайдиган муazzинлар борлигига далолат қиляпти. Пайғамбаримиз ҳақ оладиган муazzинни ёллашдан Усмон ибн Абул Осни қайтардилар. Бу қайтаришларида аzonга ҳақ олишдан нафратлантириш (чўчишиб узоклатиш) мазмуни ётибди. Бу эса аzonга ҳақ олишнинг макрухлигини англаради. Лекин аzonга ёллашнинг ҳаромлигига далолат килмайди, балки ёллаш жоиз эканлигига, фақат унинг макрухлигига далолат қиласди, холос.**

Таълим масаласида эса, киши фарзандларига ёки ўзига таълим берадиган муаллимни ёллаши мумкин. Чунки таълим мубоҳ (ҳалол) манфаат бўлиб, унинг эвазига ҳақ олиши жоиздир. Демак, таълим беришга ёллаш жоиз. Шунинг учун Шариат Қуръондан таълим бериш эвазига ҳақ олишга ижозат берди. Демак, Қуръондан бошқа нарсани ўргатгани учун ҳақ олиш ҳам мумкин бўлади. Бухорий ибн Аббосдан Расууллоҳ с.а.в.:

«أَحَقُّ مَا أَخْدُمُ عَلَيْهِ أَجْرًا كِتَابُ اللَّهِ»

**«Ҳақ олишингизга энг лойиқ (ҳақли) нарса, Оллоҳнинг китобидир», деганларини ривоят қилган. Ривоят қилинишича, Расууллоҳ с.а.в. бир аёлни бир эркакка Қуръонни ўргатиш эвазига никоҳлаб қўйганлар. Буни Бухорий Саҳл ибн Саъд Саидийдан ривоят қилган. Саҳобалар таълим бергани учун байтулмолдан маош олиш мумкинлигига ижмо қилганлар, демак, таълим бергани учун ҳақ олиш мумкин. Ибн Абу Шайба орқали Садқа Дамашқийдан Вазийя ибн Ато: **Мадинада учта муаллим бўлиб, гўдакларни ўқитишар, Умар ибн Хаттоб ҳар ойда ўн беш динордан уларга маош бериб турарди**, деганини ривоят қилган. Буларнинг ҳаммаси таълим бериб ҳақ олиш жоизлигига далолат қиласди. Аммо бу тўғрида нахий қилиб келган ҳадисларга келсақ, бу ҳадисларнинг ҳаммаси Қуръонни таълим беришга ёллашдан қайтариш тўғрисида эмас, балки уни таълим беришга ҳақ олишдан қайтариш тўғрисида келган. Шунинг учун бу ҳадисларнинг ҳаммаси Қуръон ўрганиш учун муаллим ёллаш ҳаромлигига эмас, балки уни таълим**

берганлиги учун ҳақ олишнинг макрухлигига далолат қиласди. Ҳақ олишнинг макрухлиги эса ёллашнинг жоизлигини бекор қилмайди. Демак, Қуръонни таълим берганлиги учун ҳақ олиш макрух бўлиб, шу билан бирга таълим учун муаллим ёллаш жоиздир.

Табиб (врач) ёллашга келсак, у ҳам жоиз. Чунки у ёлловчи тўла олиши мумкин бўлган манфаатdir. Лекин тузалиб кетишни шарт қилиб ёллаш жоиз бўлмайди. Чунки бундай ёллаш номаълум нарсага ёллашдир. Кўриб, текшириб қўйиш учун табиб ёллаш жоиздир. Чунки унда маълум манфаат бор. Маълум кунларда хизмат қилиши учун ҳам табиб ёллаш жоиз. Чунки у аниқ белгиланган ишдир. Парваришлиб, даволаши учун табиб ёллаш жоиз. Чунки унинг парваришилаши аниқ, маълум нарса бўлиб, бунда ҳеч қандай номаълумлик қолмайди. Ҳатто табиб касаллик турини билмаса ҳам жоиздир. Чунки у ёлловчининг касал эканлигини билса, шунинг ўзи кифоядир. Табобат ёлловчи тўла олиши мумкин бўлган манфаат бўлгани учун ҳам табиб жоиз бўлди. Демак, унга ҳақ олиш ҳам жоиздир. Унинг жоизлигига яна бир далил Пайғамбар с.а.в.дан ривоят қилинган, табобатга ёллаш жоизлигига далолат қилувчи ушбу ҳадисдир. Бухорий Анасадан шундай деганлигини ривоят қилди:

«إِخْتَاجَ رَسُولُ اللَّهِ فَحَجَمَهُ أَبُو طَيْبَةَ وَأَعْطَاهُ صَاعِينَ مِنْ طَعَامٍ وَكَلَمَ مَوَالِيهِ  
فَحَقَّفُوا عَنْهُ»

«Расулуллоҳ с.а.в. қон олдиридилар. Абу Тайба қон олди. Пайғамбаримиз унга икки соҳ таом бердилар ва унинг эгалари билан гаплашдилар. Шундан сўнг улар Абу Тайбанинг ишини енгиллаштиришди». Ўша замонда қон олдириш даволаниш услубларидан бири эди. Демак, қон олганлиги учун ҳақ олиш табиб ёллашнинг жоизлигига хужжатдир. Аммо Термизий Рофиъ ибн Хадиждан ривоят килган

«كَسْبُ الْحَجَامِ حَيْثُ»

«Қон олувчининг касби ёқимсиз касбдир», деган ҳадисдаги Пайғамбар с.а.в.нинг сўзларига келсак, бу ҳадис қон олувчини ёллаш ман қилинганига эмас, балки қон олишни касб қилиб олишнинг мубоҳ бўлиши билан биргаликда, макрух эканлигига ҳам далолат қиласди. Бунга Пайғамбар с.а.в.:

«سَمَّى الشَّوْمَ وَالْبَصَلَ حَيْثِيْنِ مَعَ إِبَا حَتِّهِمَا»

**«Саримсоқ ва пиёз ҳалол бўлиши билан бирга уларни ёкимсиз, деб атадилар»,** деган ҳадис далилдир. Буни Муслим Маъдан ибн Абу Талҳадан ривоят қилган. Бу хукмларнинг ҳаммаси манфаати хос бўлган (яъни фойдаси айрим одамгагина тегадиган) ёлланувчи (ишчи) ҳақида эди.

Аммо фойдаси умумий бўлган (омма ҳалқа тегадиган) ёлланма ишчиларга келсак, уларнинг хизматлари давлат одамларга тўлиқ таъминлаб бериши лозим бўлган манфаатлардан бири ҳисобланади. Чунки қайси манфаатнинг фойдаси айрим шахсларнинг ўзигагина тегмасдан, балки жамоатчиликка ҳам тегадиган бўлса ва жамоатчилик унга эҳтиёж сезса, бу манфаат омма манфаатларидан ҳисобланиб, давлат ҳамма одамларга уни тўла таъминлаб бериш учун байтулмолдан сарфлаши лозим бўлади. Бунга масалан, амирнинг одамлар ўртасида қозилик қиласига кишиларни ёллаш, муаззинлар ва имомларни ёллаш кабилар киради. Давлат ҳамма одамларга хизмат қилувчи кишиларни ёллаб бериши вожиб бўлган соҳаларга таълим ва медицина (табобат) ҳам киради. Энди таълим соҳасига келсак, саҳобалар муаллимларга байтулмолдан маълум миқдорда иш ҳақи ажратиб беришга ижмо қилганлар. **Расулуллоҳ с.а.в.нинг коғир асиrlарга асиrlикдан ҳалос бўлиш учун ўлжа сифатида тўлов тўлаш ўрнига мусулмонлар фарзандларидан ўнтасига таҳлим беришни шарт қилиб қўйишлари ҳам бунга яна бир далилдир.** Ваҳоланки ўлжа сифатида тўланадиган ўша тўлов барча мусулмонларнинг мулки эди. Аммо медицина (табобат) соҳасига келсак, **Расулуллоҳ с.а.в.га бир табиб ҳадя этилган пайтда, пайғамбаримиз уни барча мусулмонлар хизматига қўйган эдилар.** Демак, Расулуллоҳ с.а.в.нинг ўзига келган ҳадядан фақат ўзларигина фойдаланмай ва ўзигагина олиб қолмай барча мусулмонлар фойдаланиши учун беришлари бу ҳадя фақат ўзи учун эмас, балки мусулмонлар оммаси учун эканлигига далилдир. Чунки Расулуллоҳ с.а.в.га бирон ҳадя келиб, уни мусулмонлар оммаси хизматига қўйсалар, бу ҳадя мусулмонлар оммасига тегишли нарса бўлади. Шунга кўра, демак, табиб (врач) ва муаллимларга байтулмолдан маош ажратилади. Шунинг учун, гарчи шахс ўзига табиб ёки муаллим ёллаши жоиз бўлса ҳам, бирор давлат барча фуқароларга медицина ва таълим хизматини тўла таъминлаб бериши лозим. Бу тўғрида мусулмон билан зиммий, бой билан камбағал ўртасида фарқ йўқ. Чунки бу аzon айтиш ва қозилик каби фойдаси барчага тегадиган ва одамлар муҳтоҷ бўлган ишлардан ҳисобланади. Демак, бу ишлар омма манфаатларидан ва давлат

фукароларга таъминлаб бериши лозим бўлган ишлардан бўлиб, бу ишларга байтулмоддан ҳақ тўланиши лозим.

### Ёлланма ишчи ўзи ким?

Ислом шариати ишчи (ёлланувчи) деганда ҳақ эвазига ишлайдиган ҳар бир кишини назарда тутади, ёлловчи бир киши бўладими, жамоат ёки давлат бўладими, фарқи йўқ. Демак, ишчи деган сўз ҳар қандай соҳада ишлайдиган ишчини ўз ичига олади, шаръий ҳукмда давлат ишчиси билан бошқалар ишчисининг орасида фарқ йўқ. Давлат ходими (ишчиси), жамоат ходими ва бир шахснинг ходими буларнинг ҳаммаси ишчи ва уларга иш аҳкомлари татбиқ этилади, яъни уларнинг ҳар бири ёлланувчи ва уларга ёллаш аҳкомлари кўлланилади. Масалан, дехқон - ёлланувчи, хизматкор - ёлланувчи, завон ишчилари - ёлланувчилар, тижоратчиларнинг котиблари - ёлланувчилар, давлат ходимлари - ёлланувчилар ва уларнинг ҳар бири ишчидир. Чунки ижара (ёллаш) шартномаси ёки нарсалардан фойдаланиш ёки иш келтирадиган манфаат ёки шахс келтирадиган манфаат тўғрисида тузилади. Агар шартнома нарсалардан фойдаланиш тўғрисида тузилган бўлса, ёлланувчи мавзусининг бунга ҳеч қандай дахли йўқ бўлмайди. Чунки ёлланувчининг бунга ҳеч бир алоқаси йўқ. Энди агар шартнома хунармандлар ва усталарни муайян ишларга ёллаш каби иш-мехнат келтирадиган фойда ёки хизматкорлар ва ишчилар ёллаш каби шахс келтирадиган фойда тўғрисида тузилган бўлса, у холда бу шартнома ёлланувчига таалкукли бўлади.

### Иш ҳақини белгилаш асоси

Ёллаш - бир нарса эвазига манфаат олиш тўғрисидаги келишув (шартнома)дир. Ёллаш шартномаси тузилиши учун икки томон шунга лаёқатли бўлиши, яъни нарсаларни ажратса олувчи ақл эгаси бўлиши шарт. Шартнома тўғри бўлиши учун томонларнинг розилиги ҳам шарт қилинади. Иш ҳақи ҳам маълум бўлиши шарт қилинади. Бунга далил Расулуллоҳ с.а.в.нинг:

«إِذَا اسْتَأْجَرَ أَحَدُكُمْ أَجِيرًا فَلِيَعْلَمْهُ أَجْرُهُ»

«Бирортангиз ишчи ёлласа, унга иш ҳақини билдириб қўйсин», деган сўзларидир. Бу ҳадисни Доруқутний ибн Масъуддан ривоят қилган. Бунга яна далил Аҳмад Абу Саиддан ривоят қилган Пайғамбар с.а.в. иш ҳақини аниқ билдиримасдан туриб, киши ёллашдан қайтардилар, деган ҳадисдир. Лекин иш ҳақи маълум бўлмаса ҳам ёллаш мумкин. Иш ҳақи микдорига келиша олмай қолинган пайтда «ажр мисл» (яъни шундай ишга бошқа одамлар қанча ҳақ тўлаётган бўлса, шунга ўхшаш ҳақ тўлаш)га мурожаат

килинади. Чунки, агар шартнома тузиш вақтида иш ҳақи айтилмаса ёки ёлловчи ва ёлланувчи айтилган иш ҳақи түғрисида келиша олмай қолсалар, у ҳолатда «ажр мисл»га мурожаат қилинади (яни «ажр мисл»га келишиб олинади). Бунда маҳрга қиёслаб «ажр мисл»га келишилади. Чунки маҳр масаласида ҳам агар маҳр аниқ белгиланмаса ёки белгиланган маҳр түғрисида келиша олинмай қолинса «маҳр мисл» (бошқалар бераётган маҳрга ўхшаш маҳр)га мурожаат қилинади. Бунга далил Насойи ва Термизий ривоят килган ушбу ҳадисдир. Термизий бу ҳадисни ҳасан, сахих ҳадис, деди:

«عَنْ ابْنِ مَسْعُودٍ أَنَّهُ سُئِلَ عَنْ رَجُلٍ تَزَوَّجُ امْرَأَةً وَلَمْ يَفْرُضْ لَهَا صَدَاقًا وَلَمْ يَدْخُلْ إِلَيْهَا حَتَّىٰ ماتَ فَقَالَ ابْنُ مَسْعُودٍ لَهَا مِثْلُ صَدَاقٍ نِسَائِهَا لَا وَكْسَ وَلَا شَطَطٌ وَعَلَيْهَا الْعِدَّةُ وَهَا الْمِيرَاثُ فَقَامَ مَعْقِلٌ بْنُ سِنَانٍ الْأَشْجَعِيُّ فَقَالَ قَضَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي بِرْوَعَ بِنْتِ وَاشِقٍ امْرَأَةً مِنَ الَّذِي قَضَيْتَ فَفَرَحَ إِلَيْهَا ابْنُ مَسْعُودٍ»

«Бир аёлга уйланиб, унга бошқа хотинларига берган маҳрга ўхшаш маҳр бермаган ва бу аёлнинг олдига кирмасдан вафот этган бир киши ҳақида иби Масхуддан сўралди. Иби Масхуд шундай жавоб берди: «У аёлга бошқа хотинларига берган маҳрига ўхшаш маҳр берилади, ундан қамайтирилмайди ҳам ва ошириб ҳам юборилмайди, у идда сақлайди ва унга ҳам мерос берилади». Шунда Маҳқал иби Синон ал-Ашжахий ўрнидан туриб: «Расууллоҳ с.а.в. бизнинг қабиладан бўлган Барва бинти Вошиқ исмли аёл түғрисида худди сен чиқарган ҳукм каби ҳукм чиқарган эдилар», деди. Буни эшитиб иби Масхуд жуда хурсанд бўлиб кетди». Демак, Шореъ маҳри айтилмаган аёлларга «маҳр мисл» беришни вожиб қилди. Айтилган маҳрга келишолмай қолинган пайтда ҳам шундай қилинади. Маҳр никоҳ шартномасидан келиб чиқадиган ва берилиш лозим бўлган эваз бўлгани учун демак, ҳар бир шартномадан келиб чиқадиган ва бериш лозим бўлган эваз унга қиёсланади. Бу эваз муқобилига олинадиган нарса савдодаги каби мол бўладими ёки ёллашдаги манфаат ва бироннинг меҳнатидан фойдаланиш бўладими ёки никоҳ шартномасидаги «ниҳла» (эр аёлга берадиган ҳадя) бўладими, бундан катъий назар, бу эваз маҳрга қиёсланади. Шунга кўра, демак, шартномада эваз айтилмаса ёки айтилган эвазга

келишолмай қолинса худди шунга ўхшаш эвазни бериш тұғрисида ҳукм қилинади. Шунинг учун шартнома тузилған пайтда эвазига бериладиган нарса айтилмаса ёки айтилған эвазга келишолмай қолинса, ижара (ёллаш)да «ажр мисл» (бошқалар тұлаётган иш ҳакига ўхшаш иш ҳаки) тұлашға, савдода эса бошқалар тұлаётган нархга ўхшаш нарх тұлашға ҳукм қилинади. Шунга күра ёлловчи ва ёлланувчи айтилған иш ҳаки қелишолмай қосалар ҳам ва шартнома тузиш пайтида иш ҳаки айтилмаган бўлса ҳам «ажр мисл» тұлаш тұғрисида ҳукм чиқарилади. Агар шартнома тузиш пайтида иш ҳаки аниқ маълум бўлса, бу ҳолатда иш ҳаки белгиланған ҳисобланади, агар аниқ маълум бўлмаса ёки айтилған иш ҳакига келишолмай қолинса, бундаги иш ҳаки «ажр мисл» бўлади. Демак, тұланадиган иш ҳаки икки қисм бўлади: 1. Айтиб, белгилаб қўйилған иш ҳаки. 2. «Ажр мисл». Айтиб, белгилаб қўйилған иш ҳаки эътиборға олиниши учун шартнома тузәётган икки томоннинг розилиги шарт. Агар икки томон маълум ҳаққа келишиб, рози бўлсалар, бу айтиб, белгилаб қўйилған иш ҳаки дейилади ва ёлловчини бундан ортигини тұлашға мажбур қилинмайди, худди шунга ўхшаш ёлланувчи ҳам бундан кам олишга мажбурланмайди, балки у унга тұланиши шаръан вожиб бўлган иш ҳакидир. «Ажр мисл» эса, агар ёллаш шартномаси меҳнат-иш келтирадиган манфаат тұғрисида тузилған бўлса «ажр мисл» худди шундай ишга ва шундай ишчига тұланадиган иш ҳаки бўлади, агар шартнома шахс келтирадиган манфаат тұғрисида тузилған бўлса, «ажр мисл» факат шундай ишчига тұланадиган иш ҳаки бўлади.

Иш ҳақини давлат ҳам, юрт ахолисининг урф-одати ҳам белгиламайди, балки уни шу соҳада тажриба орЂирған билимдон кишилар белгилайди.

Иш ҳақини белгилашда билимдон кишилар таянадиган асос эса манфаатдир. Бу манфаат иш келтирадиган манфаатми ёки иш йўқ. Чунки ёллаш шартномаси манфаат устида тузилади. Демак, иш ҳақини белгилашдаги асос манфаатдир. Шунинг учун иш ҳаки ишчининг маҳсулот ишлаб чиқаришига ёки унинг ўз жамоаси орасидаги энг паст турмуш даражасига қараб белгиланмайди. Чунки ишчининг маҳсулот ишлаб чиқаришининг ёки турмуш даражасининг юқори ё паст эканлигининг иш ҳақини белгилашға дахли йўқ бўлиб, уни белгилашда факат манфаатта қаралади, холос. Тажрибали мутахассислар бу манфаатнинг ўзлари яшаётган жамиятда қанчалик қийматли эканлигига қараб ишчининг иш ҳақини белгилайдилар.

Улар иш ҳақини ва ишчи ҳақини белгилаётган пайтда бу манфаатнинг жамиятдаги қийматига қарайдилар. Шунинг учун улар иш ҳақини иш ёки ишчи келтирадиган манфаат (фойда)нинг қийматига қараб белгилайдилар. Шунинг учун агар манфаатнинг жамиятдаги қийматини белгилашда ихтилоф (қарама-қарши фикр билдириш) юз берса, иш ҳақини далил ва хужжат билан белгилаш жоиз бўлмайди, балки бу тўғрида мутахассисларнинг фикри кифоя қиласади. Чунки бу масала манфаат миқдори тўғрисида далил-хужжат келтириш эмас, балки унинг қийматини билиш масаласидир.

Иш ҳақини белгилашда жорий қилинадиган асос мана шу бўлиб, у мутахассислар аниқлайдиган манфаат-фойдадир. Бироқ, мутахассислар факат ишнинг ёки ишчининг ҳақинигина эмас, балки «ажр мисл»ни белгилашган чоғда ана шу ишга ёлланган ишчига ўхшаган шахсга, яъни иш ва ишчига эътибор қаратмоқлари лозим. Шу вактнинг ўзида улар ёллаш замони (вакти) ва макони (жойи)га ҳам эътибор беришлари керак. Чунки иш ҳақи иш, ишчи, замон ва маконга қараб турлича бўлади.

Иш ҳақини ёки «ажр мисл»ни белгилаб берадиган мутахассисларни аслида битим тузувчи икки томон, яъни ёлловчи ва ёлланувчи танлайди. Энди агар улар танламасалар ёки ўзаро келиша олмасалар, у ҳолда маҳкама ёки давлат ана шундай мутахассисларни тайинлаб беради.

### **Ишчи ҳақини белгилаш**

Инсон табиатан ўз эҳтиёжларини қондирадиган мол ишлаб чиқариш учун куч сарфлашга интилади. Инсоннинг эҳтиёжлари кўп бўлиб, уларни бир ўзи бошқалардан ажralган ҳолда қондира олмайди. Шунинг учун ҳам инсон жамиятда бошқалар билан ўз иш маҳсулини алмашиб яшashi турган гап. Шунинг учун бирон жамиятда яшайдиган инсон факат ўзи фойдаланиши учун эмас, балки бошқа бирорвлар фойдаланиши ва улар билан айирбошлиш учун маҳсулот ишлаб чиқаришга меҳнат (куч) сарфлайди. Чунки инсоннинг эҳтиёжлари кўп бўлиб, у ўзида йўқ бўлган молларга ҳамда таълим ва табобат каби бирорвларнинг меҳнатидан бевосита фойдаланишга муҳтождир. Шунинг учун у қанчалик хилма-хил ва кўп маҳсулот ишлаб чиқармасин, унинг барча эҳтиёжларини қондиришга кифоя қиласади. Чунки у ўз меҳнати билан барча эҳтиёжларини қондира олмайди, балки бошқалар меҳнатига эҳтиёж сезади, демак, у ўзига керак бўлган бирорвлар меҳнатини (кучини) ўз меҳнати (кучи) ёки молига алмаштиришга муҳтож. Мана шундан инсонлар меҳнати (кучи) алмашинуви лозимлиги келиб чиқди. Сарфланадиган меҳнатларнинг бир-бирига нисбатан қийматларини

ва эҳтиёжни қондириш учун қўлга киритилмоқчи бўлган молларнинг қийматларини аниклаб берадиган бир ўлчов зарур бўлиб қолди. Шундагина бу меҳнат ва молларни ўзаро айирбошлиш мумкин бўлади. Шунинг учун меҳнатлар қийматини ва моллар қийматини аниклаб берадиган ўлчов битта бўлиши лозим бўлди. Чунки шундагина молларни бир-бирига айирбошлиш, молни меҳнатга, меҳнатни меҳнатга айирбошлиш мумкин бўлар эди. Шунинг учун улар (яъни иқтисодчилар) инсонга ўз эҳтиёжини қондириш учун лозим бўлган мол ва меҳнатни қўлга киритиш имконини берадиган «пул мукофоти» (пул тўлови) бўлиши керак, деган яқдил фикрга келишди. Бу пул тўлови товарга нисбатан нарх ҳисобланса, сарфланган меҳнат учун иш ҳақи ҳисобланади. Чунки у товар айирбошлишда бирон товар муқобили (эвази)га тўланган тўлов ҳисобланади, меҳнатлар айирбошлишда эса инсон сарфлаган меҳнат келтирган манфаат муқобилига тўланган тўловдир. Шунинг учун инсон ижара (ёллаш) муомалаларидан беҳожат бўлолмагани каби, савдо-сотиқ муомалаларидан ҳам беҳожат бўлолмайди. Бироқ савдо-сотиқ билан ижара (ёлланиш) ўртасидаги боғланиш шундан иборатки, бу иккови фақат икки инсон ўртасидаги муомаладир, холос. Уларнинг ўртасида бошқа боғланиш йўқ. Шунга кўра, ижара савдога ва иш ҳақи нархга боғлиқ бўлмайди. Шунинг учун иш ҳақини белгилаш нарх белгилашдан бутунлай бошқа нарса бўлиб, бир-бирига алоқаси йўқ. Чунки нарх мол бадали (ўрни)га тўланган тўловдир. Демак, унинг мол ўрнига тўланган мол эканлиги аниқдир. Бунда мол қиймат билан ўлчанадими ёки нарх билан ўлчанадими, бунинг фарқи йўқ. Иш ҳақи эса куч-меҳнат эвазига тўланган тўловдир. Бу куч-меҳнатнинг бирон мол (маҳсулот) ишлаб чиқариши шарт эмас, балки у гоҳида мол ишлаб чиқариши ва гоҳида ишлаб чиқармаслиги мумкин. Чунки сарфланган куч-меҳнат келтирадиган манфаат фақат мол ишлаб чиқаришдангина иборат бўлмай, балки молдан бошқа манфаатлар ҳам бор. Масалан қишлоқ хўжалиги, тижорат ёки саноатнинг турли соҳаларида, баъзи ёки кўпгина соҳаларида сарфланган куч-меҳнат натижасида маҳсулот ишлаб чиқарилади ва у сабабли юрт бойлиги кўпаяди. Аммо табиб, муҳандис, адвокат, муаллим ва шу кабиларнинг хизмати эса маҳсулот ишлаб чиқармайдиган меҳнат бўлиб, ундан уммат бойлиги кўпаймайди. Демак, саноат маҳсулоти ишлаб чиқарган ишчи ўзи ишлаб чиқарган ана шу маҳсулот эвазига ҳақ олади, лекин муҳандис иш ҳақи олса, бирон маҳсулот ишлаб чиқарганилиги учун олмайди. Чунки у ҳеч қандай маҳсулот ишлаб чиқармайди. Шунинг учун белгиланган нарх мол эвазига тўланадиган тўлов эканлиги

аниқдир. Сарфланган күч-мәхнат келтирадиган манфаатни белгилаш эса бунинг акси-тескарисидир. Чунки у бирон мол (маҳсулот) эвазига тўлов тўлаш эмас, балки мол ҳам бўлиши ва молдан бошқа нарса ҳам бўлиши мумкин бўлган манфаат эвазига тўлов тўлашдир. Шундан келиб чиқиб, савдо-сотиқ ишчи ёллашдан, нарх эса амалий белгиланиш жиҳатидан иш ҳақидан бутунлай фарқ қиласди. Бироқ савдо-сотиқ ва ижара (ёллаш), нарх ва иш ҳақи бир-биридан фарқ қиласди, деган сўз уларнинг ўртасида боғлиқлик йўқ, деган маънони англатмайди, балки ижара савдо-сотиққа ва савдо ижарага асосланмайди, иш ҳақини белгилашга асосланиб нарх белгиланмайди ва нарх белгиланишига асосланиб иш ҳақи белгиланмайди, деган маънони англатади. Чунки нарх билан иш ҳақининг бир-бирига асосланиб белгиланиши ишчи ишлаб чиқарадиган товарлар нархларининг шу ишчи оладиган иш ҳакига хукм ўтказишига олиб келади. Ваҳоланки товарлар нархлари ишчига эмас, ёлловчига ўз хукмини ўтказиши керак. Шунинг учун агар бу нархлар ишчига хукм ўтказадиган бўлиб қолса, бу нарса ёлловчининг ишчига ўз хукмини ўтказишига олиб келади. Ёлловчи ишчининг иш ҳақини нархлар тушиши ёки қўтарилиши, деган баҳона билан қачон хоҳласа пастлатадиган ва қўтарадиган бўлиб қолади. Бу эса жоиз эмас. Чунки ишчининг иш ҳақи унинг мәхнати келтирадиган манфаат бадалига тўланадиган нарса бўлиб, модомики бу иш ҳақи ишчи билан ёлловчи ўртасида ўзаро келишиб белгиланган экан, демак у шу ишчининг мәхнати келтирадиган манфаат қийматига teng бўлади. Демак, ишчининг иш ҳақи у ишлаб чиқарадиган товар нархларига боғлиқ бўлмайди. Ишчи ишлаб чиқарадиган товар нархлари тушиб кетганда ҳам ёлловчини белгиланган ҳақни беришга мажбурлаш унинг зиён кўришига, бу эса ишчиларнинг ишдан бўшатилишига олиб келади, дейиш ноўриндир. Чунки бу нарса товар нархи барча бозорларда тушиб кетгандагина содир бўлади. Шу сабабли иш ҳақи миқдорини белгилаш ёлловчининг эмас, балки мутахассисларнинг ишчи мәхнати келтирадиган манфаатни баҳолашларига боғлиқ бўлади. Чунки улар битта ҳолатга эмас, балки умумий шаклда ишчи келтирадиган манфаат мажмуи (йигиндиси)га эътибор берадилар. Шунинг учун иш ҳақини белгилаш товар нархига эмас, балки мутахассислар фикрига боғлиқдир.

Бунинг устига, ижара (ёллаш)нинг савдога ва савдонинг ижарага асосланиши зарур моллар нархларининг ишчининг иш ҳакига хукм ўтказишига олиб келади. Ваҳоланки зарур моллар нархлари унинг иш ҳақи эмас, балки эҳтиёжига кифоя қиласиган нарсаларга хукм

ўтказиши керак. Шунинг учун агар зарур моллар нархлари ишчининг иш ҳақига ҳукм ўтказадиган бўлиб қолса, бу нарса ишчининг эҳтиёжига кифоя қиласидиган нарсалар билан таъминлашини ёлловчининг зиммасига юклаб қўяди. Ваҳоланки ҳар бир инсонни эҳтиёжига кифоя қиласидиган нарсалар билан таъминлаш шу инсон ишларини бошқаришнинг бир қисми бўлиб, уни таъминлаш ёлловчининг эмас, давлатнинг вазифасидир. Ишчини эҳтиёжга кифоя қиласидиган нарсалар билан таъминлашни унинг маҳсулот ишлаб чиқаришига боғлик қилиб қўйиш ҳам мутлако жоиз бўлмайди. Чунки гоҳида ишчи заиф бўлиши, натижада эҳтиёжига кифоя қилмайдиган даражада оз маҳсулот ишлаб чиқариши мумкин. Шунинг учун агар унинг иш ҳақини у ишлаб чиқарган маҳсулотга ёки у муҳтоҷ бўлган зарур молларга боғлик қилиб қўйилса тинч, хотиржам яшашдан маҳрум бўлади. Бу эса йўл қўйиб бўлмайдиган ишдир. Чунки давлат фуқароси бўлган ҳар бир инсонга яшаш хуқуқи тўла таъминланиши лозим. Кўп ёки оз маҳсулот ишлаб чиқаришидан, маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар, ҳар бир инсонга бу хуқуқ тўла таъминланиши керак. Демак, ишчининг иш ҳақи у келтирадиган манфаат қийматига қараб белгиланади. Бу қиймат унинг эҳтиёжларини қопладими ёки йўқми, бунинг фарки йўқ. Шунга кўра ишчининг иш ҳақини у ишлаб чиқарадиган товарлар нархи билан ёки у муҳтоҷ бўлган зарур моллар нархи билан белгилаш хатодир. Демак, ижара (ёллаш)ни савдоға ва савдони ижарага асослаш ҳам хато, шунинг учун уларни бир-бирига асослаш жоиз бўлмайди. Шунга кўра нархни иш ҳақига ва иш ҳақини нархга асослаш жоиз эмас. Чунки иш ҳақини белгилаш билан нархни белгилаш бошқа-бошқа нарса бўлиб, ҳар бирининг белгилашда ўз ҳукмини ўтказадиган ўзига хос муайян омиллари ва эътиборга олинадиган нарсалари бор. Масалан, иш ҳақи меҳнат келтирадиган манфаат миқдорига қараб белгиланади. Демак иш ҳақини белгилаш аслида куч-меҳнатга эмас, балки манфаатга асосланади, гарчи манфаат шахс сарфлаган куч-меҳнатнинг маҳсули бўлса ҳам, куч-меҳнат эмас, балки манфаат асос бўлади. Бу манфаатни мутахассислар ундан келадиган фойдага қараб белгилайдилар. Бу белгилаш абадий (доимий) эмас, балки келишилган муддатга ёки бажаришга келишилган ишга боғлиқдир. Шунинг учун агар муддат тугаса ёки иш бажарилса ишга янгидан ҳақ белгиланади. Бу янги ҳақ ё шартнома тузган икки томондан ёки «ажр мисл»ни баён қилиш бўйича мутахассис бўлган кишилар томонидан белгиланади. Муддат эса кунлик, гоҳида ойлик ва

гоҳида йиллик бўлиши мумкин. Иш ҳақини белгилаш воқелиги шундан иборатдир. Энди нарх масаласига келсақ, у пул миқдори билан шу пул муқобили-эвазига бериладиган товар миқдори ўртасидаги ўзаро алмашинув нисбати (миқдори)дир. Чунки нарх маълум товар бирлиги эвазига маълум вақтда бериладиган пулдир. Нархни табиийки бозор белгилайди. Бунда одамларнинг товарга бўлган эҳтиёжи эътиборга олинади. Тўғри, гоҳида нарх харидорнинг товарга бўлган эҳтиёжи даражасига қараб белгиланиб, уни қанчага бўлса ҳам сотиб олиши мумкин, гоҳида эса нарх сотувчининг эҳтиёжи даражасига қараб белгиланиб, уни қанчага бўлса ҳам сотиши мумкин. Лекин бу йўл қўйиб бўлмайдиган ишдир. Чунки бу иш жамият учун хатарлидир. Шунинг учун унга йўл қўйиб бўлмайди. Буни ғабн (алдаш, фирибгарлик) дейилади. Шунинг учун бу ҳолатда ўзаро келишиб олаётган сотувчи ва оловчи эмас, балки бозордаги сотувчи ва оловчилар эътиборга олинади, бошқача айтганда бозорда товарга белгиланган миқдор нарх бўлади. Чунки оловчи ҳам, сотувчи ҳам бозор белгилаган нархни қабул қилишга мажбур бўлади. Бу нархни белгилаб, сотувчи ва оловчини унга бўйсунишга мажбур қилган нарса эса товар сотилаётган жамиятдаги шу товар манфаатига бўлган эҳтиёждир. Бу товарни ишлаб чиқаришга кетган сарф-харажатлардан қатъий назар, ундан келадиган манфаатга бўлган эҳтиёж нархни белгилаб, сотувчи ва оловчини шу нархга бўйсундиришга мажбур қиласди. Шунга кўра, нархни белгилаш иш ҳақини белгилашдан бутунлай фарқ қилиб, бу иккиси ўртасида ҳеч қандай алоқа йўқдир. Шунинг учун иш ҳақини белгилаш нархга асосланмайди. Чунки нархни товарга бўлган эҳтиёж белгилайди ва камёблик (танқислик) ҳам уни белгилашда таъсир қилувчи омил ҳисобланади. Шунинг учун нархни товар ишлаб чиқаришга кетган сарф-харажатларга киёслаб бўлмайди. Чунки гоҳида нарх билан ишлаб чиқариш сарф-харажатлари бир хил бўлмаслиги, қисқа муддатдаги шароитларга қараб камайиб ёки кўпайиб кетиши мумкин. Узоқ муддатда эса бозор нархи билан ишлаб чиқариш харажатлари ўртасидаги тенглик табиий равища вужудга келади. Лекин бу нарса иш ҳақини товар нархига боғлиқ қилиб қўймайди. Чунки қисқа муддатда ҳам, узоқ муддатда ҳам харидорлар товар сотиб олишда уни ишлаб чиқаришга кетган харажатларга эътибор бермайдилар, балки иккала ҳолатда ҳам нархни товарга бўлган эҳтиёж белгилайди, бунда камёблик омили ҳам ҳисобга олинади.

Капиталистлар ва коммунистлар ишчига иш ҳақини белгилашда бир-бирларидан кескин фарқ қиласдилар. Чунки капиталистлар

ишчига табиий иш ҳақи берадилар. Уларнинг наздида табиий иш ҳақи ишчи муҳтож бўладиган паст даражадаги яшаш эҳтиёжларидан иборат бўлиб, яшаш харажатларининг энг паст даражаси кўпайса иш ҳақини оширадилар, агар камайса камайтирадилар. Шунга кўра, ишчининг иш ҳақи ишчининг шахсга ва жамиятга келтирган фойдасидан кўз юмган ҳолда яшаш харажатлари билан белгиланади. Аммо Европа ва Америкадаги капиталист мамлакатларда ишчилар оладиган иш ҳақига келсак, у ишчига мулк эркинлиги берадиган хукуқдан ортиқроқ қўшимча хукуқ бериш тўғрисида капитализм низомига тузатиш киритишдан иборатdir, холос. Лекин бундай тузатиш киритилишига қарамай ишчи оладиган иш ҳақи ҳануз ўртача кун кечирадиган даражадан паст бўлиб қоялпти. Бу иш ҳақи у ишлаб чиқарадиган саноат маҳсулотлари миқдорига тўғри келмайди. Европа ва Америка жамиятидаги турмуш даражасининг юқорилиги зоҳирдан қараганда ишчи оладиган энг паст иш ҳақини ҳам яхши иш ҳақи қилиб кўрсатса ҳам, бироқ ишчи барибир ўзи ишлаб чиқарадиган маҳсулотга тенг миқдорда иш ҳақи олмайди. Шунинг учун Европа ва Америкадаги ишчининг иш ҳақи миқдори, гарчи уни бизга нисбатан камбағал қилиб қўймаса ҳам ва унинг асосий эҳтиёжларини қондириш билан бирга баъзи камолий (қўшимча) эҳтиёжларини ҳам қондириш имконини берса ҳам, лекин бу иш ҳақини шу ишчи яшаётган жамиятнинг турмуш даражасига киёслайдиган бўлсак, унинг паст даражада кун кечираётганлиги маълум бўлади. Унинг турмуш даражаси гарчи бизга нисбатан юқори бўлса ҳам, лекин ўзи яшаётган жамиятга нисбатан пастdir. Нима бўлганда ҳам Европа ва Америкадаги ишчиларнинг турмуш даражаси бизга нисбатан юқорилигига қарамай, барча капиталистик мамлакатларда ишчи оладиган иш ҳақи миқдори у яшаётган жамиятнинг турмуш даражасига нисбатан ҳануз паст бўлиб қолмоқда.

Қандай бўлмасин, модомики ишчининг иш ҳақи энг паст даражадаги яшаш воситалари билан белгиланар экан, демак бунинг оқибатида ишчиларнинг мулкчилиги улар муҳтож бўлган яшаш воситаларининг ўзлари яшаётган жамиятга нисбатан энг паст даражаси чегарасида чекланиб қолаверади. Уларнинг ҳаёти ҳозирги Исломий юртлар каби фикран қолоқ давлатлар ишчиларнинг ахволига ўхшаб фақат асосий эҳтиёжларинигина қондириш учун курашдан иборат бўладими ёки Европа ва Америкадаги илгор давлатлар ишчилари ҳолати каби асосий ва камолий (қўшимча) эҳтиёжларини қондириш учун интилишдан иборат бўладими, бу

түғрида фарқи йўқдир. Чунки бу мамлакатларнинг барчасида ишчи ўзи яшаётган жамиятга нисбатан энг паст турмуш даражасидаги чекланган мулкка эга бўлиб қолаверади. Бу мамлакатлар турмуш даражаси юқори ёки пастилиги жиҳатидан бир-биридан қанчалик фарқ қилмасин, модомики ишчининг иш ҳақи у муҳтож бўладиган яшааш воситаларининг энг паст даражаси билан белгиланар экан, ишчиларнинг ахволи шундай бўлиб қолаверади.

Энди коммунистларга келсак, улар товар ишлаб чиқариш ва уни тўла ясад битиришда ишчининг меҳнати биринчи ўринда туради, шунинг учун меҳнат ёки меҳнатга бўлган лаёқат товар ишлаб чиқаришда асосий рол ўйнайди, деб хисоблашади. Шунга асосланиб коммунистлар маҳсулот ишлаб чиқаришдаги асосий нарса ишчининг меҳнатидир, демак ишчининг иш ҳақи у ишлаб чиқарадиган маҳсулотга қараб белгиланади, ишлаб чиқариш харажатлари эса битта элемент, яъни меҳнат таркибига киради, деб хисоблашади. Бу эса табиийки воқеликка хилофдир. Чунки ҳис килиб турилган воқелик шундан иборатки, Оллоҳ бу коинотда яратиб қўйган мол - товар қийматининг асосидир. Бу мол келтирадиган фойдани ошириш учун ёки меҳнат қилиш орқали унда фойдани вужудга келтириш учун сарфланган харажатлар эса бу молни маълум фойда келтирадиган шаклга келтириди. Демак, меҳнатни асос қилиб олиш хато бўлиб, воқеликка хилофдир. Ишлаб чиқарилган товарни ишчининг иш ҳақи қилиб қўйиш эса хом-ашёни ва сарфланган харажатларни ҳисобга олмасликдир. Гоҳида харажатни бошқа ишчи сарфлаб иш ҳақини ҳам унинг ўзи олган бўлади, айни вақтда шу ишчи товар ишлаб чиқармаган бўлади ва товар ишлаб чиқаришнинг у қиласидаган меҳнатга мутлақо алоқаси бўлмайди. Шунинг учун товарни унга иш ҳақи қилиб бериш мумкин бўлмай қолади. Энди агар бу ерда ишчи синфини мақсад қилинмоқда, деб фараз килган тақдиримизда ҳам, хом-ашё эътиборсиз қолдирилаётган бўлади. Ҳолбуки бу хом-ашёни Оллоҳ яратган бўлиб, уни эътиборсиз қолдириш ва ҳисобга олмаслик дуруст бўлмайди. Бироқ, иш ҳақини белгилашда ишчини бир синф, деб хисоблашнинг ўзи ҳам хатодир. Чунки ишчилар муайян шахслар бўлиб, иш ҳақи ана шу шахсларгагина берилади. Демак, ишчи синфи, деб эътибор қилиш иш ҳақини белгилашга эмас, балки уни ва мулқчиликни бекор қилишга олиб келади. Бу эса инсон фитратига зиддир ва ҳис қилинадиган воқелиги бўлмаган хато фикрдир. Чунки ҳис қилиб турилган воқелик шунга далолат қиласиди, инсон ўз эҳтиёжларини шахсан ўзи қондиришга интилади. Бу интилиш уни коинот (борлик)дан ёки бошқа инсондан

ўз эҳтиёжларини қондирадиган нарсани олишга ундейди ёки мавжуд мол (хом-ашё) унинг эҳтиёжларини қондиришга яроқли бўлиши учун коинотдаги шу хом-ашёга ўз меҳнатини сарфлайди. Шунинг учун коммунистларнинг ишлаб чиқарилган товарни иш ҳаки қилиб белгилаш назарияси хатодир. Шунингдек, иш ҳакини ишчи ишлаб чиқарган товар билан белгилаб, хом-ашёни бир четга суриб қўйиш ҳам хато. Чунки ишчи ишлатган иш қуроллари ва сарфлаган харажатлари ҳам товарнинг вужудга келишида ўз ҳиссасини қўшган бўлиб, бу нарсалар ишчи меҳнатининг бир қисми эмасдир. Шунинг учун меҳнатни алоҳида бир синф деб ҳисоблаб, бу нарсаларни ишчи меҳнатининг бир қисми, деб ҳисобланадиган бўлса, бу нарса иш ҳақининг бекор қилинишига олиб келади. Бу эса юқорида айтиб ўтганимиздек хатодир. Ишчининг иш ҳақи товарга қиймат жиҳатидан ҳам, нарҳ жиҳатидан ҳам алоқадор бўлмай, балки меҳнатнинг шахс ва жамиятга келтирган манфаат (фойда)га алоқадор эканлигига асосланадиган бўлсан, демак, меҳнат ишлаб чиқарилган товар бўйича эмас, балки мана шу манфаат бўйича тақдирланади (баҳоланади). Бу манфаат қўзиқорин ва олма каби хом-ашёда мавжуд бўладими ёки паровоз ишлаб чиқариш каби ишчининг меҳнатида мавжуд бўладими хеч фарқсиз ишчининг иш ҳақи шу манфаатга боғлиқ бўлади. Шунинг учун ишчи оладиган иш ҳакини қандай ўлчов билан бўлмасин муайян чегара билан чеклаб қўйиш хато бўлиб, ҳис қилиб турилган воқеликка зиддир. Шунинг учун иш ҳақи аниқ маълум бўлса, шунинг ўзи кифоя, уни муайян чегара билан чекламаслик керак. Шунга кўра, демак, капиталистлар, коммунистлар ва социалистларнинг иш ҳақини белгилашдаги назариялари хато бўлиб, воқеликка зиддир. Бу назариялар эҳтиёжларни қондириш учун одамлар ўртасида бўладиган алоқаларнинг бузилишига сабаб бўлади.

Ишчининг иш ҳакини белгилашда капиталистлар билан коммунистлар ўртасидаги бу ихтилоф сабаби уларнинг товар қиймати маъносини аниқлашдаги, яъни товар қийматини белгилашдаги ихтилофларига бориб тақалади. Масалан, баъзи капиталистлар қийматта таъриф бериб «у (яъни қиймат) товар ишлаб чиқаришга кетган вакт, меҳнат ва хом-ашёдир. Мисол учун паровознинг қиймати велосопеднидан юқоридир», дейишади. Бу қиймат уларнинг наздида шу товарнинг камёблигига қараб белгиланади. Бошқалари эса: «нарсанинг қиймати у келтирадиган манфаатга, яъни эҳтиёжларни қондира олиш қувватига боғлиқ», дейишади. Бошқа баъзилари эса: «ҳар қандай товарнинг қиймати уни ишлаб чиқаришда сарфланган меҳнат миқдорига боғлиқ, унга

ишилаб чиқариш процессида ишилтиладиган асбоб-ускуна ва иши куролларини ишилаб чиқаришда сарфланган меҳнат миқдори ҳам қўшилади». Бироқ, янги назария, яъни «ниҳойилик назарияси» деб аталаувчи назария қийматга ҳам маҳсулот ишилаб чиқарув, ҳам истеъмолчи томонидан, яъни таклиф ва талаб томонидан ёндашиб карайди. Демак, қиймат талабга ҳам, таклифга ҳам боғлиқ бўлади. Масалан, сўнгги чегарарадаги манфаат талабга ўз ҳукмини ўтказади, яъни у нарсанинг эҳтиёжни қондиришдаги қувватининг ниҳояси бўлиб, ундан кейин қондириш кучи камаяди ёки зарарга айланади. Сўнгги чегарасига етган ишилаб чиқариш харажатлари эса таклифга ўз ҳукмини ўтказади, яъни у товар ишилаб чиқаришда сарфланган меҳнат миқдорининг ниҳояси бўлиб, ишилаб чиқаришга бундан ортиқ сарфланса банкрот (зарар) бўлиб қолади. Мана шу икки кўриниш ўртасида мувозанат ҳосил бўладиган нуқтада қиймат ўзгарида.

Энди коммунистлар наздида қийматнинг нима эканлигига келсак, Карл Маркс «қийматнинг бирдан-бир, ягона манбаи товар ишилаб чиқаришда сарфланган меҳнатдир. Капиталист ишчининг кучини меҳнат қилишга қодир ҳолда яшаши учун зарур бўлган миқдордан ошмайдиган иш ҳаки эвазига сотиб олади, сўнгра бу кучни қиймати ишчига тўлайдиган иш ҳақидан кўп баробар юқори турадиган товарларни ишилаб чиқаришда эксплуатация қилади», деди. Маркс ишчи ишилаб чиқарадиган маҳсулот билан унга тўланадиган иш ҳаки ўртасидаги бу фарқка «кўшимча қиймат», деб ном берди ва бу «кўшимча қиймат» мулқдорлар ва капиталистларнинг «рента», «даромад» ва «капитал фойдаси» деган номлар билан ишчилар ҳақидан уриб қолишларидан иборат эканлигини таъкидлади. Маркс табиийки бу номлар (яъни рента, даромад ва фойда)ларнинг қонунийлигини тан олмаган эди.

Хис қилиб турилган воқелиги бор ҳақиқий фикр эса шундан иборатки, ҳар қандай товарнинг қиймати ундаги манфаат миқдори билан ўлчанади. Бунда камёблик омили ҳам ҳисобга олинади. Меҳнат бу манфаатни қўлга киритиш воситаси бўлса ҳам ва уни ишилаб чиқариш воситаси бўлиши мумкин бўлса ҳам, лекин бу манфаатни айирбошлаш ва ундан фойдаланиш чогида бу меҳнат мутлақо ҳисобга олинмайди. Шунинг учун ҳар қандай товарга бўлган ҳақиқий қараш манфаатга бўлган қарашдир. Бунда камёблик омили ҳам ҳисобга олинади. Инсон бу манфаатга масалан ов ўлжаси каби аввал-бошданоқ эга бўладими ёки савдо-сотиқ каби ўзаро айирбошлаш орқали эга бўладими, бунинг фарқи йўқ. Бу тўғрида Москвадаги жамият, Париждаги жамият ва Мадинаи

Мунавварадаги жамият ўртасида фарқ йўқ. Чунки инсон қаерда бўлмасин товарни кўлга киритишга интилар экан бу товарда қанча манфаат борлигини чамалаб кўради, бунда камёблик омилини ҳам ҳисобга олади. Инсон наздида товарнинг қиймати шундан иборат бўлиб, у товарнинг ҳақиқий қийматидир. Аммо товарнинг амалий қийматига келсак, у шу товар бадалига берилган бошқа товар миқдори билан ёки тўланган пул миқдори билан ўлчанади. Товарнинг бу қиймати замон, макон ва шароитлар қанчалик ўзгармасин шу йўсинда ўзгармай қолаверади. Аммо товарнинг нархига келсак, у муайян товар эвазига муайян замон, муайян макон ва муайян шароитда бериладиган пулдан иборат бўлиб, замон, макон ва шароит ўзгариши билан ўзгариб туради. Бошқача қилиб айтадиган бўлсақ, нарх пул миқдори билан шу пул эвазига бериладиган товар миқдори ўртасидаги айирбошлаш нисбатидир.

Масалан бир киши бир аёлга уйланиб, унга фалон сифатдаги муайян жавонни маҳр қилиб беришни вайда қиласа ва бу жавоннинг қиймати 50 динор эканлигини айтиб, уни аёлга ҳақиқатдан ҳам топширса, жавоннинг қиймати аёлга топшириши биланоқ тайин бўлиб қолади. Шунинг учун агар ана шундан кейин жавонни аёлдан тортиб олса ва аёл даъво қилиб, қайтариб беришни талаб қиласа унга жавон нархи (пули)ни эмас, балки айнан ўзини қайтариб бериши лозим. Энди агар жавон синиб қолган бўлса ёки эри уни синиб қолди, деб даъво қиласа, аёлга 50 динор тўлайди. Чунки жавоннинг қиймати шунча эди. Даъво қилиш чоғида шунга ўхшаган жавон 50 динордан қимматроқ турадими ёки арzonми бунинг фарқи йўқ. Чунки жавонга амалда шу қиймат белгиланган бўлиб, унга ўхшаган жавоннинг нархи эътиборга олинмайди. Энди агар никоҳ пайтида жавоннинг нархи 50 динор деб айтган бўлса ва уни аёлга топширган бўлса, сўнг уни ундан тортиб олса ва аёл даъво қиласа, эр жавонни топшириши ҳам, эллик динор тўлаши ҳам, ёки эллик динорлик жавон сотиб олиб бериши ҳам мумкин. Даъво қилиш пайтида жавон 50 динордан қимматроқ турадими ёки арzonроқми, бунинг фарқи йўқ. Чунки эр қайси вақтда бўлса ҳам нархи 50 динор турадиган жавон тўлаши лозим.

Бунинг тафсилоти шундан иборатки қиймат ўзгармайди, нарх эса ўзгаради. Чунки товарнинг амалий қиймати баҳолаш вақтидаги шу товар бадали миқдоридан иборатдир, товарнинг нархи эса бозорда айирбошлаш учун шу товар муқобили (эвази)га тўланадиган пулдан иборатдир. Қиймат билан нарх ўртасидаги бундай фарқ савдода ҳам ва айирбошлашнинг бошқа турларида ҳам ҳисобга олинади. Аммо ишчи ёллашга келсак, у шартнома тузиш пайтида шу ишчининг

мехнати келтирадиган манфаат белгиланадиган миқдордан иборат бўлиб, бу манфаат миқдори ёллаш муддати тугаган пайтда қайтадан белгиланади. Шундан маълум бўляптики ишчининг иш ҳақи билан товар қиймати ўртасида, ишчининг иш ҳақи билан ишлаб чиқариш харажатлари ўртасида ва ишчининг иш ҳақи билан турмуш даражаси ўртасида ҳеч бир алоқа йўқдир. Балки ишчининг иш ҳақи бошқа алоҳида нарсадир. Чунки иш ҳақи ёлловчи ишчининг меҳнати орқали қўлга киритадиган манфаатга тўлаши лозим бўлган ҳақдир. Бу манфаат миқдорини эса ёлловчи эмас, балки шу манфаатга бўлган эҳтиёж белгилайди. Демак, ишчининг иш ҳақи шундай сифатга эга бўлган манфаат белгилайди. Бу иш ҳақи меҳнатнинг турларига қараб ҳар хил бўлади ва битта меҳнатнинг ўзида ҳам унинг қанчалик пухта, моҳирона қилинганига қараб фарқ қиласди. Масалан, муҳандиснинг иш ҳақи дурадгорнидан фарқ қиласди. Моҳир дурадгорнинг иш ҳақи эса оддий дурадгорнидан фарқ қиласди. Одамларнинг иш ҳақи улар адo киладиган меҳнат келтирадиган манфаатнинг қанчалик яхшилигига қараб кўтарилиб боради. Бу эса уларни эмас, балки уларнинг иш ҳақини кўтариш хисобланади. Улар адo қилган меҳнат яхши манфаат келтирғанлиги учун улар шундай иш ҳақига лойик бўладилар.

## ЭГА БЎЛИШНИНГ ИККИНЧИ САБАБИ

### Мерос

Мол-мулкка эга бўлиш сабабларининг иккинчиси меросдир. У Куръон ояти билан собит бўлган. Унинг иллатлари баён қилинмаган, муайян тавқифий хукмлари бор, гарчи баъзи қисмлари ҳақида сўз юритган бўлса-да, булар аслида кенг кўламлидир. Масалан, Оллоҳ Таолонинг:

﴿يُوصِّيْكُمُ اللَّهُ فِي أَوْلَادِكُمْ لِلَّذِكَرِ مِثْلُ حَظِّ الْأُنْشَيْنِ فَإِنْ كُنَّ نِسَاءً فَوْقَ اُنْثَيْنِ فَلَهُنَّ ثُلُثًا مَا تَرَكَ﴾ [4:11]

– „Оллоҳ фарзандларингизга (тегишили мерос) ҳақида бир ўғил учун икки қиз улуши баробарида мерос беришни амр қилур. Агар меросхўрлар иккidan ортиқ аёл бўлса, уларга эр қолдирган нарсанинг учдан иккиси тегур“, [4:11]

деган сўзидан бир нечта хукмни тушунамиз. Демак, ўғил фарзандлар қизлардан икки ҳисса ортиқ улуш олишини, ўғиллар бўлмаганда ўғилнинг ўғлига ўғилдек муомала қилинишини тушунамиз. Чунки ўғилнинг болалари фарзанд жумласига киради, қизнинг болаларига эса аксинча, ўғилнинг муомаласи қилинмайди. Чунки қизнинг фарзандлари лугавий жихатдан фарзанд жумласига кирмайди. Фарзандлар қиз бўлиб, иккитадан ортса, мероснинг учдан икки қисмини оладилар. **Расууллоҳ с.а.в. иккита қизга ҳам иккитадан қўпини хукмини чиқариб берганлар ва сахобалар шунга ижмо қилганлар**, демак, иккита қизга ҳам иккитадан ортиқнинг хукми юргизилади. Бу аҳкомлар оят зикр қилган умумий маънодан тушунилади, шу аҳкомлар билан ворис (меросхўр) меросдан ўз улушкига ҳақли бўлади. Шунга биноан мерос Китоб, суннат ва сахобалар ижмосида баён қилинган аҳкомларга кўра мулкка эга бўлиш сабабларидан бири бўлиб қолди.

Мерос - бойликни тақсимлаш воситаларидан бири. Бойликни тақсимлаш унинг иллати эмас, балки воқесининг (ҳақиқатининг) баёнидир. Бойликка эга бўлиш ҳалол қилинган экан, демак у шахслар қўлларида йиғилган бўлади. Вафотларидан кейин ҳам шундай сақланиб қолмаслиги учун уни меросхўрларга тақсимлаб бериш лозим. Амалиётда бойликни тақсимлаш воситаси мерос эканлиги кўрилган. Чукур назар ташланса, бойликни мерос қилиб тақсимлашда учрайдиган ҳолат учта экани маълум бўлади:

**а)** биринчи ҳолатда меросхўрлар мерос аҳкомлари бўйича молнинг ҳаммасини оладилар;

**б)** иккинчи ҳолатда мерос ахкомлари бўйича молнинг ҳаммасини оладиган меросхўрлар бўлмайди. Масалан, бир киши вафот этиб, фақат аёли қолса ёки аёл вафот этиб, фақат эри қолса, аёл факат тўртдан биринигина олади, мероснинг қолгани байтулмолга ўтиб кетади, агар эр қолса, факат ярмини олади ва қолгани байтулмолга ўтади;

**в)** ҳеч қандай меросхўр бўлмайди ва бу ҳолатда молнинг ҳаммаси байтулмолга, яъни давлатга ўтиб кетади.

Шу йўл билан бойлик тақсимланади ва мол меросхўрларга ўтиб, молни одамлар орасидаги иқтисодий доирада алмашиш бошланади. Шунда бойлик бир муайян шахс кўлида тўпланиб, сақланиб ётмайдиган бўлади.

Мерос - мулкчиликнинг шаръий сабабларидан бири бўлиб, ким бирор нарса мерос олса, унга шаръий мулки сифатида эгалик қиласди. Демак, мерос Ислом шариати рухсат берган эга бўлиш сабабларидан биридир.

## ЭГА БЎЛИШНИНГ УЧИНЧИ САБАБИ

Яшаш учун молга бўлган эҳтиёж

Эгадорликнинг учинчи сабаби яшаш учун молга бўлган эҳтиёждир. Чунки ҳар бир инсон яшаш хукуқига эга. Демак, яшашга кимларнингдир совғаси ва раҳм-шафқати, деб эмас, балки бир хукуқ сифатида қараш лозим. Ислом давлати фуқароси бўлмиш ҳар бир шахсга кундалик эҳтиёжини таъминлаб берадиган сабаб меҳнатдир. Агар меҳнатга ожизлик қилиб қолса, давлат унга эҳтиёжини етказиб бериши керак, чунки давлат шу фуқароларнинг бошқарувчиси ва эҳтиёжларини қондириш бўйича масъулдир. Расулуллоҳ с.а.в. айтдилар:

«اَلْإِمَامُ الَّذِي عَلَى النَّاسِ رَاعٍ وَهُوَ مَسْئُولٌ عَنْ رَعْيَتِهِ»

«Инсонлар устидаги имом бошқарувчидир, у қўл остидагиларга масхул (жавобгар)». Бухорий ибн Умардан ривоят қилган. Агар унга иш топиб бериш имкони бўлмаса ёки касаллик, қарилик ва бошқа ожизлик сабаблари туфайли ишлашга қодир бўлмаса, Шариат боқишини кимга фарз қилган бўлса, ўша кишига уни боқиши фарз бўлади. Агар боқиши вожиб кишиси бўлмаса ёки бўлса ҳам уни боқишига қурби етмаса, уни боқиши давлат зиммасига тушади. Бундан ташқари байтулмолда унинг закот деган ҳаққи ҳам бўлади. Оллоҳ Таоло айтади:

«وَالَّذِينَ فِي أَمْوَالِهِمْ حَقٌّ مَعْلُومٌ لِلسَّائِلِ وَالْمَحْرُومُ»

– „Улар топган мол-мулкларида сўрагувчи мол-давлатдан маҳрум кишилар учун маълум ҳақ (яъни закот) бўлган зотлардир“. [70:24,25]

Бу ҳақ (закот)ни бойлар беришлари фарз. Оллоҳ Таоло «Тавба» сурасида:

«إِنَّمَا الصَّدَقَاتُ لِلْفُقَرَاءِ وَالْمَسَاكِينِ»

– „Албатта, садақалар фақат муҳтожс ва мискинга...“, [9:60] деб

«فَرَبِضَةً مِنَ اللَّهِ»

– „Оллоҳ томонидан фарзdir“, [9:60] деди, яъни фарз килинган ҳақ. Энди агар давлат бу тўғрида бепарволик қиласа, мусулмонлар жамоаси ҳам давлатни бу тўғрида муҳосаба қилиш (хисобот сўраш) ва муҳтожларни кафолатга олиш тўғрисида бепарволик қиласа - ваҳоланки мусулмонлар жамоасининг

бепарволик килиши куттимаган ишдир - бу ҳолда шахс ўз эҳтиёжига яраша нарсани қаердан топса, ўша ердан олиши жоиз бўлади. Давлат мулкидан оладими ёки кишилар мулкидан оладими, бунинг фарқи йўқ. Зеро бундай ҳолатда, модомики одамларда егулик бор экан оч қолган одамга ўлимтик гўштини ейиш ҳалол бўлмайди. Чунки бирон инсон қўлида егулик бор экан бу одам ўлимтикни ейишга мажбур хисобланмайди.

Лекин егулик топишга курби етмаса, унда ҳаётини куткариш учун ўлимтикни ейиши мумкин. Яшаш молга эга бўлиш сабабларидан бири бўлгач, шариат очарчилик йилида егулик олишни қўл кесиладиган ўғирлик деб ҳисобламади. Абу Умомадан Пайғамбар с.а.в.нинг:

«لَا قَطْعَ فِي زَمَنِ الْمَجَاعِ»

«Очлик замонида кесиш йўқ», деганлари ривоят килинган. Шариат яшаш учун ҳар бир кишига мулкка эга бўлиш хуқукини қонун билан кафолатлаб бергани каби бу хуқукини беришни ҳам кўрсатма бериш билан кафолатлади. Имом Аҳмад Расулуллоҳ с.а.в.нинг:

«أَيُّمَا أَهْلُ عَرْصَةٍ أَصْبَحَ فِيهِمْ امْرُؤٌ جَائِعًا فَقَدْ بَرَئَتْ مِنْهُمْ ذِمَّةُ اللَّهِ تَبَارَكَ وَتَعَالَى»

«Қайси маҳалла аҳли ораларида бир оч киши бўлса, Оллоҳ Таборака ва Таолонинг ҳимояси улардан кўтарилади», деганларини ривоят қилган. Баззор Анасадан Расулуллоҳ с.а.в.нинг:

«مَا آمَنَ بِي مَنْ بَاتَ شَبْعَانَ وَجَارُهُ جَائِعٌ إِلَى جَنَّبِهِ وَهُوَ يَعْلَمُ بِهِ»

«Кўшниси ёнида очлигини билиб туриб, ўзи тўқ бўлиб ётган одам менга иймон келтирмабди», деганларини ривоят қилган.

## **ЭГА БЎЛИШНИНГ ТЎРТИНЧИ САБАБИ**

### **Давлат ўз молидан фуқароларга бермоғи**

Фуқаролар ўз эҳтиёжларини қондиришлари ёки мулкларидан фойдаланишлари учун давлат уларга байтулмоддан мол бермоғи ҳам эга бўлиб сабабларидандир. Эҳтиёжларини қондириш учун дегани ерларига экин экиш учун ёки қарзларини тўлашлари учун мол берилиши деганидир. Умар ибн Хаттоб Ироқдаги дехқонларга қайтариб олмасликка мол бериб, бу билан уларнинг ерларига экин экишларига ёрдам берган ва эҳтиёжларини қондирган эди.

Жамоатнинг бир киши мулкидан фойдаланишга эҳтиёж сезиши эса, давлат ўзининг фойдаланилмай бекор ётган мол-мулкларидан уммат аъзоларига мулк қилиб берганда юз беради. Бунда давлат эгаси йўқ ерларнинг бир кисмини бўлиб беради. **Расулуллоҳ** с.а.в. Мадинага келганларида қилганлари каби. Ўшанда Зубайрга, Абу Бакр ва Умарга ер ажратиб берган эдилар. Зубайрга оти юргурганча жойни Нақиҳнинг ўлик ерларидан бўлиб берганлар, унга дараҳтлар ва хурмолари бор ердан ҳам ажратиб берганлар, пайғамбаримиздан кейин хулафои рошидинлар ҳам мусулмонларга ер бўлиб беришган. Давлат бир шахсга бўлиб берган бу ер унинг мулкига айланади. Чунки жамоат фойдаланиш, шахсни жамиятга фойда келтирадиган меҳнат билан таъминлаш, унинг зеҳний ва жисмоний кувватини жамоат манфаатларига хизмат қилдириш учун шу мулкчиликка муҳтождир. Икто (бўлиб бериш) сўзининг бу ерда ишлатилиши фикҳий ва луғавий маънода ишлатиш бўлиб, Исломда мавжуд бўлмаган феодал тузумга алоқаси йўқ.

Давлат шахсларга берадиган нарсалар жумласига жангчиларга тақсимланадиган ўлжалар ва эгалик қилишга имом (халифа) рухсат берган хос ўлжалар ҳам киради.

## ЭГА БЎЛИШНИНГ БЕШИНЧИ САБАБИ

### Кишилар меҳнат ёки молсиз оладиган моллар

Кишилар ҳеч қандай мол ёки меҳнатсиз бир-бирларидан оладиган моллар ҳам эга бўлиш сабаблариданdir. Бунга бешта нарса киради:

1. Кишиларнинг бир-бирлари билан бўлган қариндошлилик алокалари. Бу алоқа ҳадя ва совгалар каби хаёт даврларида бўладими ёки васият каби вафотларидан кейин бўладими - фарқи йўқ. Насойи ва ибн Исҳоқ «Сийрату-н-Набавийя»да Амир ибн Шуайбдан, у эса отаси орқали бобосидан шундай ривоят қилган: Ҳавозин элчилари Расууллоҳ с.а.в.нинг олдиларига улардан олган ўлжаларни қайтариб беришни сўраб келдилар. Молик Ато ибн Муслим Абдуллоҳ ал-Хуросонийдан ривоят килишича, Расууллоҳ с.а.в. уларга:

«مَا كَانَ لِي وَلِبَّى عَبْدُ الْمُطَّلِبِ فَهُوَ لَكُمْ»

«Менинг ва Абдулмутталиб ўғилларининг хақи сизларга», дедилар, яъни мендан сизларга совға. Ибн Асокир Абу Ҳурайрадан Расууллоҳ с.а.в.:

«تَهَادُوا تَحَابُوا»

«Ҳадя беришиб туринглар, муҳаббатларингиз зиёда бўлади», деганларини,

«لَيْسَ لَنَا مَثَلُ السُّوءِ، الَّذِي يَعُودُ فِي هِبَتِهِ كَالْكُلُّ يَرْجِعُ فِي قَيْئِهِ»

«Бизларда ит қусганини қайтариб олгани каби, совғасидан қайтадиган ёмон одам йўқ», деганларини эса Бухорий ибн Аббосдан ривоят қилган. Совға ва ҳадяда мусулмон билан кофир орасида фарқ йўқ, чунки кофирга совға бериш ҳалол ва кофир берганини мусулмонникидек қабул қилинади. Муслим Асмо бинти Абу Бақран: Қурайшнинг даврида улар билан аҳд тузилган пайтларда онам келиб қолди, ўшанда у мушрика эди, мен Расууллоҳ с.а.в.га бориб: Эй Расууллоҳ с.а.в., меникига онам келди, у динсиз, у билан қариндошлиқ қиласми? - деб фатво сўрадим. У киши «Ҳа», дедилар. Бухорий Абу Ҳумайд Соидийдан

«أَهَدَى مِلْكُ أَيْلَةٍ لِلنَّى بَغْلَةً بَيْضَاءَ وَكَسَاهُ بُرْدًا»

«Айла подшоҳи Пайғамбар с.а.в.га оқ ҳачир ва кийгани тўн ҳадя қилди», деганини ривоят қилган. Совға ва ҳадя тириклигида

қилинган тортиқ бўлгани каби, васият вафотидан кейин қилинган тортиқдир. Оллоҳ айтди:

﴿كُتِبَ عَلَيْكُمْ إِذَا حَضَرَ أَحَدُكُمُ الْمَوْتُ إِنْ تَرَكَ خَيْرًا الْوَصِيَّةُ لِلَّوَالِدِينَ وَالْأَقْرَبِينَ﴾

– „Бирорталарингиз вафот этаётганида мол-дунё қолдираётган бўлса, ота-онага ва қариндош-уругга васият қилинши фарз этилди“.  
[2:180]

Бухорий Саъд ибн Абу Вакқосдан:

«مَرْضٌ مِّنْ كَمَّةَ مَرَضًا، فَأَشْفَيْتُ مِنْهُ عَلَى الْمَوْتِ، فَأَتَانِي النَّجْيُ يَعُودُنِي، فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّ لِي مَالًا كَثِيرًا، وَلَيْسَ بِرِثْنِي إِلَّا ابْنَتِي أَفَأَتَصَدِّقُ بِشُلْثَنِي مَالِي؟ قَالَ: لَا. قَالَ: قُلْتُ: فَالشَّرْطُ؟ قَالَ: لَا. قُلْتُ: أَلْثُلُثُ كَبِيرٌ، إِنَّكَ إِنْ تَرْكَتَ وَلَدَكَ أَغْنِيَاءً، خَيْرٌ مِّنْ تَرْكَهُمْ عَالَةً يَتَكَفَّفُونَ النَّاسُ»

«Маккада қаттиқ касал бўлиб, иакд ўладиган бўлдим. Пайғамбар с.а.в. мени қўргани келдилар. Мен: Эй Расулуллоҳ с.а.в., менинг молим жуда кўп, аммо меросхўр фақат қизим бор, молимнинг учдан икки қисмини садақа қиласми? - дедим. Йўқ, дедилар. Ярминими? - дедим. Йўқ, дедилар. Учдан бир қисминими? - дедим. Учдан бири кўп, сен фарзандингни одамлардан нарса сўраб юрадиган камбағал қилиб ташлаб кетганингдан кўра, бой колдириб кетсанг яхши, дедилар», деганини ривоят қилган.

Киши ҳадя, совға ёки васият қилинган нарсага эга бўлади.

2. Ўзига етказилган заарлар эвазига берилган молга ҳақли бўлиш, бунга қотил тўлайдиган хун ҳақи, жароҳат етказгани учун тўланадиган товон кабилар киради. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَنْ قَتَلَ مُؤْمِنًا حَطَّاً فَتَحْرِبُ رَقَبَةٍ مُّؤْمِنَةٍ وَدِيَةٍ مُّسَلَّمَةً إِلَى أَهْلِهِ﴾

– „Ким бир мўминни билмай ўлдириб қўйса, у бир мўмин қулни озод қилиши ва марҳумнинг эгаларига - агар кечиб юбормасалар - хун (товоң) тўлаши вожибdir“.  
[4:92]

Насоий Расулуллоҳ с.а.в.нинг Яман ахлига мактуб ёзиб, уни Амр ибн Ҳазмдан жўнатганларини, унда

«وَإِنَّ فِي النَّفْسِ الدِّيَةَ مَائِةً مِّنَ الْإِيلِ﴾

«Жон учун юзта түя товон тұланади», деган жойи борлигини ривоят қилған. Жароҳатларнинг товонлари ҳакида эса Насойй Зухрийдан, у Абу Бакр ибн Мухаммад ибн Амр ибн Хазмдан у эса отасидан, у бобосидан Расулуллох с.а.в. унга бир мактубда:

«وَفِي الْأَنْفِ إِذَا أُوْعَبَ جَدْعُهُ الدِّيَةُ، وَفِي الْلِسَانِ الدِّيَةُ، وَفِي الشَّفَتَيْنِ الدِّيَةُ،  
وَفِي الْبَيْضَاتَيْنِ الدِّيَةُ، وَفِي الذَّكَرِ الدِّيَةُ، وَفِي الصُّلْبِ الدِّيَةُ، وَفِي الْعَيْنَيْنِ الدِّيَةُ،  
وَفِي الرِّجْلِ الْوَاحِدَةِ نِصْفُ الدِّيَةِ، وَفِي الْمَأْمُومَةِ ثُلُثُ الدِّيَةِ، وَفِي الْجَائِفَةِ ثُلُثُ  
الدِّيَةِ، وَفِي الْمُنْقَلَةِ خَمْسٌ عَشْرَةً مِنَ الْإِبِلِ»

«Агар бурунни кесиб ташласа товон, тилга товон, икки лабга товон, икки тухумга товон, олатга товон, умуртқага товон, икки күзга товон, бир оёққа ярим товон, бошнинг тела қисмига урилса учдан бир товон, қорнига санчилса учдан бир товон, суяқ ёрилишида ўн беш түя», деб ёзган әдилар деганини ривоят қилған.

Қасддан одам ўлдирса, ўликнинг меросхўрлари қотилдан ўликнинг товонини олишга ҳақли бўладилар. Расулуллох с.а.в. айтдилар:

«لَا يَجِدُ جَانٍ إِلَّا عَلَى نَفْسِهِ»

«Жиноятчи фақат ўз зараригагина жиноят қиласди». Ибн Можа Амр ибн Ахвас орқали ривоят қилған. Қасддан бошқасида эса, қасдга ўхшаш ёки хато қилиб билмай ўлдириб қўйганда, ўликнинг меросхўрлари қотилнинг қариндошларидан товон олишга ҳақли бўладилар. Имом Бухорий Абу Ҳурайрадан ушбуни ривоят қилған:

«إِفْتَنَلْتُ اِمْرَأَتَانِ مِنْ هُدَيْلَانِ فَرَمَتْ إِحْدَاهُمَا الْأُخْرَى بِحَجَرٍ فَقَتَلَتْهَا وَمَا فِي  
بَطْنِهَا فَأَحْتَصَمُوا إِلَى النَّبِيِّ فَقَضَى أَنَّ دِيَةَ جَنِينَهَا غُرَّةٌ عَبْدٌ أَوْ وَلِيدَةٌ، وَقَضَى  
أَنَّ دِيَةَ الْمَرْأَةِ عَلَى عَاقِلَتِهَا»

«Хузайл қабилалик икки аёл уришиб, бири тош отиб иккинчисини ва қорнидаги ҳомиласини ўлдириб қўйди. Расулуллох с.а.в.га бу можарони олиб келганларида у зот ўлган аёлнинг ҳомиласига бир қул тўлаш, товонини эса оқиласига (қариндошларига) юклатиб ҳукм чиқариб бердилар». Оқила деб ақлни тўловчиларни айтилади, «акл», деб бу ерда товонни

айтилади. Оқила деб, барча ота қариндошлар айтилиб, бунга қотилнинг отаси, ўғиллари, aka-укалари, амакилари ва амакиларининг ўғиллари киради. Агар қотилнинг оқиласи бўлмаса товон байтулмолдан олинади, чунки Расулуллоҳ с.а.в. Ҳайбарда одам ўлдириб қўйган ансорийга байтулмолдан тўлаб юборганлар. Умарнинг даврида бир киши тиқилинчда ўлиб, қотили топилмади. Шунда, Али Умарга: Эй амирул-мўминин, мусулмон кишининг қон ҳақи бекор қилинмайди, унинг товонини байтулмолдан адо этинг, деган эди.

Жароҳатларнинг товонига келсак, улар бош ё юзини ёриш, ёки бирор аъзосини кесиб ташлаш (узиш), гўштини кесиши ёки бирор фойдали қобилиятини кетказиш (эшитиши, кўриши, ақлини кетказишлар киради), буларнинг товони бу жароҳат туфайли шариатда баён қилинган ҳар бир аъзо ва ҳар бир ҳолат ҳақидаги хукмга мувофиқ товонга ҳақли бўлади. Киши товон сабабли ўликка тўланган товондан ёки заарланган аъзоси ёки кетказилган фойдали қобилиятига тўланган товондан молга эга бўлади.

3. Никоҳ қайд қилиниши билан маҳр ва унга тегишли нарсаларга ҳақли бўлиш. Аёл киши бу молга турмуш қуриш аҳкомларида баён қилинган йўл билан эга бўлади. Бу мол фойда бадали эмас, чунки фойда эр-хотин орасида алмашиб туради. Балки, маҳр шариат сўзига кўра, аёлнинг ҳаққидир. Оллоҳ айтади:

﴿وَأَتُوا النِّسَاءَ صَدْقَاتِهِنَّ بِخَلْةٍ﴾

– „Хотинларингизга маҳрларини ҳадя каби беринг“, [4:4] яъни Оллоҳ фарз килган деб чин кўнгилдан беринглар. Нихла - тортиқ дегани, яъни эр-хотин иккови бир-биридан фойдаланиши учун эр томондан тортиқ. Аҳмад Анасадан ривоят қилиб айтади:

«جَاءَ عَبْدُ الرَّحْمَانِ بْنَ عَوْفٍ وَعَلَيْهِ رَدْعُ زَعْفَرَانَ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ: مَهْيَمٌ؟ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، تَزَوَّجْتُ امْرَأَةً، فَقَالَ: مَا أَصْدَقْتَهَا؟ قَالَ: وَزْنُ نَوَاهٍ مِنْ ذَهَبٍ. قَالَ: أَوْلَمْ وَلُوْ بِشَاهٍ؟»

«Абдураҳмон ибн Авғ устида заҳфарон доғи билан келганда, Расулуллоҳ с.а.в.: «Нима бўлди, тинчликми?», дедилар. «Эй Расулуллоҳ с.а.в., бир аёлга уйландим», деди. Расулуллоҳ с.а.в.: «Нимани маҳр қилдинг?», дедилар. «Данак оғирлигида тилла», деди. «Бир қўй билан бўлса ҳам меҳмондорчилик қил», дедилар».

4. Топилдик. Агар бир киши нарса топиб олса қаралади: Агар тилла, кумуш, жавохир, кийим каби сақлаш мүмкін бўлган ва овоза қилишга арзидиган ва ҳарамдан ташқаридағи нарса бўлса, уни олиш мүмкин. Абу Довуд Абдуллоҳ ибн Осдан қилган ривоятларига биноан: Расулуллоҳ с.а.в.дан топилдик ҳакида сўралганда:

«مَا كَانَ مِنْهَا فِي طَرِيقِ الْمِيتَاءِ (أَيْ الْمَسْلُوكَةِ) أَوْ الْقَرْيَةِ الْجَامِعَةِ، فَعَرَفَهَا سَنَةً، فَإِنْ جَاءَ طَالِبُهَا فَادْفَعْهَا إِلَيْهِ، وَإِنْ لَمْ يَأْتِ فَهِيَ لَكَ، وَمَا كَانَ فِي الْخُرَابِ، يَعْنِي فِيهَا وَفِي الرَّكَازِ الْحَمْسِ»

«Агар юмшоқ ерларда ёки одамлар яшайдиган қишлоқ (шахар)да бўлса, уни бир йил таҳрифла (эҳлон қил), агар талабгори келса бериб юбор, агар келмаса у сенга. Агар хароба жойларда бўлса, ундан ва рикоздан бешдан бири берилади». Агар топилдик ҳарамда бўлса, у топилдик хисобланмайди, чунки ҳарамнинг топилдиғи ҳаромдир. Абдурраҳмон ибн Усмондан ривоят қилинган ҳадисда келганидек, Расулуллоҳ с.а.в. ҳожининг топилдигидан қайтардилар, Расулуллоҳ с.а.в.нинг:

«وَلَا يَنْقُطُ سَاقِطَهَا إِلَّا مُنْشَدٌ»

«Маккада тушиб қолган нарсани эхлон қилувчигина олади», деган сўзларига биноан уни факат эгасига сақлаб бериш учунгина олиш мүмкин. Бу ҳадисни Бухорий ривоят қилди.

Агар топилдик, сақлаб бўлмайдиган, овқат, тарвуз ва шу каби турмайдиган нарса бўлса, у одам хоҳоласа уни еб, эгаси топилса пулинини бериши ёки уни сотиб, бир йил муддат пулинини сақлаб туриши ҳам мүмкин. Бу ҳукмларнинг ҳаммаси топилдик одатда қидириладиган нарса бўлиб, агар йўқолса эгаси қидирмай қўймайдиган, қийматга эга нарсагагина кўлланилади. Агар топилдик бир дона хурмо, бир луқма егулик каби арзимас нарсалар бўлса, уни эълон қилиб ўтирилмай, ўша заҳотиёқ эга бўлинади.

5. Халифага ва қиласиган иши ҳукм-бошқарув, деб хисобланувчи шахсларга бериладиган эваз (маош). Бу уларнинг меҳнатлари тўлови эмас, балки ўз ишларини бажаришдан тўсиб қўйилганлари учун бериладиган тўлов бўлиб, улар молни олишлари билан унинг эгасига айланадилар. Чунки Оллоҳ Таолобу молни уларга байтулмолдан олишни ҳалол қилди. **Масалан, Абу Бакрдан тижоратни тўхтатиб, мусулмонлар иши билан шуғулланиш**

**талаң қилинганды, тижоратдан тұхтаб қолғанлари әвазига мол олғанлар ва саҳобалар буни маҳқулладилар.**

Мана шу бешта мол - қариндошлиқ, зарар түлови, маҳр, топилдиқ, ҳокимларга тұланадиган әваз (маош) мол ёки меҳнат әвазисиз олинадиган мол хисобланади. Бу шариатда рухсат берилған сабаблардандир.

## **МОЛНИ ТАСАРРУФ ҚИЛИШ**

### **Тасарруф қилиш ҳуқуқи**

Мулкка эгалик: «Эгасига бирор нарсадан фойдаланишга ва унинг эвазига бошқа нарса олишига имкон берилишини тақозо қилувчи, фойда ёки нарса билан белгиланган шаръий ҳукм», деб таърифланади. Шунга биноан мулкка эгалик - фойда ёки нарса билан белгиланган шаръий ҳукм, яъни у Оллоҳнинг изнидир. Тасарруф дегани эса бу шаръий ҳукмдан, яъни эгасига ундан бирор нарсада фойдаланишига ва унга эваз олишига имконият берилишига бўлган изндан келиб чиққан нарса. Мулкка эгалик сабабли тасарруф қилиш Шореънинг рухсати билан бўлади, тасарруф эса молдан фойдаланишдир. Мол Оллоҳники, Оллоҳ Ўз изни билан унга бандани ўринбосар қилгач, киши молни олиши, унга эга бўлиб, ўстириши ва ундан фойдаланиши учун бажарадиган бир вазифага ўхшаб қолди. Чунки молга эга бўлган киши ундан фойдаланиш учун эгалик қиласи, бу фойдаланишда у шариат чегаралари билан чекланган, бунда у мутлақ ҳуқуққа эга эмас, агар у хусусий молига ўзи эгалик қилса ҳам. Даилии, агар у аҳмоқларча ўз молини истроф килиб, ношаръий йўлларга сарфласа, давлат уни тийиб, унга берилган тасарруф ҳуқуқини тортиб олиши лозим бўлади. Шунга кўра, молни тасарруф қилиш ва ундан фойдаланиш унга эгалик қилишдан кўзланган мақсаддан келиб чиқади. Молдан фойдаланиш ҳуқуқи мулкни ўстириш, харажатлар ёки қариндошуругларга ёрдамга сарфлашда тасарруф қилиш ҳуқуқини ўз ичига олади.

### **Мулкни ўстириш**

Молни ўстириш уни ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган услуг ва воситалар билан боғлиқ. Бу молни ўстириш мулкнинг кўпайишига эришадиган йўлларга тааллуқли. Шунинг учун иқтисод қонунининг молни ўстиришга дахли йўқ, у мулкчиликни ўстиришга дахлдор. Ислом молни ўстиришга аралашмай, бунга олиб келадиган восита ва услублар билан ўстиришни инсон ихтиёрига топширди, мулнинг мулклигини ўстиришга аралашиб, ҳукмларини баён қилди. Мулкни ўстириш шариат белгилаган чегаралар билан чекланган бўлиб, уларни бузиш мумкин эмас. Шореъ мулкчиликни ўстириш йўлларини кенг доирада бериб, шароитни ҳисобга олган ҳолда муфассал ҳукмларни истинбот қилиб чиқариб олишни мужтаҳидларга қолдирди, муайян йўлларнинг ҳаромлиги ва ман қилинганини айтди. Мулк ўстириладиган муомала ва

шартномаларни баён этди, кишини ҳар хил йўллар билан мулкини ўстиришдан қайтарди.

Дунё ҳаётида мавжуд молларга чуқур назар солган одам улар уч турли эканини кўради: ер, жисмлар алмашишидан келиб чиқадиган нарса, буюмлар шаклларини бир ҳолатдан бошқа ҳолатларга айлантиришдан ҳосил бўладиган нарсалар. Бундан маълум бўладики, инсон молни қўлга киритиш ёки уни ўстиришда шугулланадиган нарсалари: дехқончилик, тижорат ва ҳунармандчилик экан. Кишининг молга эгалиги зиёда бўлишига сабаб иқтисод низомида баҳс мавзусидир. Дехқончилик, тижорат ва ҳунармандчилик мол келтириб чиқаришда фойдаланиладиган услуб ва воситалардир. Дехқончилик, тижорат ва ҳунармандчиликка тааллуқли ҳукмлар киши молга эгалигини ўстирадиган усусларни баён қилиб беради.

Шариат дехқончилик ҳукмларини ер ва унга боғлиқ ҳукмларнинг баёнида очиб берди, тижорат ҳукмларини савдо, шериклик ва унга боғлиқ ҳукмларни айтиётганда баён қилди, ҳунармандчилик ҳукмларини ёлланувчи ва буортма бериш ҳукмлари баёнида билдириди. Ҳунармандчиликдан бўлган нарса тижоратга алоқадор. Шулар сабабли мулкчиликни ўстириш шариат олиб келган ҳукмлар билан чекланган, булар: ер ва унга боғлиқ ҳукмлар, савдо, шериклик ва унга боғлиқ ҳукмлар, ёлланувчи ва буортма бериш ҳукмларидир.

## ЕРЛАРГА ОИД ҲУКМЛАР

Ернинг асли ва манфаати бор. Унинг асли ўзидир, манфаати эса экин экиш ва бошқа нарсаларда уни ишлатишдир. Ислом ерга эгалик қилишга худди унинг манфаатига эгалик қилишни мубоҳ қилгани каби ижозат берди ва ҳар бирига тегишли ҳукмларни баён этди. Агар ер уруш қилиб, куч ишлатиб фатҳ этилган диёрда бўлса, ернинг асли давлат мулки хисобланади ва Арабистон ярим оролидан ташқаридаги бундай ерлар хирожий ерлар хисобланади.

Агар бу ерлар сулҳ билан фатҳ этилган ва сулҳда ер мусулмонлар ихтиёрига ўтиб, бериладиган хирож эвазига аҳолисига қолдирилган бўлса, хирож бу ер учун абадий бўлиб қолади ҳамда то қиёматга қадар хирожий ер хисобланади, гарчи аҳолиси Исломни қабул қилганилиги ёки бошқа сабаблар билан ер мусулмонларга ўтса ҳам.

Агар сулҳда аҳолисига солинадиган хирож эвазига ер уларга қолдирилса, демак, бу хирож жизя хисобланиб, аҳолининг Исломга кириши ёки ер мусулмонларга сотилиши билан хирож соқит бўлади. Агар ерни кофирларга сотсалар хирож боқий қолади, соқит бўлмайди, чунки кофир хирож ва жизя ахлидандир. Агар юртнинг аҳолиси Индонезия каби Исломга кирган бўлса ёки Арабистон ярим оролидаги ерлар бўлса, туб аҳолининг мулки бўлади ва улар ушрий ер хисобланади. Бунга сабаб, ер мол ўрнида бўлиб, урушда кўлга киритиладиган ўлжалардан биридир. У ҳалол бўлиб, байтулмолнинг мулки хисобланади. Ҳафс ибн Риёс Абу Зиъбдан, у эса Зухрийдан ривоят қиласи:

«قَبِيلَ رَسُولُ اللَّهِ الْجُزُيَّةَ مِنْ مَعْوِسِ الْبَحْرَيْنِ. قَالَ الرَّهْرَئِيْ: فَمَنْ أَسْلَمَ مِنْهُمْ فَقِيلَ إِسْلَامُهُ، وَأَحْرَزَ لَهُ إِسْلَامُهُ نَفْسَهُ وَمَا لَهُ إِلَّا الْأَرْضُ، فَإِنَّهَا فِيْ قِنْعَةِ الْمُسْلِمِيْنَ، مِنْ أَجْلِ أَنَّهُ لَمْ يُسْلِمْ أَوْلَ مَرَّةً وَهُوَ فِيْ مَنْعِهِ»

«Расулуллоҳ с.а.в. Баҳрайн мажусийларидан жизя қабул қилдилар. Зухрий яна деди: Улардан кимки мусулмон бўлса, унинг исломи қабул қилинади ва Ислом сабабли жони ва молини сақлаб қолади, лекин ери бундан мустасно. Чунки у дастлаб, ўзини ҳимоя қила оладиган пайтида иймон келтирмагани учун мусулмонларнинг ўлжаси хисобланади». Ер билан бошқа ўлжалар ўртасидаги фарқ шуки, бойликлар тақсимланади, тасарруф қилинади ва одамларга берилади. Ерлар эса ҳукман байтулмолнинг тасарруфи остида бўлади, лекин ер ўз

аҳолисида қолдирилади, улар ердан фойдаланадилар. Ернинг асли тақсимланмай, байтулмолда қолдирилиши одамларнинг фойдаланишлари учун имкон яратади ҳамда фатҳ пайтида бўладими ёки ундан кейинми, мусулмонларнинг умуний ўлжаси эканлигини намоён қиласи. Арабистон ярим оролидаги ерларнинг барчаси ушрийдир. Чунки Расулуллоҳ с.а.в. Маккани куч билан фатҳ қилдилар ва уни ўз аҳолисига қолдирдилар, у ерга хирож белгиламадилар, чунки ерга солинадиган хирож - жон бошига солинадиган жизя ўрнидадир. Араб ерларига хирож солинмагани каби, аҳолисига ҳам жизя солинмаган. Бунга сабаб шуки, юртга хирож солинишининг шарти - худди Ироқнинг чекка қишлоқларида бўлганидек - аҳолини ўз эътиқодлари ва ибодатларига қўйиб берилишидир. Араб мушрикларидан эса факатгина Ислом қабул қилинди ёки қатл этилди. Оллоҳ дейди:

﴿فَإِذَا انْسَلَخَ الْأَشْهُرُ الْحُرُمُ فَاقْتُلُوا الْمُشْرِكِينَ حَيْثُ وَجَدْتُمُوهُمْ وَخُذُوهُمْ  
وَاحْصُرُوهُمْ وَاقْعُدُوا لَهُمْ كُلَّ مُرْسَدٍ فَإِنْ تَابُوا وَأَقَامُوا الصَّلَاةَ وَآتُوا الزَّكَاةَ  
فَخَلُوْا سَبِيلَهُمْ﴾

– „Бас, қачон уруши ҳаром қилинган ойлар тугагач, мушрикларни топган жойингизда ўлдиринг, (асир) олинг, қамал қилинг ва барча йўлларда уларни кузатиб туринг! Энди, агар тавба қилсалар ва намозни тўйкис адo қилишииб, закотни берсалар, уларнинг йўлларини тўсманг! (Яъни улар билан урушишини бас қилинг)“.

[9:5]

﴿سَتُدْعُونَ إِلَى قَوْمٍ أُولَيْ بِأُسٍ شَدِيدٍ تُقَاتِلُونَهُمْ أَوْ يُسْلِمُونَ﴾

– „Яқинда сизлар куч-кувват эгалари бўлган бир қавм (билин жсанг қилиши)га даъват этилурсизлар“.

[48:16]

Модомики, улардан жизя олинмаган экан, ерларига хирож ҳам солинмайди.

Шунга кўра, Ислом куч билан ёки сулҳда ер мусулмонларники бўлади деган шарт билан фатҳ этган барча диёрлардаги ерларнинг асли давлат мулки бўлади ҳамда Миср Исломий умматнинг қўл остида колган Ироқ, Туркия каби ёки Испания, Крим, Албания, Хиндистон, Югославия каби кофирларнинг қўл остига ўтиб колган давлатлар бўлишидан қатъий назар хирожий ерлар хисобланади. Индонезия каби аҳолиси ўша ернинг ўзида Исломга кирган давлатлар ерлари ва Арабистон ярим оролидаги барча ерлар аҳолисининг мулки бўлиб, ушрий ерлар деб хисобланади.

Ернинг манфаати эса - хирожий ёки ушрий ер бўлишидан, давлат ажратиб берган ёки ўзаро алмаштирилган ёки ишлов берилиб, ўраб олинган бўлишидан катъий назар - шахсий мулк хисобланади. Бу манфаат ерни тасарруф қилувчига айн (буюм)нинг эгасига тегишли хукукларни беради ва у манфаатни сотиш, совға килиш хукукига эга, бу ер ундан меросхўрига ўтади. Чунки давлат шахсларга ушрий ёки хирожий ерлигидан қатъий назар ерларни бўлиб бериши мумкин. Бирок хирожий ерларни бўлиб бериш ернинг асл эгалигини байтулмолда қолдириб, унинг манфаатини инсонларга бериш деганидир. Аммо ушрий ерларни бўлиб бериш ернинг аслини ҳам, унинг манфаатини ҳам инсонларга мулк қилиб беришидир.

Ушр билан хирожнинг фарқи шундан иборатки, ушр ердан чикқан ҳосилдан олинади. Агар ер ёмғир суви билан сугорилса, давлат олинган ҳосилнинг ўндан бир кисмини олади. Агар ер чархпалак ёки шунга ўхшаш нарсалар билан сунъий сугорилса, давлат ҳосилнинг йигирмадан бирини олади. Муслим Жобирдан ривоят қиласи: Пайғамбар с.а.в. дедилар:

**«فِيمَا سُقِتَ الْأَنْهَارُ وَالْغَيْمُ الْعُشُورُ وَفِيمَا سُقِيَ بِالْسَّانِيَةِ نِصْفُ الْعُشْرِ»**

«Дарёлар ва ёмғирлар сугорадиган ерлардан ушр олинади, туя билан сугориладиган ерлардан ушрининг ярми олинади». Ушр закот ҳисобланиб, байтулмолга қўйилади ва оятда зикр килинган саккизта тоифанинг биригагина сарфланади.

**«إِنَّ الصَّدَقَاتُ لِلْفُقَرَاءِ وَالْمَسَاكِينِ وَالْعَالَمِينَ عَلَيْهَا وَالْمُؤْلَفَةُ قُلُوبُهُمْ وَفِي الرِّقَابِ وَالْغَارِمِينَ وَفِي سَبِيلِ الرَّحْمَةِ فَرِیضَةٌ مِّنْ اللَّهِ وَاللَّهُ عَلِيمٌ**

**حَكِيمٌ**

- „Албатта, садақалар (яъни закотлар) Оллоҳ томонидан фарз бўлган ҳолда фақат фақирларга, мискинларга, садақа йигувчиларга, кўнгиллари (Исломга) ошино қилинувчи кишиларга, бўйинларни (кулларни) озод қилишга, қарздор кишиларга ва Оллоҳ ўйлида (яъни жиҳодга ёки ҳажса кетаётгандарга) ҳамда йўловчи мусоффирларга берилур. Оллоҳ билим ва ҳикмат соҳибидир“. [9:60] Расулуллоҳ с.а.в. Абу Мусо ва Муозни одамларга диний ишларни ўргатиш учун Яманга юбораётган пайтларида айтган ушбу ҳадисни Ҳоким, Байҳақий ва Табароний ривоят қиласи:

**«لَا تَأْخُذُوا الصَّدَقَةَ إِلَّا مِنْ هَذِهِ الْأَرْبَعَةِ: الشَّعِيرِ، وَالْحِنْطَةِ، وَالرَّبِيبِ، وَالثَّمَرِ»**

## **«Ушбу тўрт нарса - арпа, буғдой, майиз ва хурмодангина садақа олинглар».**

Ерга солинадиган хирож эса давлатнинг ер эгасидан муайян микдорни олишидир. Бу микдорни давлат олинган ҳосилга қараб эмас, одатда олиниши мумкин бўлган тахминий ҳосилга қараб белгилайди. Ер эгасига ҳам, байтулмолга ҳам зулм бўлмаслиги учун ернинг имкониятига қараб, хирож белгилаб қўйилади. Хирож ер эгасидан ҳар йили, у ерга экин экса ҳам, экмаса ҳам, ер ҳосил берса ҳам, бермаса ҳам олинади. **Умар ибн Хаттоб** Ո Усмон ибн Ханифни Ироқнинг чекка қишлоқларига жўнатиб, ўша ерларни ўлчаб чиқишга буюрди ва ишлов берилган ёки берилмаган ҳар бир жариб (1260-1592м<sup>2</sup>) ерга бир дирҳам ва бир қафиз хирож белгилади. Бу ривоятни Абу Юсуф хирож бобида Амр ибн Маймун ва Хориса ибн Мазрибдан ривоят қилган. Хажжож ибн Артаа ҳам ибн Авфдан кўйидагини ривоят қилади: **Умар ибн Хаттоб Ироқнинг Ҳалвон тоғидан бошқа ерларини ўлчаб, обод қилинган ёки қилинмаган, челак ёки бошқа нарсалар билан суғориладиган, экиладиган ёки экилмайдиган ҳар бир жариб ер учун хирожни бир дирҳам ва бир қафиз деб белгилади.** Хирож байтулмолдаги закот бобидан бошқа бобга қўйилади ва давлат уни ҳам бошқа бойликларни сарф қилганидек, ўзи маъқул кўрган жиҳатларга сарф қиласди:

Куч билан фатҳ қилинган ва хирож белгиланган ерлар учун хирож абадий ҳисобланади. Аҳолининг Исломга кириши ёки уни мусулмонга сотиши билан хирож соқит бўлмайди, чунки унинг куч билан фатҳ қилинганлик сифати қиёматгача бокий қолади. Аҳоли ушр билан бирга хирож тўлаши вожиб. Чунки оят ва ҳадисларга кўра, хирож ерга вожиб қилинган ҳақ, ушр эса мусулмон еридан олинган ҳосилга вожиб қилинган ҳақдир. Бу икки ҳақ бир-бирига зид эмас, чунки улар икки хил сабабларга кўра вожиб бўлди. Аммо ҳанафийлар ушр ва хирожни жам қилмасликка далил қилиб, Пайғамбар с.а.в.дан ривоят қилинган ҳадис деб ҳисоблайдиган қўйидаги сўзлар ҳадис эмас:

**«لَا يُجْتَمِعُ عُشْرُ وَ خِرَاجٌ فِي أَرْضِ مُسْلِمٍ»**

**«Мусулмон еридан ҳам ушр, ҳам хирож олинмайди».** Ҳофизлар буни Расулуллоҳ с.а.в.нинг сўзларидан деб ҳисобламаганлар.

Аввал хирож йиғилади. Кейин қолган экинлар ва мевалар нисобга етса, улардан закот олинади, агар нисобга етмаса, улардан закот олинмайди.

## **Кўриқ ерларни ўзлаштириш**

Кўриқ (ўлик) ер кимнингдир мулки бўлмаган, ўраб олинмаган, экин экилмаган, обод қилинмаган ердир. Уни ўзлаштириш экин экишга яроқли ҳолга келтиришдир. Инсон ўзлаштирган барча ерлар унинг мулкига айланади. Шариат ерни ўзлаштирувчига эгалик қилиш хукуқини беради. Имом Бухорий Ойша онамиздан ривоят қиласди: Пайғамбар с.а.в. дедилар:

«مَنْ أَعْمَرَ أَرْضًا لِيَسْتُ لِأَحَدٍ فَهُوَ أَحَقُّ»

**«Кимки хеч кимники бўлмаган ерни обод қилса, у унга ҳақлироқдир».** Абу Довуд Пайғамбар с.а.в.дан ривоят қиласди:

«مَنْ أَحَاطَ حَائِطًا عَلَى أَرْضٍ فَهِيَ لَهُ»

**«Кимки ерни девор билан ўраб олса, у (ер) унивидир».** Бухорий Умардан, у эса Пайғамбар с.а.в.дан ривоят қиласди:

«مَنْ أَحْيَا أَرْضًا مَيْتَةً فَهِيَ لَهُ»

**«Кимки ўлик ерни тирилтиrsa, у унивидир».** Бу ишда ҳадиснинг мутлақ келганига кўра, мусулмон ва зиммий баробардир.

Ўзлаштириш - ажратиб бериш эмас. Булар ўртасидаги фарқ шуки, ўзлаштириш бироннинг мулки бўлмаган, ўраб олинмаган, экин экилмаган, обод қилинмаган ерга тааллуклидир. Ажратиб бериш эса давлат қўлидаги ерларни бўлиб бериш бўлиб, уларни давлат ерлари, деб аталади.

Давлат қўл остидаги ерлар бўлиб берилади. Давлат ерлари, деб ном олган бу ерлар қуидагилардир:

1. Экин ва дараҳт экишга яроқли ерлар. Пайғамбар с.а.в.нинг Ҳайбар ва Бану Назирдаги Зубайрга бўлиб берган ерлари каби. У ерларда хурмо ва бошқа дараҳтлар бор эди. Фатҳ қилинган юртлардан эгалари қочиб кетган обод ерлар ҳам шулар жумласидандир.

2. Олдин экилиб, кейин ҳаробага айланган ерлар. Ироқдаги Куфа билан Басра ўртасида жойлашган шўр ерлар ва водийлар каби. Мұхаммад ибн Убайд Сакофий ривоят қиласди: «Басралик Нофиъ Абу Абдуллоҳ исмли киши Умар ибн Хаттобдан Басрадаги хирожий бўлмаган, бирор мусулмоннинг ундан оти учун беда, (яна бир ривоятда поя) олиши зарар қилмайдиган ерлардан бўлиб беришни сўради. Шунда Умар Абу Мусо Ашъарийга хат ёзиб, шу одам айтаётгандек бўлса, унга бўлиб бер, деди». Усмон ибн Аффон ҳам Усмон ибн Абул-Ос Сакофийга Басрадаги қамишзор, шўр ерни ажратиб берди. У ўша ерни тирилтириб, ундан ҳосил олди.

3. Ҳеч қачон экин әклиб, обод қилинмагану, лекин шаҳар ва қишлоққа аҳамиятли ҳисобланғани учун давлат ўз күлиға олган ўлык ерлар. Денгиз ва дарё соҳиллари каби.

4. Эгалари уч йил бекор ташлаб қўйғанлари сабабли давлат тортиб олган ерлар. Масалан, Пайғамбар с.а.в. Билол Музанийга ер бўлиб берган эдилар. Бекор ташлаб қўйғани учун уч йилдан кейин Умар уни қайтариб олиб, бошқа мусулмонга берди. Абу Убайд «Амвол»да Билол ибн Ҳорис Музанийдан ривоят қиласди: «Пайғамбар с.а.в. менга Ақиқдаги ерни ҳаммасини ажратиб берган эдилар. Умар замони келиб, у менга, Пайғамбар с.а.в. сенга бу ерни ўраб олишинг учун эмас, ишлатишинг учун берганлар, қанчасини обод қилолсанг, ўшанчасини олиб қол, қолганини қайтар, деди». Дарҳақиқат, саҳобалар ерни уч йил бекор ташлаб қўйған одамдан тортиб олиб, бошқага беришга ижмоъ қилганлар.

Ерни ўраб олиш уни ўзлаштириш билан баробардир. Чунки Расулуллоҳ с.а.в. деганларки:

«مَنْ أَحَاطَ حَائِطًا عَلَىٰ أَرْضٍ فَهُمَّ لَهُ»

«Кимки, ерни девор билан ўраб олса, у унивидир». Яна айтганларки:

«مَنْ أَحَاطَ حَائِطًا عَلَىٰ شَيْءٍ فَهُوَ لَهُ»

«Кимки бирор нарсани девор билан ўраб олса, у унивидир». Ва яна деганларки:

«مَنْ سَبَقَ إِلَيْ مَا لَمْ يَسْتِقِمْ إِلَيْهِ مُسْلِمٌ فَهُوَ أَحَقُّ بِهِ»

«Кимки бирор мусулмондан олдин бориб эгалик қиласа, у унга ҳақлироқдир». Ҳадиснинг мазмунига кўра, ўраб оловчи киши ўраб олиш билан уни тасарруф қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Ўраб оловчи киши ўралган жойни ўзлаштирмоқчи бўлган кишини бу ишдан қайтариш ҳуқуқига эга. Агар бирор зўрлик билан у ўраб олган ерни уч йил ўтмасдан туриб ўзлаштириса ҳам унга эгалик қилолмайди, балки ўраб олган кишига қайтариб берилади. Чунки ерни ўраб олиш тасарруф қилишда ўзлаштириш ва уни кўл остига олиш кабидир. Агар ўраб олган киши бу ерни сотса, унинг пулига ҳам молик бўлади, чунки у мол муқобилидаги ҳақ бўлиб, уни алмаштириш жоиздир. Ўраб олган киши вафот этса, ернинг эгалиги бошқа мулклар сингари унинг меросхўрларига ўтади, улар уни тасарруф қиласдилар ва бошқа моллар каби ер ҳам Шариатга кўра, уларга тақсимлаб берилади. Бу ердаги ўраб олишдан мурод у ерга тош қўйиш эмас, балки уни кўлга киритилганлиги, яъни мулк қилиб

олинганини кўрсатадиган нарсаларни қўйишидир. Ўраб олиш - унинг чеккаларига тошлар қўйиш билан бўлади, баъзида тошсиз, қуруқ шох-шабба билан ер атрофини ғов қилиш, ёки ерни суфориш ёки тиконларни ёкиш, ёхуд ўт-ўлан ёки тиконларни юлиш, бирор киролмайдиган нарсалар қўйиш, ариқ қазиш каби нарсалар билан амалга оширилади.

Ҳадиснинг кўрсатишича, ўраб олиш ўзлаштириш каби ўлик ерларда амалга оширилади, бошқа ерларда эмас. Ҳазрати Умар: **Уч йилдан кейин ўраб оловчининг ҳаки қолмайди**, яъни ўлик ерда ўраб оловчининг ҳаки қолмайди дейди. Бошқа ерларга эса ўраб олиш, ўзлаштириш билан эмас, балки имом (халифа)нинг ажратиб бериши билан эгалик қилинади. Чунки ўраб олиш ва ўзлаштириш ўлик ерлар ҳақида ворид бўлган. **«Кимки ўлик ерни ўзлаштираса...»**. Бу ерда ерни ўлик деб сифатлашда ўзининг амал қилинадиган мафхуми бўлиб, «усули фиқх»дан маълум бўлишича, бу ҳол қайд (чеклов) хисобланади. Амр ибн Шуайбдан Байҳақийнинг ривоят қилишича, **ҳазрати Умар ўраб олишни уч йил деб белгилади. Кимки уч йил ўтгунча ташлаб қўйса-ю, бошқаси келиб уни ўзлаштираса, у унга ҳакли хисобланади**. Бунинг маъноси шуки, ўлик бўлмаган ерларга ўраб олиш ёки ўзлаштириш билан эгалик қилинмайди.

Ўлик ва ўлик бўлмаган ер орасидаги фарқ шуни кўрсатадики, Пайғамбар с.а.в. одамларнинг ўлик ерга ўраб олиш ёки ўзлаштириш билан эга бўлишларини мубоҳ килдилар. Шу билан у мубоҳотлар қаторига кирди. Шунинг учун у имомнинг ўраб олиш ёки ўзлаштириш ҳақидаги рухсатига муҳтож эмас. Аммо ўлик бўлмаган ерларга фақатгина имом ажратиб бергандан кейингина эгалик қилинади, чунки улар мубоҳотлар қаторига кирмайди, балки имомнинг кўл остидаги нарсалар бўлиб, давлатнинг ерлари хисобланади. **Билол Музаний Пайғамбар с.а.в.дан ер бўлиб беришларини сўради. Бўлиб бермагунларича, унга эгалик қилмади**. Агар ўраб олиш ёки ўзлаштириш билан эгалик қилинадиган бўлгандан, ерни ўз мулки эканлигини билдирадиган нарса билан ўраб олиб, бўлиб беришларини сўрамасдан ҳам, унга эгалик қиласверар эди.

Қайсиdir мусулмон ёки кофир, ушрий ўлик ерни ўзлаштираса, унинг аслига ҳам, манфаатига ҳам эга. Мусулмон учун закоти берилиши шарт бўлган экинлар ва мевалар нисобга етса, закот сифатида ушр бериши вожиб бўлади. Кофирдан эса ушр эмас, хирож олинади. Чунки кофир закот аҳлидан эмас. Ердан эса ушр ёки хирождан бири олиниши шарт.

Мусулмон хирож тайинланмаган жойдаги ўлук ерни ўзлаштирса, унинг аслига ҳам, манфаатига ҳам эга саналади, agar кофир бўлса, фақатгина манфаатга эга бўлади. Мусулмон учун ушр вожиб, хирож вожиб эмас. Кофир учун хирож вожиб, худди кофир ахлидан фатҳ пайтида ўз жойида қолишлари эвазига хирож олинганидек.

Кимки хирожий ердаги ўлук ерни ўзлаштирилган, аввал бу ерга хирож белгиланган бўлса, мусулмон ҳам, кофир ҳам ернинг аслига эмас, манфаатигагина эгалик қиласди. У ўша ер учун хирож тўлайди, чунки у фатҳ қилинган ер бўлиб, унга хирож белгиланган, шунинг учун у ерга мусулмон эгалик қилса ҳам, кофир эгалик қилса ҳам хирож тўлаши абадий шарт.

Юқоридагилар дехқончилик учун ўзлаштирилган ерларга тааллуқлидир. Агар ўзлаштириш уй қуриш, заводлар, магазинлар, фермалар барпо қилиш учун бўлса, ушр ҳам, хирож ҳам олинмайди. Бунда ушрий ер билан хирожий ернинг ўртасида фарқ йўқ. Ироқни, Мисрни фатҳ қилган саҳобалар Куфа, Басра, эски Қоҳирани бунёд этдилар ва у ерларда Умар ибн Хаттоб замонида яшай бошладилар, улардан бошқалар ҳам яшадилар, лекин улардан хирож олинмади ва ер учун закот ҳам бермадилар, чунки закот турар жой ва бинолар учун вожиб эмас.

### Ерни тасарруф қилиш

Ерга эга бўлган ҳар бир одам уни ишлатишга мажбур қилинади. Мухтож одамга ерни ишлатиш имконини берадиган нарсалар байтулмоддан берилади. Уч йил ердан фойдаланмай ташлаб кўйган одамдан ер тортиб олинади ва бошқага берилади. Ҳазрати Умар шундай дедилар: **Уч йилдан кейин ўраб олувчининг ҳакки қолмайди. Яхё ибн Одам Амр ибн Шуайбдан ривоят қиласди:**

«أَقْطَعَ رَسُولُ اللَّهِ أَنَا سَا مِنْ مُزِينَةٍ أَوْ جُهِيْنَةٍ أَرْضًا فَعَطَلُوهَا، فَجَاءَ قَوْمٌ فَأَخْيُوهَا، فَقَالَ عُمَرُ: لَوْ كَانَتْ قَطِيْعَةً مِنِّي، أَوْ مِنْ أَبِي بَكْرٍ، لَرَدَدْتُهَا، وَلَكِنْ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ قَالَ: وَ قَالَ عُمَرُ: مَنْ عَطَلَ أَرْضًا ثَلَاثَ سِنِينَ لَمْ يَعْمَرْهَا، فَجَاءَ عَيْرُهُ فَعَمَرَهَا فَهِيَ لَهُ»

«Расулуллоҳ с.а.в. музайналик ёки жуҳайналик одамларга ер ажратиб бердилар, улар ерни ташлаб қўйдилар, бошқа одамлар келиб, у ерларни ўзлаштиридилар. Шунда Умар деди: Агар мен ажратиб берганимда ёки Абу Бакр ажратиб берганида уни қайтариб олган бўлар эдим, лекин Расулуллоҳ с.а.в. ажратиб берганлар-да. Кимки, ерни уч йил обод қилмай ташлаб қўйса-ю,

**бошқа киши келиб уни обод қилса, у унгадир».** Бундан мурод, уч йилдан күйпроқ муддат ўтиб кетганидир, яъни агар Абу Бакр ажратиб берганида эди, уч йил ўтмаган бўлар эди, лекин Расууллоҳ с.а.в. ажратиб берганлари учун уч йилдан ортиқ муддат ўтиб кетди, шунинг учун уни қайтариб олиш мумкин эмас деганидир. Абу Убайда «Амвол»да Билол ибн Хорис Музаний ҳақида шундай деди:

«أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ أَقْطَعَهُ الْعَقِيقَ أَجْمَعَ، قَالَ: فَلَمَّا كَانَ زَمَانُ عُمَرَ قَالَ لِبَلَالٍ: إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ لَمْ يَقْطَعْكَ لِشَحِّجَرَةِ عَلَى النَّاسِ، إِنَّمَا أَقْطَعَكَ لِتَعْمَلَ، فَخُذْ مِنْهَا مَا قَدَرْتَ عَلَى عِمَارَتِهِ، وَرَدِ الْبَاقِي»

«Расууллоҳ с.а.в. унга Ақиқнинг хаммасини ажратиб бердилар. Ҳазрати Умар халифалик даврида унга деди: Эй Билол, Расууллоҳ с.а.в. уни сенга ўраб қўйишинг учун эмас, балки ишлашинг учун ажратиб бердилар. Обод қила оладиганингни олиб қол-да, қолганини қайтариб бер». Саҳобаларнинг ижмоларига кўра ҳам ерни уч йил ташлаб қўйган одамдан тортиб олинади ва бошқасига берилади.

Шунга кўра, ер эгаси ўз ерига иш қуроллари, уруғлари, ҳайвони ва ишчилари билан экиш ҳуқуқига эга. Дехқончилик қилиш учун ёлланма ишчилардан фойдаланиши мумкин. Агар бунга қодир бўулмаса, давлат унга ёрдам беради. Агар ер эгаси ҳеч нарса экмаса, ерни дехқончилик учун бошқа бирорга эвазсиз совға сифатида бериб туради. Агар бу ишни қилмай, уч йил ерни ташлаб қўйса, давлат уни тортиб олиб, бошқага беради. Юнус Мұхаммад ибн Исҳоқдан, у Абдуллоҳ ибн Абу Бакрдан ривоят қиласиди:

«جَاءَ بِلَالٌ بْنُ الْحَارِثِ الْمُزَئِّنِ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ فَاسْتَقْطَعَهُ أَرْضًا، فَأَقْطَعَهَا لَهُ طَوِيلَةً عَرِيضَةً، فَلَمَّا وُلِّيَ عُمَرُ قَالَ لَهُ: يَا بِلَالُ: إِنَّكَ اسْتَقْطَعْتَ رَسُولَ اللَّهِ أَرْضًا طَوِيلَةً عَرِيضَةً فَقَطَعَهَا لَكَ، وَإِنَّ رَسُولَ اللَّهِ لَمْ يَكُنْ يَمْنَعُ شَيْئًا يُسَأَّلُهُ، وَأَنْتَ لَا تُطِيقُ مَا فِي يَدِيْكِ. فَقَالَ: أَجَلْ. فَقَالَ: فَانْظُرْ مَا قَوَيْتَ عَلَيْهَا مِنْهَا فَأَمْسِكْهُ، وَمَا لَمْ تُطِقْ، وَمَا لَمْ تَقْوِ عَلَيْهِ، فَادْفَعْهُ إِلَيْنَا نَقْسِمُهُ بَيْنَ الْمُسْلِمِينَ.

**فَقَالَ: لَا أَفْعُلُ، وَاللَّهِ شَيْئًا أَقْطَعَنِيهِ رَسُولُ اللَّهِ. فَقَالَ عُمَرُ وَاللَّهِ لَتَفْعَلَنَّ. فَأَخْذَ مِنْهُ مَا عَجَزَ عَنْ عِمَارَتِهِ، فَقَسَمَهُ بَيْنَ الْمُسْلِمِينَ»**

«Билол ибн Ҳорис Музаний Расулуллоҳ с.а.в. ҳузурларига келиб, ўзига ер бўлиб беришларини сўради, Пайғамбар с.а.в. унга кенг, узун ерни бўлиб бердилар. Ҳазрати Умар халифа бўлгач, унга деди: Эй Билол, сен Пайғамбар с.а.в.дан кенг, узун ер сўрагандинг, уни сенга бердилар, чунки Пайғамбар с.а.в. сўралган нарсани қайтармас эдилар. У ерга бир ўзингнинг кучинг етмайди-ку. Билол: Ҳа, тўғри, деди. Ҳазрати Умар: Чамалаб туриб кучинг етадиган ерни олиб қол. Кучинг етмайдиганини бизга қайтар, биз уни мусулмонларга тақсимлаб берайлик. Билол деди: Оллоҳга қасамки, ҳеч нарса қилмайман, уни менга Расулуллоҳ бўлиб берганлар-а. Ҳазрати Умар деди: Оллоҳга қасамки, албатта қиласан». Ундан обод қила олмаган ерларни олиб, мусулмонларга тақсимлаб берди. Бу ривоятни Яҳё ибн Одам «Хирож» китобида келтирган. Бу нарса шуни кўрсатадики, ер эгасининг унга экин экишга кучи етмаса, уч йил ташлаб қўйса, давлат уни олади ва бошкага беради, худди ҳазрати Умар Билол Музанийга нисбатан иш тутгандаридек.

Демак, ўраб олиш, халифанинг бўлиб бериши, ўзлаштириш, мерос ва сотиб олиш орқали ерга эга бўлинади. Ерни уч йил ташлаб қўйган одамдан уни тортиб олиш ҳақидаги нусусларда ерни ўраб оловчи киши ва халифа томонидан бўлиб берилган киши зикр этилган. Бу иккисидан бошқа ер эгалари - меросхўр, ўзлаштирувчи, сотиб оловчи кишилар - зикр қилинмаган. Ҳўш, уч йил ташлаб қўйилган ерни халифа томонидан тортиб олиниши ҳамма ерларга тааллуқлими ёки ўраб олинган ва халифа тарафидан ажратиб берилган ерларгагинами? Бунга жавоб: Ўраб оловчига назар соглан киши кўрадики, ерни ўраб олиш уни тасарруф қилиш ва кўлга киритиш борасида худди сотиб олиш, мерос олиш ёки эгалик қилиш каби сабаблардан биридир. Ерни ўраб оловчи киши ўша ерни сотса, унинг савдосига ҳам эгалик қиласи, чунки у мол муқобилидаги ҳақ бўлиб, уни алмаштириш жоиздир. Агар ерни ўраб оловчи киши вафот этса, ернинг эгалиги бошқа бойликлар сингари меросхўрларига ўтади ва улар тасарруф қиласидар. Ер шариатга кўра тақсимлаб берилади. Шунингдек, халифа томонидан ер бўлиб берилган кишига нисбатан ҳам шундай муносабатда бўлинади. Уч йил ташлаб қўйилган ернинг қайтариб олиниши ўраб олган ва давлат тарафидан ажратиб берилган одамгагина хос эмас.

Негаки уларда бошқа мулқорлардан ажратиб турадиган алоҳида сифат йўқ. Айни пайтда улар хусусидаги ҳадислар чеклов маъносини билдирумайди. Ҳадисларнинг шу иккиси хусусида келиши чекловни билдирумайди. Умумий маънонинг бир бўлagini англатади, холос. Умумий маъно эса уч йил бекор ташлаб қўйилган ернинг қайтариб олинишидир. Бундан ташқари, маълум бир ҳодиса хусусидаги нассда иллат кўрсатилса, бу насс шу иллатга алоқадор ҳамма ишларга таалуқли - умумий бўлади. Бу ердаги нассда ҳам иллат - уч йил ташлаб қўйилиш эканлигидир. Демак, ер ўраб олган ёки давлат тарафидан ажратиб берилган одамники бўлгани учун эмас, бекор ташлаб қўйгани учун олиб қўйиляпти. Шундан хуласа қилиб айтиш мумкинки, ўраб олишми, давлат тарафидан ажратиб берилишми, мерос орқалими, қайси йўл билан бўлишидан қатъий назар, эгалик қилувчи ерни уч йил бекор ташлаб қўйса, ундан ер олиб қўйилади. Ким бўлишидан қатъий назар ерни ишлатиб турса, у олиб қўйилмайди. Умар ғанинг: **ўраб олувчининг**, деб гапириши мулқорликнинг бир кўринишини айтишдан бошқа нарса эмас. Зоро, одатда мулқдор ўз ерини бошқалардан ажратиб туриш учун чегарани тош қўйиб, экин ёки дарахт экиб, чукур қазиб, хуллас, бирор бир йўл билан ўраб олади. Шунинг учун Пайғамбар с.а.в. бошқа бир ҳадисда:

«مَنْ أَحَاطَ حَائِطًا عَلَىٰ أَرْضٍ»

**«Кимки, ерни девор билан ўраб олса...»**, дедилар. Буни Абу Довуд ривоят килган. Ерни ўраб олиш унга эгалик қилишга киноя эканлигини кўрсатувчи нарсалардан бири «иҳтажара» сўзининг лугавий маъносидир. Луғатда «иҳтажара» деб тош билан ўраб қўйишга айтилади. Шунга кўра, ҳадиснинг маъноси - ерга эгалик килган кишининг уч йилдан кейин ҳаққи қолмайди, деганидир. Бу ерда чеккасига тош қўйиш ёки девор билан ўраш, ё мулки эканлигига далолат қилувчи бирор бир иш қилишининг фарқи йўқ.

Булар ҳадисга нисбатан айтилган гаплардир. Энди ҳазрати Умар килган ва саҳобалар ундан сукут сақлаган нарсага нисбатан олиб кўрайлик. Ҳазрати Умар Пайғамбар с.а.в. музайналийка бўлиб берган ва бошқалар томонидан ўзлаштирилган ерни обод қилувчига олиб берди ва музайналийкнинг ерни олишини таъкиллади ва деди: **Кимки, ерни обод қилмай уч йил ташлаб қўйса-ю, бошқаси келиб уни обод қилса, у уни** ишидир. Умарнинг: **кимки ерни ташлаб қўйса, деган сўзлари барча учун умумийдир.** У яна Билол ибн Ҳорис Музанийга шундай деди: **«Пайғамбар с.а.в. уни ўраб қўйишинг учун эмас, балки ишлатишинг учун ажратиб**

**бердилар. Обод қилишга кучинг етадиганини олиб қол-да, қолганини қайтариб бер».** Буни Абу Убайд «Амвол»да ривоят қилди ва айтдики, ҳазрати Умар обод қилишга ожиз бўлган ерларни қайтариб олди. Бу ишни - ажратиб берилган ерга хослаб қўйиш жоиз эмас, шунинг учун у барча учун умумий бўлиб қолади. Бу ҳодисанинг ер бўлиб берилган киши билан рўй бериши - ҳодисани фақат унга чеклаш эмас.

Шунга кўра, ҳар бир ер эгаси агар ерни уч йил ташлаб қўйса, ерга қай сабабга кўра эгалик қилишига қарамай ер олинади ва бошқага берилади, чунки бунда ерга эгалик қилиш эмас, балки ерни ташлаб қўйиш эътиборга олинади. Бу нарса одамларнинг молини ноҳақ олиш саналмайди. Чунки Шариат ерга эгалик қилишнинг маъносини кўчма мулк ва кўчмас мулкка эгаликдан ўзгача деб ҳисоблади ва ерга дехқончилик қилиш учун эга бўлинади деб белгилади. Агар Шариат кўрсатган муддатгача ташлаб қўйилса, ер эгасидан эга бўлиш маъноси йўқолади. Шариат обод қилиш, ажратиб бериш, мерос, сотиб олиш ва бошқа сабаблар орқали дехқончилик қилиш учун ерга эгалик қилиш ҳуқукини берди. Эътиборсизлиги туфайли ер эгасини ердан маҳрум этди. Буларнинг барчаси ерга экиш ва ундан фойдаланиш давомли бўлиши учун амалга оширилди.

### **Ерни ижарага беришнинг ман қилиниши**

Ер эгаси ерини ижарага беришга мутлақо ҳаққи йўқ. Ернинг фақат манфаатига эгалик қиласидими ёки ҳам манфаати ва ҳам аслига эгалик қиласидими, бошқачароқ қилиб айтганда, ер ушрий ёки хирожий бўладидими, ижарага бериш пул ёки бошқа нарса эвазига бўладидими, фарқи йўқ. Шунингдек, у ўз ерини таом ва ердан чиқадиган бошқа нарсаларнинг эвазига экиш учун ижарага бериши ҳам мутлақо жоиз эмас. Саҳиҳул Бухорийда Пайғамбар с.а.в. шундай деганлари ривоят қилинган:

«مَنْ كَانَتْ لَهُ أَرْضٌ فَلِيَرْعُهَا، أَوْ لِيَمْنَحْهَا أَخَاهُ فِيْ إِنْ أَبِي فَلِيمِسِكْ أَرْضَهُ»

«Кимнинг ери бўлса, экин эксин ёки биродарига берсин, агар беришни хоҳламаса, ерини ушлаб турсин». Саҳихи Муслимда қуйидагича ривоят қилинган:

«نَهَى رَسُولُ اللَّهِ أَنْ يُؤْخَدَ لِلأَرْضِ أَجْرٌ أَوْ حَظٌ»

**«Пайғамбар с.а.в. ер учун ҳақ ёки улуш олишдан қайтардилар».** Насойининг «Сунан»ида ривоят қилинган:

«نَهَى رَسُولُ اللَّهِ عَنْ كِرَاءِ الْأَرْضِ. قُلْنَا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِذْنٌ تُكْرِبَهَا بِشَيْءٍ مِنَ الْحُبْرِ، قَالَ: لَا. وَكُنَّا نُكْرِبَهَا بِالْتِبْنِ، فَقَالَ: لَا. وَكُنَّا نُكْرِبَهَا بِمَا عَلَى الرِّبَعِ السَّاقِي، قَالَ: لَا، ازْرِعْهَا أَوْ إِمْنَحْهَا أَخَاهَ»

«Расулуллоҳ с.а.в. ерни ижарага беришдан қайтардилар. Биз дедик: Ё Расулаллоҳ, дон эвазига ижарага берсак-чи? Дедилар: Йўқ. Дедик: Сомон эвазига ижарага берсак-чи? Дедилар: Йўқ. Рабиҳус-соқийдаги нарса эвазига ижарага берсак-чи? Дедилар: Йўқ, ерга экин эк ёки биродарингга бер». Рабиъ - кичик дарё - водийдир, яъни шундай дейишди: Биз Рабиъдаги, яъни сув бўйидаги ерларга экин экиб бериш эвазига дехқончилик учун ижарага берар эдик. Расулуллоҳ с.а.в.дан собит бўлганки:

«أَنَّ اللَّهَ نَهَى عَنْ أَنْ يُؤْخَذَ لِلأَرْضِ أَجْرٌ أَوْ حَظٌ، وَعَنْ أَنْ تُكْرِبَ بِثُلْثٍ أَوْ رُبْعٍ»

«У киши ер учун ҳақ ёки улуш олишдан ҳамда учдан бири ёки тўртдан бири эвазига ижарага беришдан қайтардилар». Абу Довуд Рофиъ ибн Хадиждан, у эса Расулуллоҳ с.а.в.дан ривоят қиласиди:

«مَنْ كَانَتْ لَهُ أَرْضٌ فَلْيَرْعَهَا أَخَاهُ، وَلَا يُكَارِبَهَا بِثُلْثٍ، وَلَا

بِرْبَعٍ، وَلَا بِطَعَامٍ مُسَمَّى»

«Кимнинг ери бўлса, унга экин эксин ёки экин экиш учун биродарига берсин, лекин учдан бири, тўртдан бири, муайян таом эвазига ижарага бермасин». Бухорийнинг Нофиъдан ривоят қилишича, Абдуллоҳ ибн Умарга Рофиъ ибн Хадижнинг қуидаги гаплари айтилди:

«أَنْ النَّبِيُّ نَهَى عَنْ كِرَاءِ الْمَزَارِ»

«Пайғамбар с.а.в. экин экиладиган ерларни ижарага беришдан қайтардилар». Ибн Умар ва мен Рофиънинг хузурига шу ҳақда сўраш учун бордик. Шунда у айтди:

«نَهَى النَّبِيُّ عَنْ كِرَاءِ الْمَزَارِ»

«Пайғамбар с.а.в. экин экиладиган ерларни ижарага беришдан қайтардилар». Бухорийнинг Солимдан ривоят қилишича, Абдуллоҳ ибн Умар ерни ижарага беришни тарк қилган экан.

Бу ҳадислар Пайғамбар с.а.в.нинг ерни ижарага беришдан қайтарганикларини очиқ-ойдин кўрсатиб турибди. Қайтарув - тарк қилишни талаб қилаётган бўлса ҳам, лекин бу ерда қаринанинг кўрсатишича, талаб қатъийдир. Чунки Пайғамбар с.а.в.га: ерни дон эвазига ижарага берсакчи, дейишганда, йўқ, дедилар. Сўнг сомон эвазига берсакчи, дейишганда ҳам, йўқ, - дедилар. Сўнг: Робиънинг бўйидаги ерларга экиб беришлари эвазига ерни ижарага берар эдик, дейишганда ҳам, йўқ дедилар ва буни «**Экин эк ёки биродарингга бер**», деган сўзлари билан таъкидладилар. Бу ердаги қайтарувда қаттиқ туриб олиш таъкид учундир. Бундан ташқари, араб тилидаги таъкидлаш лафзларнинг тақорроланиши билан лафзий ёки маъно орқали ифодаланади. Бу ердаги қайтарув лафзларининг тақорроланиши таъкидга далолат килмоқда. Аммо Расулллоҳ с.а.в.нинг Ҳайбар ерларини ҳосилнинг ярмиси эвазига ижарага беришлари юкорида айтилган нарсалар жумласига кирмайди, чунки Ҳайбар ерлари дараҳтлардан иборат бўлиб, текис ер эмасди. Бунга ибн Исҳоқнинг «Сийрат»ида Абдуллоҳ ибн Абу Бакрдан ривоят қилган ҳадис далилдир:

«أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ كَانَ يَبْعَثُ إِلَى أَهْلِ حَيْبَرَ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ رَوَاحَةَ مِمْوَتَةً يَرْحَمُهُ اللَّهُ فَكَانَ جَبَارُ بْنُ صَحْرٍ إِبْنُ أُمِيَّةَ بْنِ حَنْسَاءَ، أَخُو بَنِي سَلَمَةَ، هُوَ الَّذِي يَخْرُصُ عَلَيْهِمْ بَعْدَ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ رَوَاحَةَ»

«Пайғамбар с.а.в. Ҳайбарга Абдуллоҳ ибн Равоҳани мусулмонлар ва яхудийлар ўртасида меваларни ўлчаб берувчи (хорис) қилиб жўнатардилар. Абдуллоҳ ибн Равоҳа Мўхта жангига ҳалок бўлди. Абдуллоҳ ибн Равоҳадан кейин Абу Саламанинг акаси Жаббор ибн Сахр ибн Умайя ибн Хансо меваларни ўлчовчи бўлди». Хорис дегани меваларни дараҳтда турган ҳолида узуб олишдан олдин ўлчаб берувчи кишидир. Бу ривоят Ҳайбар ерлари дараҳтзор эканлигини, текис ер эмаслигини аник кўрсатиб турибди. У ердаги экинлар эса дараҳтзорларнинг жуда кичик қисмини ташкил қилиб, дараҳтзорга тобе эди. Шунга кўра, Ҳайбар ерлари, ерни ижарага бериш бобига кирмайди, балки мусоқот (дараҳтзорларни шерик бўлиб сугориш) жумласидандир. Мусоқот эса шаръян жоиздир. Бундан ташқари **Пайғамбар с.а.в.нинг қайтарувларидан кейин сахобалар ерни ижарага беришдан воз кечдилар.** Улардан бири Абдуллоҳ ибн Умардир. Бу эса, уларнинг ерни ижарага беришни ҳаром деб тушунганикларини билдиради. Бироқ, ерни ижарага беришнинг

харомлиги факатгина дәхқончиликка тааллуклидир. Уни дәхқончиликдан бошқа нарса учун - дам оладиган жой, товарлар учун омбор каби ишлар эвазига ижарага бериш мүмкін. Чунки, ерни ижарага беришдан қайтарув дәхқончиликкагина хос бўлиб, сахих ҳадислардан ҳам шу маъно тушунилади. Ер ва унга тааллукли нарсалар хусусидаги ҳукмлар дәхқончилик орқали ўз бойлигини ўстириш учун ҳаракат қилаётган мусулмонга шариат белгилаб берган кайфиятни баён этади.

## БАЙ ВА БУЮРТМА БЕРИШ

### Бай

Оллоҳ Субҳонаху ва Таоло молни дунёда бандаларнинг манфаатлари юзага чиқишига сабаб қилиб, уларни кўлга киритиш учун тижорат йўлини шариатда кўрсатиб берди. Чунки ҳар бир кимсанинг муҳтож бўлган нарсаси ҳамма жойда мавжуд эмас, уни зўравонлик билан олиш эса бузгунчиликдир. Демак, ҳар бир инсон ўзи муҳтож бўлган нарсасини зўравонлик билан эмас, тўғри йўл билан олишига имконият яратиб берадиган низом бўлиши лозим. Шунга кўра, тижорат ва бай хукмлари нозил бўлди. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَكُمْ بَيْنَكُمْ بِالْبَاطِلِ إِلَّا أَنْ تَكُونَ تِجَارَةً عَنْ تَرَاضٍ مِّنْكُمْ﴾

– „Эй мўминлар, молларингизни ўрталарингизда ноҳақ (яъни ўзерилик, қароқчилик, судхўрлик, порахўрлик, қимор каби) йўллар билан еманг! Балки ўзаро ризолик билан бўлган савдо-сотиқ орқали мол-дунё касб қилинг“. [4:29]

Тижорат икки хил бўлади: шариатда бай, деб номланадиган ҳалол ва рибо деб номланадиган ҳаром. Буларнинг иккови ҳам тижоратдир. Оллоҳ Таолокофирлар ҳакида, бай билан рибонинг ўртасидаги фарқни авлдан келиб чиқиб, инкор қилганликлари хабарини бериб шундай дейди:

﴿ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ قَالُوا إِنَّمَا الْبَيْعُ مِثْلُ الرِّبَا﴾

– „Бунга сабаб уларнинг: «Бай (олди-сотди) ҳам судхўрликнинг ўзи-ку?» деганларидир“. [2:275]

Сўнг Оллоҳ Таолоушбу сўзи билан бай билан рибонинг ўртасидаги ҳалол-ҳаромни ажратиб берди:

﴿وَأَحَلَ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَمَ الرِّبَا﴾

– „Оллоҳ байни ҳалол ва рибони ҳаром қилди“. [2:275]

Демак, у иккиси ҳам тижорат бўлиб, шаръян ҳалоли бай экан. Бай сотдим-олдим, деган лафзлар ёки уларнинг маъносидаги сўз ва ҳаракат орқали амалга ошади. Мол (товар) эгаси байга ўзи бош бўлиши, вакил кўйиши, элчи юбориши ҳамда ҳаки белгиланиши шарти билан ишчи ёллаши жоиз. Ишчини фойданинг бир қисмини олишга ёлласа, у шерик бўлиб, унга ёлланувчининг хукми эмас, музорибнинг хукми мувофиқ келади. Шунингдек, бир киши молни

(товарни) ўзи, вакили ёки элчиси воситасида сотиб олиши ёхуд олиб берадиган кимсани ёллаши мумкин.

Демак, тижорат мулк кўпайтиришнинг бир тури сифатида жоиз иш бўлиб, бай ва ширкат (шериклик) ҳукмларида ўз ифодасини топади. Куръон ва Ҳадисда тижорат ворид бўлган. Оллоҳ шундай дейди:

﴿إِلَّا أَنْ تَكُونَ تِجَارَةً حَاضِرَةً تُدِيرُونَهَا بِيَنْكُمْ فَلَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ أَلَّا تَكْتُبُوهَا﴾

— „Лекин агар (ўртадаги муомалангиз) ораларингизда юргизиб турган нақд савдо бўлса, уни ёзмасангиз-да, сизлар учун гуноҳ йўқдир“.

[ص.ع.و.]

Рифоға ривоят қилади:

«أَنَّهُ خَرَجَ مَعَ النَّبِيِّ إِلَى الْمُصَلَّى، فَرَأَى النَّاسَ يَتَبَاهَيُونَ فَقَالَ: يَا مَعْشَرَ الْتَّجَارِ، فَرَفَعُوا أَعْنَاقَهُمْ وَأَبْصَارَهُمْ إِلَيْهِ إِجَابَةً لَهُ فَقَالَ: إِنَّ الْتَّجَارَ يُبَعْثُثُونَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فُجَارًا إِلَّا مَنْ إِتَّقَى اللَّهَ وَبَرَّ وَصَدَقَ»

«У киши Расулulloҳ с.а.в. билан мусалло (ийдоҳ)га чиқибди. Шунда Расулulloҳ с.а.в. одамларни олди-сотди қилишаётганини қўриб: Эй савдогарлар жамоаси, дедилар. Одамлар: Лаббай, деб у кишига юзландилар. Расулulloҳ с.а.в.: Қиёмат кунида тижоратчилар фожир ҳолда қайта тириладилар, фақатгина Оллоҳдан қўрқиб, эзгулик қилиб, рост сўзлаган кимса бундан мустаснодир», дедилар. Абу Сайд Расулulloҳ с.а.в.дан ривоят қилади, Расулulloҳ с.а.в. шундай дедилар:

«الْتَّجَارُ الصَّدُوقُ الْأَمِينُ مَعَ النَّبِيِّنَ وَالصِّدِيقِينَ وَالشَّهَدَاءِ»

«Ишончли, рост сўзловчи савдогар пайғамбарлар, сиддиқлар ҳамда шахидлар билан биргадир». Бу икки ҳадисни Термизий келтирган.

Савдо икки хил бўлади: ички савдо ва ташки савдо. Ички савдо зироат ёки саноатга оид бўладими, миллий ёки чет эл маҳсулоти бўладими, мамлакат ичкарисидаги ўзаро олди-сотдидан иборатдир. Ички тижоратда байга тааллукли бўлган ҳукмлардан ўзга ҳеч қандай чеклов йўқ. Аммо моллар (товар) ва молларнинг турлари ҳамда уларни мамлакат ичкарисида бир жойдан иккинчи жойга олиб бориш ҳар бир инсоннинг ўзига ҳавола, яъни ҳар бир инсон шаръий ҳукмлар асосида бундай савдо қилиши мумкин, давлат ички

тижоратни фақатгина назорат қилиб туради. Ташки савдо эса зироат ёки саноатга оид бўлишидан қатъий назар миллий товарни чет элга сотиш ёки чет эл товарини олиб келиб юртимизда сотишдан иборатдир. Ташқи тижорат давлатнинг бевосита назоратига боғлик. Шунинг учун давлат молларни олиб кириш ва олиб чиқишда ахли ҳарб ва ахли аҳд савдогарлари устидан назорат қилиб туради.

### **Буюртма бериш**

Бир киши бошқа бир кишига идиш, машина ёки ҳунармандчиликка оид нарсани ясаттирмоқлиги буюртма беришдир. Буюртма бериш (истисно) шаръан жоиздир. У суннат билан событ бўлган. Расулуллоҳ с.а.в. узук ясаттирганлар. Анасадан ривоят қилинади, айтадики: **Расулуллоҳ с.а.в. узук ясаттирганлар**. Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилинади: **Набий с.а.в. тилла узук ясаттирганлар**. Бу икки хадисни Бухорий ривоят қилган, Расулуллоҳ с.а.в. минбар ҳам ясаттирганлар. Саҳлдан ривоят қилинади, айтадики: **Расулуллоҳ с.а.в. бир аёлга, дурадгор хизматчингга буюр, менга ўтиришим учун минбар ясаб берсин, деб одам юборгандар**. Бухорий ривоят қилган. **Расулуллоҳ с.а.в. ҳаётликларида одамлар буюртма беришарди, яхни бир-бирларига нарсалар ясаттиришар эди, Расулуллоҳ с.а.в. уларга индамасдилар**. Расулуллоҳ с.а.в.нинг сукутлари ва феъллари (ишлари) худди сўзларидек, шаръий далиллар. Ясаттирилган нарсалар: узук, минбар, жавон, машина кабилар битим обьекти ҳисобланади. Мана шу йўсингдаги истисно, яъни хом-ашё устанинг ўзидан бўлган ҳолда нарса ясаттириш, бай туркумидан бўлиб, ижара туркумидан эмас. Агар бир киши, ясовчига хом-ашёни келтириб, ундан муайян нарса ясаб беришини талаб қилса, бу иш ижара туркумига киради.

Саноат ҳар бир уммат, ҳалқ ва жамият иқтисодий ҳаётининг муҳим асосларидан биридир. Ўтмишда саноат факат қўйл меҳнатига таянр эди. Инсон асбобларни юргизишида парлардан фойдаланишга йўл топгач, қўйл кучи билан ишлайдиган корхона аста-секин механизмли завод-фабрикага айланди. Янги ихтиrolар қилингач, саноатда катта бурилиш юз бериб, маҳсулотлар орта борди, шу билан бирга механизмли завод-фабрика иқтисодий ҳаёт асосларидан бирига айланди.

Механизмли ёки қўйда ишланадиган заводларга тааллукли ҳукмлар ширкат, ёки ижара, бай ва ташқи тижорат ҳукмларининг бирортасидан холи эмас. Завод-фабрика очиш гоҳида бир шахснинг моли билан бўлади. Бундай ҳолат камдан-кам учрайди, кўпинча, бу иш шерик бўлган бир қанча шахсларнинг моллари билан амалга

оширилади. Бундай ишга исломий ширкатлар хукми юргизилади. Заводдаги идора, меҳнат, бирон нарса ясаш каби ишларга эса ишчи ёллаш хукмлари татбиқ этилади. Заводнинг маҳсулотини сарфлашга бай ва ташки тижорат хукмлари қўлланилади. Алдаш, харид ва сотувда одатдан ташқари нарх қўйиш, эҳтикор (монополия) ман этилади. Завод чиқарадиган катта ёки кичкина маҳсулотга, уни ясад чиқаришдан олдин буюртма бериш (ясатиш) хукмлари асос қилиб олиниади. Шунингдек, қийматни кўтариш буюртмачини буюртмани олишга мажбур қилиш ёки қилмаслик шариат хукмига қараб бўлади.

